Возложение такой обязанности на родственников наследодателя, не принимавших участия в определении личности иждивенца, вида и размера полагающегося ему содержания, представляется, как минимум, нелогичным. Несомненно, не должно осуществляться полное исключение таких иждивенцев из категории необходимых наследников². На основании приведенных аргументов, представляется логичным как минимум уменьшить обязательную долю, причитающуюся иждивенцам в качестве необходимых наследников, до ¼ доли, причитавшейся бы им при наследовании по закону³.

Представляется, что подобное замечание не в полной мере учитывает интересы самих иждивенцев, которые в силу особого статуса являются социально слабо защищенной группой, и во многом зависящей от обеспечения наследодателя, в силу этого, сокращение их обязательной доли будет несомненным ограничением их интересов.

Abstract

In the introductory part of the article the author characterizes concept of the will.

In the basic part inheritance positions by testament are considered.

In the conclusion the author makes the offers on perfection of the national legislation in this sphere.

¹ Демина Н. Б. Гарантии прав родственников наследодателя при наследовании по завещанию: Автореф. дисс...канд.юрид.наук. М.,2005. С. 8.

² См. подробнее: Комментарий к части третьей Гражданского кодекса Российской Федерации / Под ред. А.Л. Маковского, Е.А. Суханова. М.: Юристъ, 2002.

³ Демина Н. Б. Указ. соч. С. 20 – 21.

Н.Имомов
Ю.ф.н., ТДЮИ доценти

ЯНГИ НАВ ВА ЗОТ МУАЛЛИФИ ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ

Барча интеллектуал мулк объектларининг муаллифи бўлгани сингари, янги нав ва зотнинг ҳам ўз яратувчиси - муаллифи бўлишligи табиий ҳол албатта. Одатда, ҳуқуқий муҳофазанинг шакллантирилганлиги, биологик ва зоологик ютуққа муаллифлик масаласининг қандай ҳал қилинганлигига боғлиқ бўлади.¹ Бу масалага Ўзбекистон Республикасининг «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги қонунининг 5-моддасида жавоб берилган. Унга кўра, ўзининг ижодий меҳнати билан ўсимлик нави ва ҳайвон зотини яратган (аниқлаган ёки чиқарган) жисмоний шахс ўсимлик ёки ҳайвон зотининг селекция ютуғи муаллифи деб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг исталган фуқароси ёши ва муомала лаёқатидан қатъий назар селекция ютуғининг муаллифи бўлиши мумкин. Муаллифлик ҳуқуқлари вужудга келишининг асоси муомалага лаёқатлиги селекция натижасида ютуқнинг объектив фактлиги ҳисобланади. Яратилган селекция ютуғига ҳуқуқий муҳофаза ҳужжати берилгандан сўнг, унинг муаллифи селекция ютуғларига нисбатан ҳуқуқ субъекти сифатида эътироф этилади. Вояга етмаган ва муомалага лаёқатсиз шахсларнинг муаллифлик ҳуқуқлари уларнинг қонуний вакиллари орқали амалга оширилади.

Албатта фуқаролик ҳуқуқи назарияси ва амалдаги фуқаролик қонунчилиги нуқтаи назардан қараганда янги нав ва зотнинг муаллифи бўлиш ҳуқуқи фуқароларнинг ёши ва муомала лаёқатидан келиб чиқиб чекланмаган. Бироқ, янги нав ва зотни яратиш муаллифлик ҳуқуқи объекти ҳисобланган анъанавий асарларни яратишга қараганда анча мураккаб ва чуқур илмий билимни талаб этади. Бундан ташқари, мазкур билим муайян соҳага хос бўлишligи лозимки, бу эса ўз навбатида узоқ йиллик билим олиш, илмий изланиш ва салоҳиятни талаб қилади. Шу сабабли амалий жиҳатдан селекция ютуғи муаллифлари сифатида ҳар қандай жисмоний шахсни эътироф этиш баҳсли бўлар эди.

Шу билан бирга янги нав ва зотни яратиш ва унга нисбатан муаллифликни белгилаш тўғрисидаги қонунчиликка селекция ютуғи муаллифи “муайян билим ва ихтисосликка эга шахс бўлиши мумкинлиги” қондасини киритиш тўғри бўлмастлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Бинобарин, бундай чеклаш инсон ижодий фаолиятини ва унинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш бўлиб қолар эди. Чунки ҳар қандай инсон ўзига хос ноёб қобилияти туфайли селекция соҳасидаги тажриба, билим ва мутахассислик ҳужжатида эга бўлмасдан ҳам янги нав ва зотни яратиши мумкин бўлар. Гарчи бу ҳолат ҳар доим ҳам мавжуд бўлмасда, бироқ бу воқеълик инкор этиб бўлмайдиган эҳтимолликдир. Шу сабабли янги нав ва зот муаллифи сифатида ўзининг ижодий меҳнати билан янги нав ва зотни яратган шахс тан олиниши қондаси ҳуқуқий жиҳатдан тўғридир.

Қонунда чет эл фуқаролари селекция ютуқларининг муаллифи бўлишligи ёки улар

ҳуқуқларининг муҳофазаси ҳақида сўз юритилмаган. Лекин, “Селекция ютуқларига талабномалар тузиш ва топширишнинг вақтинчалик қоидалари”да хорижий фуқаролар ва юридик шахслар талабномани Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига кўра ёки ўзаро дўстлик тамойили асосида берадилар, - деган қоида мустаҳкамланган. Ушбу меъёр чет эл фуқаролари ва юридик шахсларининг Ўзбекистон Республикасида селекция ютуқларининг тўла-қонли субъекти бўла олмасларда, улар ҳам халқаро шартномалар ва дўстлик тамойили асосида селекция ютуғига нисбатан ҳуқуқлар субъектлар бўла олишлари мумкинлигини кўрсатади. Бу ўринда Р.Ж.Матқурбановнинг “муаллиф сифатида ҳар қандай жисмоний шахс ёши ва муомала лаёқатидан қатъий назар эътироф этилиши мумкин. Шунингдек, махсус билим, мутахассислик бўйича тажриба, фуқароликнинг ёки муаллифнинг бошқа сифатлари мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас”² - деган фикрларида муайян асос борлигини эътироф этиш керак.

Бир неча шахсларнинг ижодий фаолиятлари натижасида селекция ютуқлари яратилган бўлса, унда бундай селекция ютуғига нисбатан ҳаммуаллифлик белгиланади. Селекция ютуғини яратишда ўзининг ижодий меҳнати билан қатнашган шахсларнинг барчаси селекция ютуғи муаллифи деб эътироф этилади. Селекция соҳасида ҳаммуаллифлик масаласи жуда долзарб ҳисобланади. Чунки, биринчидан, янги нав ва ҳайвон зотларининг катта қисми яқка селекция ютуғи муаллифи томонидан эмас, бутун бир ижодкорлар томонидан яратилмоқда; иккинчидан, селекция инсон фаолиятининг махсус соҳаси бўлиб, ижодий фаолиятнинг бошқа турларидан ўзининг бир неча хусусиятлари билан ажралиб туради. Ҳозирги вақтда селекция комплекс фан сифатида турли хил мутахассислар-генетиклар, физиологлар, биохимиклар, фитопатологлар, цитологлар ва бошқаларнинг саъй-ҳаракатлари мажмуи ҳисобланади³.

Дарҳақиқат, санаб ўтилган мутахассисларнинг барчаси нафақат ўз олдига қўйилган масалани ечиши, яъни янги навни у ёки бу фойдали томони ва сифатини аниқлаши лозим. Балки, селекция натижасининг ҳимояга лаёқатлилик мезонларининг юзага келтиришдаги умумий муаммони ҳал қилишга ҳаракат қилишлари керак. Шу билан бирга, янги нав ёки зот яратилишининг анча узоқ муддат давом этишини, баъзи ҳолатларда бу ишда инсонларнинг бир неча авлодлари алмашилишини ҳисобга олиш лозим бўлади. Ва ниҳоят, селекция ишида бошқа соҳалардан фарқ қилиб селекция ютуғи муаллифларга дастлабки материалларни саралаш, уруғликни кўпайтиришда техник операцияларни бажарувчи шахсларнинг кўмаги муҳим аҳамият касб этишини эътибордан четда қолдирмаслик керак.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ҳаммуаллиф сифатида селекция ишида ўзининг ижодий меҳнати билан қатнашган жисмоний шахслар тан олинишини таъкидлаб ўтиш лозим.

¹ Левченко В.И. Правовая охрана селекционных достижений. М.: Наука, 1983. С.51.

² Матқурбанов Р.Ж. Гражданская дееспособность граждан: понятие, дифференция, ограничение.-Ташкент: ТДЮИ, 2008.- 45 с.

³ Сергеев А.П. Право интеллектуальной собственности в РФ. -М.: Проспект. 2000. -708 с.

А.П.Сергеевнинг фикрича, ҳаммуаллифлик жисмоний шахснинг биргаликда ижод жараёнининг қайси босқичи ёки қайси вақтда иштирок этишидан қатъий назар вужудга келади. Масалан, ҳаммуаллиф сифатида янги нав яратилишининг исталган босқичида ишга жалб қилинган ҳар қандай мутахассис тан олинishi лозим, агар унинг ижодий меҳнати билан сўнги натижага эриштирадиган аниқ масаланинг ечими топилса¹.

Селекция ютуғининг ҳаммуаллифлиги масаласидаги А.П.Сергеевнинг фикри ўринли. Зеро, анча узоқ давом этадиган селекция ютуқларини яратиш жараёни унинг исталган босқичида янгича ечим ва янгича ижодий кучларни талаб этади.

Шу билан бирга амалдаги қонунчилик янги нав ва зот муаллифи сифатида эътироф этилишига нисбатан “муаллиф презумпциясини” белгиламаганлигини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керак. Масалан, ФКнинг 1046-моддаси 2-қисми ва Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 20 июлдаги “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида” ги Қонунининг 10-моддаси 2-қисмида “асарга нисбатан муаллифлик презумпцияси” белгиланган бўлиб, унга кўра, асарнинг асл нусхасида ёки нусхасида муаллиф сифатида кўрсатилган шахс, агар бошқача ҳол исботланмаган бўлса, асар муаллифи ҳисобланади.

И.И.Насриевнинг фикрича, бу презумпцияга асосан, агар бошқача далил, исботлар бўлмаса, асар аслида ёки унинг нусхасида муаллиф деб кўрсатилган шахс асар муаллифи деб тан олинади. Бинобарин, муаллиф ўзининг муаллифлигини, то бошқа шахслар бунинг аксини исботламагунча, ҳеч кимга исботлаб ўтиришга мажбур эмас, ваҳоланки, унинг муаллифлиги сўзсиз тан олинмоғи лозим. Бу презумпция Наполеон Бонопарт Фуқаролик Кодексида оталикни белгилаш ҳақидаги презумпциядан ўзига хос тарзда ўзлаштириб ҳосил қилинган. Бундай презумпциянинг амал қилиши муаллифлик факти бошқалар томонидан эътироф этилишининг муҳим ҳуқуқий кафолатидир².

Селекция ютуғи муаллифининг “муаллифлик презумпцияси” ҳуқуқига эга эканлиги Россия Федерацияси Гражданилик кодексининг 1410-моддасида белгиланган бўлиб, унга мувофиқ, селекция ютуғига патент бериш ҳақидаги талабномада муаллиф сифатида кўрсатилган шахс, агар бошқача ҳол исботланмаган бўлса, селекция ютуғи муаллифи ҳисобланади.

Мазкур нормани шарҳлар экан К. Всеволожский куйидаги фикрларни баён қилади:

- селекция ютуқларига нисбатан бу қоидалар биринчи мартаба киритилмоқда. Шу билан бирга, РФ ГКнинг 1410-моддасида икки турдаги презумпция “яширинган” бўлиб, “талабномада муаллиф сифатида кўрсатилган шахс, муаллиф ҳисобланади” қоидаи мантиқий жиҳатдан иккита тезисни ҳосил қилади. Биринчи тезис анча тушунарли ва ошқора кўриниб туради ҳамда акси исботланмагунча талабномада

кўрсатилган шахс томонидан селекция ютуғи яратилганлигини англатади. Иккинчи тезис эса яширин бўлиб, унга кўра, мазкур шахснинг селекция ютуғини яратиш бўйича меҳнати “ижодий” характер касб этганлигини билдиради³.

Фикримизча, “муаллифлик презумпцияси” қоидасини селекция ютуқларига нисбатан қўллаш селекциячиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда, кейинчалик ўзбошимчалик селекциячини муаллифлар сафидан чиқариб ташлашга ҳамда уларнинг муаллифлик ҳуқуқини поймол қилишга йўл қўмаган бўлар эди.

Шу ўринда селекция ютуғин яратишда техникавий топшириқни бажарган шахсларнинг муаллиф сифатида эътироф этилмаслиги, лабораторияларда ёрдамчи техник вазифаларни бажарга, уруғларни саралашда ёрдам берган ёки уларни териш ва қуритишдаги одатдаги, кундалик ишларни бажарган шахсларни муаллиф сифатида эътироф этилмаслиги умумий қоидадан келиб чиқади⁴. Бироқ амалдаги қонунчиликда бу қоида ўз ифодасини топмаган. Айрим давлат қонунчилигида эса мазкур шарт киритилган ва селекция ютуқлари, қолаверса, бошқа усулларда яратилган янги нав ва зот муаллифларини аниқлашда муҳим ўрин тутди. Масалан, Қозоғистон Республикасининг 1999 йил 13 июлдаги “Селекция ютуқларини муҳофаза қилиш тўғрисида”⁵ ги Қонунининг 11-моддаси 3-қисмига биноан, муаллифга (муаллифларга) фақат техник, ташкилий ва нав ва зотга нисбатан ҳуқуқларни расмийлаштиришда ёрдам кўрсатган шахслар муаллиф сифатида эътироф этилмайди. Айнан шундай қоида Қирғизистон Республикасининг 1998 йил 26 майдаги “Селекция ютуқларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида” ги Қонунининг 21-моддаси 2-қисмида ҳам кўрсатилган ҳамда навни, зотни яратишда ва чиқаришда ўзининг шахсий улушини қўшмаган, фақатгина муаллифга техник ёрдам кўрсатган шахслар селекция ютуғи муаллифи ҳисобланмаслиги белгиланган.

Фикримизча бу қоида ҳам янги нав ва зот муаллифларини аниқлашда, муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ва муаллифлар доираси асоссиз равишда кўпайиб кетишига барҳам берар эди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг “Селекция ютуқлари тўғрисида”ги қонунининг 5-моддаси 1-қисмини куйидаги тахрирда ифодалаш мақсадга мувофиқдир:

- селекция ютуқларини яратиш жараёнининг исталган босқичида ва исталган пайтида ўзининг ижодий меҳнати билан якуний натижага эришишга қаратилган аниқ биологик масалани ечишда иштирок этган жисмоний шахслар селекция ютуғининг муаллифи, деб ҳисобланади. Селекция ютуғига патент бериш ҳақидаги талабномада муаллиф сифатида кўрсатилган шахс, агар бошқача ҳол исботланмаган бўлса, селекция ютуғи муаллифи ҳисобланади. Муаллифга (муаллифларга) фақат техник, ташкилий ва нав ва

³ Всеволожский В. Охрана и использование селекционных достижений (комментарий основных положений главы 73 ГК РФ) // Хозяйство и право.-Москва. 2008.-№2.-С.3-4.

⁴ Сергеев А.П. Право интеллектуальной собственности в Российской Федерации.-Т.:Прспект.2001.-259-326 с.; Оқюлов О. Интеллектуал мулк ҳуқуқининг назарий ва амалий муаммолари.-Т.:ТДЮИ.2004.

⁵ Интеллектуальная собственность в Республике Казахстан.- Алматы: Юрист, 2006.-61 с.

¹ Сергеев А.П. Право интеллектуальной собственности в РФ.- М.: Проспект. 2000. -708 с.

² Насриев И.И. Шахсий номулкий ҳуқуқларни фуқаролик ҳуқуқий тартибга солишининг айрим масалалари./Фуқаролик қонунчилигининг ривожланиши ва долзарб муаммолари.Халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами.-Т.:ТДЮИ.2005.-131 б.

зотга нисбатан ҳуқуқларни расмийлаштиришда ёрдам кўрсатган шахслар муаллиф сифатида эътироф этилмайди.

Шунингдек, селекция жараёнини узоқ давом этишини ҳисобга олиб, селекция жараёни давомида навнинг бузилиб кетмаслиги ва турли касалликлар орттирмаслиги билан иштирок этган шахс ҳам селекция ютуғининг муаллифи ҳисобланиши лозим. Янги навни яратишда кўрсатилган техник ёрдам қанчалик муҳимлигидан қатъий назар ҳаммуаллифликни юзага келтирмайди. Ижодий фаолиятнинг техник ишдан фарқланиши, муаллифлик ва патент ҳуқуқи мезонлари орқали амалга оширилади. Усимликнинг янги навлари ва ҳайвонларнинг янги зотларини яратишдаги ижодий фаолият аниқ биологик масаланинг илмий ечимини топиш билан тавсифланади. Бунда селекция ютуғи муаллифи умумий, илмий қонун-қоидаларга таяниб, ақлий ва ижодий фаолияти ҳисобига тирик борлиқ объектларини керакли йўналишга бура олади. Ушбу жараёнда ҳаммуаллиф селекция ютуғи муаллифининг иштироки даражаси аҳамиятга эга эмас. Муҳими у ўз ижодий фаолияти билан яратилаётган нав ва зотнинг бирор хусусияти ҳамда сифатини рўёбга чиқариши ёки шу хусусият ва сифатнинг ҳимояга лаёқатлилиги мезонига мувофиқлигини аниқлай олиши лозим. Уларнинг селекция ютуқларига бўлган ҳуқуқлари иштирок этишлари даражасига ёки улар ўртасидаги ўзаро битимга кўра белгиланади.

Қонун шахсни селекция ютуғининг муаллифи сифатида тан олиш ва унинг селекция ютуғларига нисбатан муаллифлик ҳуқуқларини тасдиқлайдиган бирор бир ҳужжат мавжудлиги ҳақида сўз юритмайди. Маълумки, нав ва зотнинг янги деб ҳисобланиши ва ҳуқуқий муҳофаза этилиши учун тегишли муҳофаза ҳужжати – патент берилиши белгиланган ва бу ҳужжат яратилган янги нав ва зот интеллектуал мулк объекти эканлигини, унга нисбатан мутлақ ҳуқуқлар патентда номи кўрсатилган шахс (шахслар) га тегишли эканлигини ва улар ҳимояланганлиги, патентда номи кўрсатилган шахс мутлақ ҳуқуқ эгаси сифатида ўз ҳуқуқларининг объектини ундан рухсатсиз ҳар қандай фойдаланишни тақиқлаши мумкинлигини англатса, янги нав ва зотга нисбатан муаллифлик ҳуқуқини, яъни янги нав ва зотга нисбатан шахсий номулкий ҳуқуқларни тасдиқловчи ҳужжат мавжуд эмас. Бир қатор давлатларнинг қонунчилигида селекция ютуғи муаллифига унинг муаллифлик ҳуқуқини ва яратилган интеллектуал мулк объектига нисбатан шахсий номулкий ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳужжат берилиши қайд этилган. Масалан, Россия Федерацияси Гражданлик кодексининг 1416-моддасига мувофиқ, селекция ютуқларининг муаллифи ижро ҳокимиятининг селекция ютуқлари бўйича федерал органи томонидан бериладиган ва муаллифликни тасдиқловчи муаллифлик гувоҳномаси олиш ҳуқуқига эга. Қирғизистон Республикасининг 1998 йил 26 майдаги “Селекция ютуқларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида” ги Қонунининг 21-моддаси 5-қисмига кўра, Ҳар бир муаллифга Қирғизпатент томонидан муаллифлик гувоҳномаси берилади. Муаллифлик гувоҳномаси муаллифликни, шунингдек, муаллифнинг патент эгасидан селекция ютуқларидан фойдаланганлик учун мукофот олиш ҳуқуқини тасдиқлайди. Арманистоннинг 1999 йил 23 ноябрдаги “Селекция ютуқларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида” ги Қонунининг 14-моддаси 1-2-қисмларига

биноан, ваколатли орган селекция ютуғининг патент эгаси бўлмаган ҳар бир муаллифга муаллифлик гувоҳномаси беради. Муаллифлик гувоҳномаси селекция ютуғи муаллифлигини ва агар муаллиф патент эгаси бўлмаса, селекция ютуғидан фойдаланганлик учун патент эгасидан мукофот унидириш ҳуқуқини тасдиқлайди.

К.Всеволжскийнинг фикрича, селекция ютуғининг патенти “комплекс” ҳужжат ҳисобланади ва нафақат патент эгасининг мутлақ ҳуқуқларини, балки муаллифлик (гарчи у муаллифга берилмаган бўлсада) ва устуворликни ҳам тасдиқлайди. Ҳар бир муаллиф, шу жумладан, патент эгаси бўлган муаллиф ҳам агар истаса унинг муаллифлиги патентда кўрсатилган бўлишига қарамасдан муаллифлик гувоҳномаси олиш ҳуқуқига эга. Муаллифлик ҳақини олиши ёки мукофот олиш ҳуқуқ муаллифлик гувоҳномасининг мавжуд ёки мавжуд эмаслигига боғлиқ эмас¹.

Албатта айрим давлат қонунчилигида селекция ютуқлари патенти муаллифликни ҳам тасдиқлаши белгиланган. Бироқ, аксарият ҳолатларда селекция ютуқлари давлат маблағлари ва унинг топшириғи асосида ҳамда давлатга қарашли илмий тадқиқот муассасаларида яратилаётганлигини ҳисобга олсак, селекция ютуғига нисбатан патент асосан давлатга тегишли бўлиши лозим. Лекин амалдаги “Селекция ютуқлари тўғрисида” ги Қонунидаги патентга бўлган ҳуқуқнинг тегишлилигини белгилловчи қоида нотўғри шакллантирилганлиги боис, кўп ҳолларда патент давлат муассасаси ва ташкилотига эмас (яъни давлатнинг ваколатли органи тасарруфига эмас), балки фақатгина ўзининг хизмат вазифаларини бажарган шахслар номига расмийлаштириш ҳолатлари вужудга келмоқда. Бу эса ўз навбатида патентнинг ҳуқуқий табиати ва унинг вазифасини нотўғри талқин қилиш, айрим ўринларда эса, давлатнинг ўзига мутлақ ҳуқуқ асосида тегишли бўлган янги нав ва зотдан фойдаланишга бўлган ҳуқуқлари чекланишига олиб келмоқда.

“Селекция ютуқлари тўғрисида” ги Қонуннинг 15-моддаси 1-қисмига биноан, патентга бўлган ҳуқуқ муаллифга (ҳаммуаллифларга) ёки унинг (уларнинг) меросхўрига (меросхўрларига) тегишлидир. Кўриниб турибдики, патент олиш ҳуқуқига эга бўлган энг асосий шахслар бу муаллифлар ва уларнинг меросхўрларидир. Албатта бу қоида ҳуқуқий ва мантқий жиҳатдан асосли ва тўғри. Шу билан бирга мазкур модданинг 3-қисмида хизмат тартибиде яратилган селекция ютуғига нисбатан патент олиш ҳуқуқи агар шартномада бошқа қоида белгиланмаган бўлса иш берувчига тегишлилиги қайд этилган. Лекин кўпчилик ҳолатларда Давлат патент идорасига топширилаётган талабномаларда талабномалар селекция ютуғини яратган муаллифларнинг номларига берилаётганлиги, бу эса қонун ҳужжатларини тўғри тушунмаслик эканлигини англатади. Шу билан бирга патентда муаллифнинг номини ва унинг муаллифлигини кўрсатиш амалиётда, бир вақтнинг ўзиде патент эгаси сифатида уни эътироф этишга олиб келиши мумкин.

Шу сабабли биз бу ўринда Россия Федерацияси Гражданлик кодексининг 1415-моддаси ва Қозоғистон Республикасининг 1999 йил 13 июлдаги “Селекция

¹ Всеволожский В. Охрана и использование селекционных достижений (комментарий основных положений главы 73 ГК РФ) // Хозяйство и право.-Москва. 2008.-№2.-С.11.

ютуқларини муҳофаза қилиш тўғрисида¹ ги Қонунининг 3-моддасидаги ҳамда К.Всеволожскийнинг “патентнинг “комплекс” ҳужжат сифатида муаллифликни ҳам тасдиқлаши” ҳақидаги фикрни амалий жиҳатдан нотўғри деб ҳисоблаймиз ва яратилган ҳар қандай янги нав ва зотга берилган патент фақат патент берилган шахснинг мутлақ ҳуқуқлари ва устуворлик ҳуқуқини белгилаши, муаллифлик эса алоҳида ҳужжат “муаллифлик гувоҳномаси” орқали расмийлаштирилиши лозимлигини таъкидлаймиз. Бундай амалиёт биринчи навбатда амалиётда патентни тўғри ва фақат ўз мақсадида фойдаланишни тасдиқлайди. Мазкур таҳлиллар эса, РФ ва Қозғистон қонунчилигидан фарқли равишда Ўзбекистон Республикасининг “Селекция ютуқлари тўғрисида” ги Қонуни 14-моддаси 2-қисмидаги “селекция ютуғининг патенти (бундан буён матнда патент деб юритилади) селекция ютуғининг янгилик эканлигини, фарқлигини, турдошлиги ва барқарорлигини, шунингдек патент эгасининг селекция ютуғи номига, унга эгалик қилишга, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишга бўлган ҳуқуқини тасдиқлаши” қондаси ҳуқуқий ва амалий жиҳатдан тўғри ҳамда асосли белгиланганлигини кўрсатади.

Мазкур ҳолатларни бартараф этиш ва селекция ютуғи патентини амалда қўллаш билан боғлиқ низоларни олдини олиш мақсадида “Селекция ютуқлари тўғрисида” ги Қонун 5-моддасининг 3-қисми сифатида қуйидаги нормани киритиш лозим:

- Давлат патент идораси томонидан селекция ютуғининг патент эгаси бўлмаган ҳар бир муаллифга муаллифлик гувоҳномаси берилади. Муаллифлик гувоҳномаси селекция ютуғи муаллифлигини ва агар муаллиф патент эгаси бўлмаса, селекция ютуғидан фойдаланганлик учун патент эгасидан мукофот унидириш ҳуқуқини тасдиқлайди.

Селекция ютуғи муаллифига бундай ҳужжатни берилиши муаллифнинг мулкий ва шахсий ҳуқуқларини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шу билан бирга муаллифлик гувоҳномаси патент эгасидан селекция ютуғидан фойдаланганлик учун ҳақ талаб қилиш ҳуқуқини ҳам беради. Фикримизча, селекция ютуғининг муаллифига шахсий ва мутлақ ҳуқуқларни кафолатловчи ҳужжат “муаллифлик гувоҳномаси”, берилиши лозим. Чунки, “Муаллифлик гувоҳномаси”, жисмоний шахснинг бирон-бир интеллектуал мулк объектига нисбатан муаллиф эканлигини ҳамда шу ижод маҳсули айнан унинг меҳнати натижасида яратилганлигини тасдиқлайди.

Резюме

В вводной части статьи автор характеризует понятие новых сорт и пород по гражданскому праву.

В основной части рассматриваются вопросы совершенствования прав авторов на новые сорта и пород.

В заключении автор вносит свои предложения по совершенствованию норм регулирующих права авторов на новые сорта и породы.

Abstract

In the introductory part of the article the author characterizes concept of a new grade and breeds in civil law.

In the basic part questions of perfection of the rights of authors on new grades and breeds are considered.

In the conclusion the author makes the offers on perfection of norms of authors regulating the right to new grades and breeds.

¹ Интеллектуальная собственность в Республике Казахстан.- Алматы: Юрист, 2006.-61 с.

Б.Топилдиев
Юридик фанлар номзоди
З.Абдуллаев
Фалсафа ва ҳуқуқ институти тадқиқотчиси

ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ҲАҚ ЭВАЗИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ҲАҚИДА

Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси фуқаролик қонунчилигида мутлоқ янги киритилган шартнома турларидан биридир. Таъкидлаш лозимки, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаларининг ўзига хос тарихий ривожланишга эга. Кишилиқ жамиятининг дастлабки даврларидаёқ хизмат кўрсатиш муносабатлари шаклланганлиги ва шу муносабатларни тартибга солиш воситаси сифатида одат нормалари ва қонун ҳужжатлари такомиллашиб борганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Хизмат кўрсатиш муносабатларининг бир тури ҳисобланган таълим бериш билан боғлиқ муносабатлар ҳам ҳамisha жамият диққат марказида турган. Шу сабабли ҳам мамлакатимиз тарихида етук, илмий ажодларимиз кўп бўлган. Мамлакатимиз худудида таълимни ташкил этиш, бу муносабатларни тартибга солиш борасида турли даврларда ҳар хил ёндашувлар бўлган.

Албатта кишилиқ тарихида давлат ҳамма соҳаларни молиялаштириш борасида ташаббус кўрсатмаган. Бундан таълим соҳаси ҳам мустасно эмас. Тарихдан бу соҳа кўпроқ хусусий шахслар ташаббуси ва маблағи эвазига ташкил этилганлиги маълум. Ҳақ эвазига таълим хизмати кўрсатиш муносабатларининг ҳуқуқий тартибга солинишининг тарихий жараёнига эътибор қаратадиган бўлсак, у инсоният тарихининг иқтисодий ва маданий ривожланиш жараёни билан чамбарчас боғлиқ эканлигига гувоҳ бўламиз.

Мамлакатимиз худудидаги энг қадимги цивилизациянинг ёзма манбаларидан бири бўлган “Авесто” асарида кўрсатилишича, болаларни таълим-тарбиясига Зардушт таълимотида алоҳида эътибор берилган. Бу даврда таълим тарбия диний, жисмоний ва ўқиш ёзишни ўргатиш кабиларни қўшган ҳолда олиб борилган. Таълим тарбия етти ёшдан бошланган¹. Хатто “Авесто”да муаллимнинг мажбуриятлари ҳам алоҳида кўрсатилган. Масалан, Зардушт “муаллим – кохинларнинг бурчлари болаларга илмларни яхшилиқ йўсини ила ўргатиб, яхши билан ёмонни ажрата оладиган қилиш, тўғри йўлга ҳидоя этишдир” – деб таъкидлайди². “Авесто”да ёмон устозлар қораланади.

“Авесто”да шартномавий муносабатлар, уларнинг шакли ҳамда шартларини бажариш, жавобгарлик масалалари алоҳида эътиборга олинган. “Эй авлиё, хоҳ қонунга бўйсинувчи ҳақиқатгўй билан, хоҳ иблис билан тузилган битимни бузма, чунки, садоқат, (Митрага билдирилган) ҳар иккиси учун иблисга ҳам, баб-баравар даражада мавжуддир (“Яшт”, 10, “Михр-Яшт”, 2). “Вандидод”га мувофиқ, шартномалар икки шаклда: оддий сўзлар ва қўл

беришиб кўришиш билан тузилган. “Авесто”да ёзма равишда шартномалар тузилганлиги ҳақида эслатмалар йўқ, бу кейинроқ пайдо бўлган. Лекин назаримизда таълим муносабатларини ўзаро келишиб, ағзаки шаклда тартибга солиш айнан мамлакатимиз худудида ўша қадим замонлардан оқ шакллана бошланган.

Вақтлар ўтган сари турли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи манбаларнинг вужудга келиши ва шаклланиши шартномавий муносабатларга, шу билан бирга таълим билан боғлиқ муносабатларга ўз таъсирини ўтказган. Мамлакатимиз тарихида ислом маданияти ва ҳуқуқ тизимининг ҳукмронлик қилган даври 12 асрни қамраб олган. Исломда эса таълим тарбия, ҳақни ўз вақтида адо этиш билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратилган. Таълим тарбия асосан мадраса (олий) ва хусусий мактаблар (бошланғич)да олиб борилган. Шарқ педагогикаси тамойиллари ва ислом маданиятини уйғунлаштирган, комиллик ғояси билан суғорилган ислом таълим тизими Марказий Осиёни илм-фан ва маданият маркази бўлишига хизмат қилган.

Берилган таълим учун ҳақ тўлаш ҳам ўзига хос тарзда шаклланган. Хусусий шахслар томонидан очилган мактабларда одатда натура кўринишида ҳақ олинган. Лекин ўрта ва олий ўқув юрти ҳисобланган мадрасалар таъминоти, улардаги таълим ва ўқув жараёнларининг моддий ва молиявий жиҳатдан таъминлашда вақф этилган мулклардан олинган даромадлар муҳим ўрин эгаллаган. Ушбу вақф мулкларидан талабаларга улуш (степендия - муаллиф) ажратилган³.

Айрим мулкдорлар ва замонасининг зиёли кишилари ўз ҳисобларидан мактаблар, мадрасалар қуриб, уларни молиялаштирган ва ўқувчиларни бепул ўқитилишини таъминлаган.

Масалан А.Навоий бир иморатни бутунлай буздириб ташлади. Унинг ўрнига шинам ва кўркам бир мадраса қурдирди. Бу илм даргоҳида ўқийдиган толиби илмлар ва дарс берувчи мударрислар учун уйлар ва бошқа зарур биналар бунёд этди. Йўллар солдирди. Дарахтлар ва гуллар эктирди. Натижада бу ерда Ҳиротнинг гўзал ва кўркам бир илм даргоҳи вужудга келди. Марғани кўшкнинг харобалари ўрнида юзага келган бу мадрасага Навоий “Ихлосия” деб от қўйди. Унинг каршисида қад кўтарган хонақоҳ эса “Халосия” деб номланди.

“Ихлосия” мадрасаси ҳақиқий илм даргоҳи эди. Навоий мадраса мударрислари ва талабаларига барча шарт-шароитларни яратиб, уларга ўз ҳисобидан йиллик маош, яъни бизнинг тушунчамиздаги “стипендия” тайинлаган. Шоир ўзининг ер ва боғларидан тушадиган даромадларини ана шу мадраса ва унга қарашли бошқа жойларнинг харажатини қопламоққа вақф қилиб берган. Бу даромадлар эса унга тегишли ер-сув, дўкон ва боғлардан чиқар эди⁴.

Лекин хусусий ёш болаларни ўқитувчи таълим муассасалари ҳам хусусий зиёли шахсларнинг

¹ Бобоев Х., Хасанов С. “Авесто” – маънавиятимиз сарчашмаси. –Тошкент: Адолат. 2001. -104 б., Хомидов . “Авесто”даги таълим тарбия ва устозлар таърифи. //Миллий тикланиш. –Тошкент: 1999 йил 13 апрель

² Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. А.Макам таржимаси. – Тошкент. 2001.

³ Бобожонова Ф. Бухорода мадраса таълими тарихидан/Илмий-таҳлилий ахборотнома. –Тошкент: -2009. - № 3. –Б. 26.

⁴ Қосимов С. Алишер Навоийнинг “Вақфия” асарида ҳуқуқ ва мулк масалалари // Қонун номи билан, 1997 йил, – №4. –Б.49-51

ташаббуси, айрим ҳолларда уларнинг молиялаштириши оқибатида ривож топган. Кўпгина манбаларга эътибор қаратадиган ўлсак, хусусий мактаблар ўқитувчиларнинг асосий даромад манбаига ҳам айланиб қолган. Масалан, А.Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” асарида мактабдор Махтум билан боғлиқ қуйидаги жумлаларга дуч келинади: “Пайшанбаллик махтум ва унинг оиласи даромад манбаи эди. Бундан ташқари ҳар ойда супурги пули, хар йили эса бўйра пули болалар томонидан келтирилди¹”. С.Айний эса “бўйра пули” 8 пул бўлганлигини таъкидлайди². Бу мактабдорларнинг таълим хизмати учун жорий этган натура ёки пул кўринишидаги ҳақи ҳисобланган.

Таълим соҳасида қатор ислохотлар амалга оширилганлиги ҳам тарихий манбаларда ўз ифодасини топган. Бу ислохотлар ўз даври ҳукмдорлари томонидан амалга оширилган. Масалан, Шоҳ Мурод ҳукмронлиги даврида (1785-1800) амирликда бир қадар тинчлик ва осойишталик ҳукм сурган. Натижада, мадрасаларда таълим-тарбияга бўлган эътибор анча кучайгани ва ўша вақтда Бухоро мадрасаларида ўттиз мингга яқин талаба таҳсил олган.

Лекин таълим муассасаларида кўпроқ ўғил болалар ўқиган деган хулосага келмаслик лозим. Масалан “Авесто”да қиз болаларнинг ўқиши ва таълим тарбия олишига алоҳида эътибор қаратилган³. Кўпроқ аёл ўқитувчилар томонидан ташкил этилган уй мактабларида қиз болалар таҳсил олган. Масалан, шоира Дилшод Барно (1800-1905) қайнонаси ташкил этган қизлар мактабида мактабдорликни давом эттиргани тўғрисида бундай сўзлар ёзиб қолдирган: “Ҳамдам ва ҳамсуҳбатларим зеҳнли, соҳибназм қизлар бўлиб, эллик бир йил мактабдорлик қилдим. Мактабда доимо йигирма-ўттиз қиз таълим олар эдилар. Саккиз юз тўқсон бир қизни саводли қилиб чиқардим. Булардан яқин тўртдан бир қисми таъби назми бор шоира ва оқила қизлар эди⁴”.

Аммо чор Россияси босқинидан сўнг таълим тизими инқирозга юз тутди. Яъни XIX аср охирида мадраса талабалари сони 10 минг кишига тушиб қолади⁵.

Мадраса таълимнинг инқирози ва унга талабнинг пасайиши бир қатор омиллар: дунёвий билимлар бериш билан боғлиқ дарс соатлари қисқариб кетганлиги⁶, асосан таълим араб тилида олиб борилиши⁷, вақф мулкани, мусулмон ўқув юртларини бошқаришни чор ҳукумати ўз тасарруфига олганлиги⁸ билан белгиланар эди. Шу билан бирга жадал кириб

келаётган европа таълим тизимини ўзлаштириш ва янгилаш шу сабабли анъанавий таълим тизимини жиддий ислоҳ қилиш билан боғлиқ эди⁹.

1870 йилда Туркистон генерал губернатори Кауфман ўлкада таълим тизимини ўрганиб чиқиш учун махсус комиссия тузади. Бундан асосий мақсад таълим тизимини руслаштириш, анъанавий таълим тизимини ривожлантирмасдан ўз холига ташлаб қўйиш, уни мутлақо тан олмаслик ва ҳукумат томонидан эътиборсизлик билан қараш билан боғлиқ бўлади¹⁰. Зеро чор Россияси босқинидан сўнг маҳаллий халқларнинг саводлилик даражаси ўрганилганда, ўзбекларнинг 2 фоизи саводли эканлиги ҳақидаги статистик маълумот берилди¹¹. Аслида бу маълумот бир ёқлама, рус тилини билмаслик ва бошқа омиллардан келиб чиқиб, мафкуравий ақидаларни тарғиб қилиш нўқтаи назаридан берилган эди. Чунончи, бу даврда араб алифбосини билувчи аҳоли қатлами салмоқли эди.

Шу сабабли мамлакатимиз худудидида жадидлар янги таълим тизимини жорий қилишни ўз олдларига мақсад қилиб оладилар. Асосий эътибор эса бошланғич таълим тизимига қаратилади. Масалан, 1904 йилга келиб Русиянинг ўзида беш мингга яқин “усули жадид” мактаблари очилади. Сўнгра бу ҳаракат Туркистонга ёйила бошлади. Аммо Туркистон губернатори Кауфман янги маориф тизимини Чор ҳукумати учун таҳликали билиб, бу мактабларни ёпади ва икки (рус ва маҳаллий) тилларда таълим берадиган мактаблар очтиради. 1915 йилда улар сони тўқсонга етади, аммо бу мактабларда ўқиган ўқувчиларнинг 95 фоизи рус болалари эди. Нодир Давлатнинг ёзишича, 1879-1904 йиллар орасида “Тошкент ўқитувчилар мактаби”ни битирган 415 боладан 65 тасигина туркий миллат вакиллари (11 ўзбек, туркман ва татар, 54 таси эса қозоқ ва қирғиз) эди, холос¹².

Умуман олганда бу даврларда таълим соҳасини одат ва шариат нормалари орқали тартибга солинган бўлиб, бу босқич то чор Россияси босқини давригача амалда бўлган. Бу даврдаги муносабатлар турли давлатчилик ҳуқуқий асосларидан келиб чиққан ҳолда, лекин шариат нормаларини асос қилиб олган ҳолда ривожланган. Бу даврда таълим соҳаси асосан ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларга таянган. Зеро бу давр учун асосий хос бўлган хусусият индивидуаллашган ва жамоавий таълим тизимига асосланган. Индивидуаллашган таълим асосан устоз-шогирд муносабатларига таянган бўлса, жамоавий таълим турли мадрасаларда амалга ошириладиган таълим сифатида баҳоланган. Зеро бундай таълим услуги шарққа хос бўлган.

Таълим соҳасининг ривожланиши асосан хусусий шахсларнинг ташаббуслари орқали амалга оширилган. Давлат томонидан қўллаб-қувватланиши асосан мадраса таълими билан боғлиқ бўлиб, дастлабки умумтаълим хусусий мактабларда амалга

¹ Қодирий А. Меҳробдан чаён. –Тошкент: Шарқ. 2005. -12.

² Айний С. Эски мактаб. –Тошкент: Бадиий адабиёт. 1963. -152 б.

³ Бобоев Х., Хасанов С. “Авесто” – маънавиятимиз сарчашмаси. –Тошкент: Адолат. 2001. -108 б.

⁴ Дилшод Барно ва мероси адабий. - Душанбе, 1970. – Б. 44.// Шарипов Р. Мухитдинова Ф. Ўзбекистон халқлари сиёсий-ҳуқуқий таълимотлари тарихи (XIX аср охири – XX аср бошлари). –Тошкент: ТДЮИ. 2004.

⁵ Ремпель Л.И. Далёкое и близкое. Бухарские записки. – Ташкент, 1981. -4 с.

⁶ Ибтидоий мактабларимизнинг тартибсизлиги ёхуд тараққий йўли. //Ойна. –Тошкент, -1914. -№38. –Б. 906-911.

⁷ Бехбудий М. Тил масаласи.// Ойна. –Тошкент, -1915. -№11-12. –Б. 274-277.

⁸ Зиёева Д. XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистонда анъанавий таълим тизими муаммолари.//Илмий тахлилий ахборот. –Тошкент: -2009. -№3. –Б.11.

⁹ Зиёева Д. XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистонда анъанавий таълим тизими муаммолари.//Илмий тахлилий ахборот. –Тошкент: -2009. -№3. –Б. 9.

¹⁰ Граменицкий С. Положение инородческого образования в Сырь-Дарьинский области. –Ташкент: 1916. –С. 6.

¹¹ Гордиенко А.А. Образование Туркестанской АССР. -М.: Юр.лит. 1968. -106 с.

¹² Шарипов Р. Мухитдинова Ф. Ўзбекистон халқлари сиёсий-ҳуқуқий таълимотлари тарихи (XIX аср охири – XX аср бошлари). –Тошкент: ТДЮИ. 2004.

оширилган. Бу мактаблардаги таълим асосан ҳақ эвазига амалга оширилган. Тўлов шакли ўқитувчи ва ота-она ўртасидаги келишув асосида белгиланган. Бу даврда “эти сизники, суюги эса бизники” мақоли айнан устоз-шогирд муносабатларида кенг қўлланилган. Лекин аксарият таълим мактабларида ўқиш диний расм-русумлар билан боғлиқ бўлган. Дунёвий таълимга эса кам этибор қаратилган.

Тарихий манбаларда таълим хизмати кўрсатиш муносабатларининг ёзма битим тузган ҳолда ташкил этиш бўйича аниқ маълумотлар йўқ. Кўпинча муносабатлар “лафз” асосида оғзаки келишувга мувофиқ вужудга келган.

Тарихий манбаларга кўра хизмат кўрсатишга оид шартнома ҳужжатлари эрамининг II-асри 131-167 йиллардаги Трансильваниядан топилган “Восковский жадвали”да илк маротаба тилга олинган¹.

Собиқ Иттифоқ даврида ҳақ эвазига таълим хизмати кўрсатиш муносабатлари ўзгарди. Зеро бу даврда мамлакатимиз Собиқ Иттифоқ таркибига кирар ва унинг таълим соҳасида ҳам марказлаштирилган, худуд имкониятлари ва минталитети эътиборга олинмаган, мафқуралашган, зарур касбий йўналтиришга эътибор берилмайдиган ҳолатлари амалда бўлди.

Барча таълим муассасалари давлат бюджетидан ажратмалар эвазига молиялаштирилиши йўлга қўйилди. Масалан, 1920 йилда бюджетдан 10%, маблағ таълим тизимига ажратилди².

Шу сабабли ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш муносабатларининг ҳуқуқий асослари фуқаролик қонунчиликлари ва адабиётларида эътибордан четда қолди. Масалан, Ўзбек тилида чоп этилган дастлабки Фуқаролик ҳуқуқи дарслигида (1982 й) хизмат кўрсатиш фуқаролик ҳуқуқининг объекти сифатида ҳам, хизмат кўрсатиш шартномалари ҳам ўз аксини топмади³. Дарсликнинг иккинчи нашрида (1988 йил) эса фуқаролик ҳуқуқининг объекти сифатида хизматлар мавжудлиги кўрсатилса-да, лекин уларни ҳақ эвазига амалга оширилиши, таълим хизмати ҳам улар тоифасига киритилиши назарда тутилмаган⁴. Бунинг асосий сабаби 1991 йилларга қадар “хизмат” атамасининг ҳеч қайси қонун ҳужжатларида акс этмаганлиги эди. Д.И.Степанов бунинг асосий сабаби сифатида қонун даражасида хизматлар тушунчасини белгилаш, хизмат кўрсатиш бўйича мажбуриятлар доирасини аниқлаш имкони йўқлиги билан изоҳлайди⁵. Лекин цивилист олимлар томонидан таълим хизматини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш борасида ҳам тадқиқотлар олиб борилган. Масалан, А.Ю.Кабалкин социализм даврида таълим тизимини ҳуқуқий тартибга солиш борасида тадқиқотлар олиб борган⁶. У таълим тизимида мулкӣ муносабатларга асосий эътибор

қаратган. Таълим хизмати эса предмет доирасига киритилмаган.

Айрим муаллифларнинг таъкидлашича, Иттифоқ даврида таълим тизими давлат монополияси таъсирида бўлган. Лекин бир тарафдан олиб қараганда давлат малакали мутахассис тайёрлаш ва ўқитиш бўйича асосий буюртмачи ҳисобланган ва мазкур мутахассислар давлат ташкилотларида (Иттифоқ даврида асосан давлат ташкилотлари бўлган. Диссертант.) ишлаб бериши мажбурий бўлган. Шу сабабли совет фуқаролари учун таълим текинга бўлмаган⁷.

Фикримизча ушбу фикр баҳслидир. Зеро таълим тизими асосан маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар доирасида тартибга солинган ва улар фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар орқали расмийлаштирилмаган. Шу сабабли ҳам фуқаролик ҳуқуқи предмети доирасидан келиб чиққан ҳолда Иттифоқ даврида таълим соҳасида ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномалари тузилмаган деб эътироф этиш лозим бўлади. Бундай амалиёт ҳозирги кунда Республикаимизда ҳам мавжуд. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2005 йил 7 июлдаги 58-сон, 154-1-сон, 19-сон ва 02/2658-сон қарори билан тасдиқланган “Қадрларни давлат грантлари асосида мақсадли тайёрлаш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан барча таълим йўналишлари бўйича давлат грантлари асосида таҳсил олган олий таълим муассасалари бакалавр ва магистрлари 2005/2006 ўқув йилидан бошлаб мажбурий тартибда камида уч йил ишлаб бериш шarti билан таълим муассасаларига, корхона ва ташкилотларга ишга тақсимланиши белгиланган⁸.

Кўпгина адабиётларда таълим соҳасининг айнан ҳақ эвазига амалга ошириладиган турини фуқаролик қонунчилиги билан тартибга солинадиган муносабат ҳисоблашади⁹.

Таълим соҳасидаги ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаларининг ҳуқуқий тартибга солувчи қонунчиликни таҳлил этар эканмиз, улар ривожланиш жараёнини икки даврга бўлиб ўрганишни мақсадга мувофиқ деб билдик. Биринчи босқич 1991-1997 йилларни ўз ичига олади. Бу давр таълим соҳасидаги ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаларининг ҳуқуқий тартибга солувчи қонунчиликнинг илк ривожланиш босқичи бўлиб, соҳани турли қонун ва қонун ости ҳужжатлари билан тартибга солиниши, илк хизмат муносабатлари ҳуқуқий асосларининг яратилиши, дастлабки тажриба даври бўлганлиги билан ўзига хос хусусиятга эга.

Ҳозирги кунда 2000 йил 25 майда қабул қилинган “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш

¹ Новицкий И.Б., Перетерский И. Римское частное право. -М.: Юристъ. 1996. -235 с.

² Гуркина Н.К. История образования в России (X – XX века). – М.: СПб, 2001. -С. 45.

³ Зокиров И.Б. Сайфуллаев Ф.Х. Совет гражданлик ҳуқуқи. – Тошкент: Ўқитувчи. 1982. –Б. 398.

⁴ Зокиров И.Б. Ўзбекистон ССРнинг гражданлик ҳуқуқи. – Тошкент: Ўқитувчи. 1988. –77 б.

⁵ Степанов Д.И. Услуги как объект гражданских прав. – Москва. Статут. 2005. -11 с.

⁶ Кабалкин А.Ю. Проблемы гражданско-правового регулирования в сфере обслуживания. Автореф. дисс. ... докт.юр.наук. -М.: 1975.

⁷ Русин Ф., Журавлев А., Кулаков М. Эволюция образовательных систем в цивилизационном аспекте // Высшее образование в России. –Москва, -1997. -№ 1. -С. 113.

⁸ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005, 32-33-сон, 28-модда.

⁹ Свит Ю. Договор об оказании платных образовательных услуг // Закон. –Москва, -2002. -№ 4. -С. 67-75. Волчанская Л. О договоре возмездного оказания образовательных услуг // Высшее образование в России. –Москва, -2001. -№1. -С.100–101.; Волчанская Л. Определить в законе форму и содержание договора оказания образовательных услуг // Российская юстиция. –Москва, -2002. -№ 9. -С. 33 – 34.

тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни¹, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майдаги 222-II-сон Қарори билан тасдиқланган “Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг Рўйхати”², Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 мартдаги 100-сон қарори билан тасдиқланган “Нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш тўғрисида”ги³, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 мартдаги 99-сон қарори билан тасдиқланган “Диний таълим муассасаларининг фаолиятини лицензиялаш тўғрисида”ги⁴ Низомларга асосан, бир қатор нодавлат таълим муассасалари ҳам фаолият юритмоқдалар. Нодавлат таълим муассасаларида таълим соҳасида хизмат кўрсатиш муносабатларининг ҳуқуқий асослари уларнинг Уставлари, ўзаро тузилган шартномалар ҳисобланиб, ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар мазкур ҳужжатлар асосида тартибга солинмоқда. Фақатгина улар таълим бериш жараёнида амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этишлари шартлиги белгилаб қўйилган.

Таълим соҳасини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишда хизмат кўрсатиш шартномалари муҳим ўрин эгаллар экан, ўз-ўзидан таълим олувчи истеъмолчи ҳуқуқларидан фойдаланишини унутмаган ҳолда муносабатларни тартибга солишда Ўзбекистон республикасининг “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунига ҳам алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқ. Тўғри мамлакатимизнинг юқоридаги қонунда таълим хизматидан фойдаланувчи фуқарони истеъмолчи сифатида эътироф этмаган. Лекин хорижий қонунчиликда бу ҳолат белгиланган. Масалан, 1985 йили БМТ томонидан тасдиқланган “Истеъмолчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича раҳбарий тамойиллар”да, Россия Федерациясининг 1992 йил 7 февралдаги “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунига⁵, 2000 йил 25 январдаги Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатларнинг “истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳамкорлигининг асосий йўналишлари тўғрисида”ги Битимида⁶ бу қоидалар белгиланган.

Ўзбекистон республикасининг “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунига асосан товар (иш, хизмат) га буюртма берувчи фуқаро истеъмолчи бўлар экан, таълим хизматида буюртма берувчи фуқаро ҳам истеъмолчи ҳуқуқларидан фойдаланиши лозим. Шу сабабли фикримизча, Ўзбекистон Республикаси “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 4-моддасида санаб ўтилган истеъмолчиларнинг асосий ҳуқуқлари қаторига

“истеъмолчиларнинг билим олишга бўлган ҳуқуқи”ни ҳам киритиш лозим. Ҳамда, қонунда алоҳида “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида истеъмолчиларнинг билим олишга бўлган ҳуқуқи” деб номланган моддани киритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Маълумки мамлакатимизда мактаб ва ўрта махсус таълим бепул бўлиб, у давлат бюджети маблағлари эвазига молиялаштирилади. Лекин ҳозирги кунда МДҲ давлатларининг айримларида мактаб таълимини пулли яъни ҳақ эвазига амалга ошириш хусусида ҳам фикрлар бўлмоқда⁷.

Фикримизча, таълим соҳасида рақобатни кучайтириш, унга бозор муносабатлари қонуниятларини янада кенгроқ киритиш учун хусусий олий ва ўрта махсус таълим бериш тизимида хусусий олий ўқув юртлари, мактаблар, лицей ва коллежлар ташкил этиш вақти келди.

Зеро, Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 19 ноябрда қабул қилинган “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги қонуни 4-моддасига асосан вазирликлар, давлат қўмиталари, идораларнинг олий, ўрта махсус ва касб-хунар ўқув юртлари, шунингдек умумтаълим муассасалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига биноан давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш мумкинлиги белгиланган. Шу сабабли мазкур соҳаларни ривожлантириш мақсадида янги-янги ҳуқуқий асосларни яратиш давр талабига айланиши табиий.

Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида сўзлаган маърузасида қонунчилик ва норматив ҳуқуқий базадаги камчилик ва нуқсонларни имкон қадар тезроқ бартараф этиш лозимлигини, ўз олдимишга қўйган вазифалар биз барпо этаётган ҳуқуқий давлатни шакллантиришда нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигини, иқтисодий ўсишни таъминлаш, одамларни ҳаёт даражасини янада юксалтириш, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳаларда бошқа қўллаб-қувватловчи вазифаларни ижобий ечим топиши энг муҳим вазифа эканлигини, бу вазифалар авваламбор демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборатлигини таъкидлаб ўтди⁸.

Ушбу маъруза мазмунидан келиб чиқадиган бўлсак, таълим соҳасини ислоҳ қилиш, кўпроқ рақобат майдонини вужудга келтириш, айрим монопол таълим муассасаларига рақобатли бўлган хусусий таълим муассасаларини ташкил этиш, бунинг учун эса ҳуқуқий норматив базани шакллантириш лозим. Шундагина фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида жадал ва самарали илгарилаб бориш мумкин бўлади.

Шу сабабли хусусий таълим муассасаларини фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги 21-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш

¹Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотнома-си, 2000, № 5-6, 142-модда.

²Ўзбекистон Республикаси қонунлар тўплами, 2002. 2-сон

³Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004, 9-сон, 107-модда.

⁴Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004, 9-сон, 106-модда.

⁵ Закон Российской Федерации «О защите прав потребителей». №2300-1 от 7 февраля 1992 года.

⁶ Борисов А.К. Законодательные акты зарубежных стран: Приложение к Резолюции № 39/248 Генеральной Ассамблеи ООН от 9 апреля 1985 года. П. 4.— М.: 1998.

⁷ Морар В. Школу хотят сделать платной.// Известия. 2009 год 5 октябрь. №183.

⁸ Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир.//Ўзбекистон овози. 2010 йил 28 январь.

тартиби тўғрисида”ги Низом¹ талабларидан келиб чиққан ҳолда аккредитация қилиш орқали давлат назоратини ўрнатган ҳолда кўплаб ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ҳолатига назар ташлайдиган бўлсак, у тарқоқ ҳолда эканлигининг гувоҳи бўламиз. Шу сабабли назаримизда таълим тўғрисидаги қонунчиликни яқдил ҳолатга аниқроғи кодификациялашган ҳолатга келтириш мақсадга мувофиқ. Зеро айрим МДХ давлатларида ҳам мазкур масала қонун чиқарувчининг кун тартибига кўйилаётганлиги сир эмас².

Агар Таълим кодекси ишлаб чиқиладиган бўлса, у бир вақтнинг ўзида ҳам конституциявий ҳам маъмурий ҳам хўжалик ва фуқаролик ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини бир тизимга солган бўлар эди. Шу билан биргаликда оммавий-ҳуқуқий меъёрлар ва хусусий-ҳуқуқий меъёрларни бир тизимга солиш фойдаланувчилар учун энгиллик яратиш бериш имкониятини берган бўлар эди.

Агар кодификацияланган қонун яратиш мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисобланганда, у ҳолда “Таълим тўғрисида”ги қонунни мукамал янги таҳрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқиш лозим.

Резюме

В вводной части статьи авторы характеризуют договор оказания платных образовательных услуг.

В основной части рассматриваются вопросы правового регулирования оказания платных образовательных услуг.

В заключении авторы вносят свои предложения по дальнейшему развитию правового регулирования платных услуг в сфере образования.

Abstract

In the introductory part of the article authors characterize the contract of rendering of paid educational services.

In the basic part questions of legal regulation of rendering of paid educational services are considered.

In the conclusion authors make the offers on the further development of legal regulation of paid services in an education sphere.

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006, 6-7-сон, 37-модда.

² Масалан Россия Федерациясида таълим кодекси лойиҳаси ишлаб чиқилган. Официальные документы в образовании. 2003. № 21 (228). С. 13 – 14., Образовательное право (приложение к «Учительской газете»). № 12 от 27.03.2003 г.; № 16 от 24.04.2003 г.; № 17-18 от 01.05.2003 г.

У.К. Эгамбедиев

Преподаватель юридического факультета СамГУ

СТАНОВЛЕНИЕ И ИСТОРИЯ РАЗВИТИЯ ИНСТИТУТА ВНЕШНЕГО УПРАВЛЕНИЯ

Как показала мировая практика, банкротство – это естественное явление, как для рыночной экономики, так и для повседневной жизни людей. Участники экономических, или, выражаясь терминологией гражданского права, имущественных отношений при необходимости берут долг у других участников. При этом по различным обстоятельствам некоторые из должников становятся не способными вернуть этот долг.

В случае предпринимательских отношений причинами возникновения подобных обстоятельств часто может быть неконкурентоспособность должника, вклад средств в «социально-неполезное» производство товаров и услуг или же, возникновение непредвиденных обстоятельств, включая экономических. Яркий пример – случай с компанией Тексако (Техасо), к которой был предъявлен многомиллионный иск, в результате чего в отношении компании были применены процедуры банкротства. Сюда же можно отнести ныне происходящий мировой экономический кризис, который отрицательно повлиял на финансовое состояние, а в результате – на платежеспособность большинства компаний во всем мире.

Отметим, что неплатежеспособность лиц, занимающихся предпринимательской деятельностью, особенно акционерных обществ, является обстоятельством более сложным, чем неплатежеспособность не предпринимателя, в силу следующих основных факторов:

– во-первых, структура долгов лица-предпринимателя отличается своей сложностью, так как в большинстве случаев ему противостоит большое количество кредиторов (банки, другие предприниматели, сотрудники, и государство). При невозможности удовлетворения требований всех кредиторов в полной мере, возникает проблема координации расчетов с кредиторами³. С этой точки зрения, как справедливо указывал В.В. Кулешов, «конкурсное право — это право компромисса, одной из целей которого является урегулирование конфликтов между кредиторами»⁴;

– во-вторых, должник оказывается в трудной ситуации, так как не способен расплатиться со всеми кредиторами. К тому же должник остается заинтересованным в продолжении своей предпринимательской деятельности, которая порой может быть разрушена в результате неэффективного урегулирования ситуации несостоятельности;

Хусусий мулк ҳуқуқи асосида ўзига тегишли бўлган автотранспорт воситасини фуқаро ишончнома асосида учинчи шахсга топширган тақдирда, автотранспорт воситасига вақтинча эгалик қилиш, уни бошқариш ҳуқуқи ишончнома олган шахсга ўтади. Зеро, ишончнома бир шахс (ишонч билдирувчи) томонидан иккинчи шахсга (ишончли вакилга) учинчи шахслар олдида вакиллик қилиш учун берилган ёзма ваколат ҳисобланади. Ишончли вакил ўзига ишончнома билан берилган ваколатлар доирасида иш олиб боради.

Автотранспорт воситаларини беришга оид бўлган ишончнома оддий ёзма шаклда ёки нотариал шаклда расмийлаштирилади.

Ишончнома кўпи билан уч йил муддатга берилиши мумкин. Агар ишончномада муддат кўрсатилган бўлмаса, у берилган кундан бошлаб бир йил мобайнида ўз кучини сақлайди.

Берилган куни кўрсатилмаган ишончнома ҳақиқий эмас.

Нотариус томонидан тасдиқланиб, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ҳаракатларни амалга оширишга мўлжалланган, амал қилиш муддати кўрсатилмаган ишончнома уни берган шахс томонидан бекор қилинганга ўз кучини сақлайди.

Ишончнома асосида автотранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини қўлга киритилган фуқаро шу пайтдан бошлаб автотранспорт воситасининг эгаси ҳисобланади ва етказилган зарарларни унинг ўзи қоплаши лозим. Зеро, ишончнома асосида унга эгалик ҳуқуқи муайян муддатга топширилган бўлиб, то ишончнома муддати тамом бўлиб, автотранспорт воситасини ишончнома берган шахсга қайтиб бергунга қадар автотранспорт воситаси билан етказилган за-

рарни қоплаш мажбурияти ишончнома олган шахснинг зиммасида бўлади.

Таъкидлаш, лозимки бир вақтнинг ўзида бир неча автотранспорт воситаси билан учинчи шахсларга зарар етказилганда зарарни қоплаш субъекти масаласини ҳал этиш ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Бунда автотранспорт воситаларининг эгалари солидар жавобгар бўладилар.

Ошиқча хавф манбаларининг ўзаро таъсири натижасида уларнинг эгаларига етказилган зарар умумий асосларда қопланади. Бунда бир тарафнинг айби билан етказилган зарар шу тараф томонидан тўлиқ ҳажмда қопланади, иккала ёки бир нечта тарафларнинг айби билан етказилган зарар эса улардан ҳар бирининг айби даражасига мутаносиб равишда қопланади. Тарафлардан ҳар бирининг айби даражасини аниқлаш имконияти бўлмаганда жавобгарлик улар ўртасида тенг баравар тақсимланади. Зарарнинг етказилишида тарафларнинг айби бўлмаганда улардан ҳеч бири зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга эмас. Бундай ҳолда тарафларнинг ҳар бири ўзи кўрган зарар хавфини зиммасига олади.

Резюме

В ввводной части статьи автор характеризует понятие и сущность нанесения вреда автотранспортным средством.

В основной части рассматриваются круг субъектов возмещения вреда нанесенным автотранспортным средством.

В заключении автор вносит свои предложения по совершенствованию правового регулирования указанных отношений.

Abstract

In the introductory part of the article the author characterizes concept and essence of drawing of harm the vehicle.

In the basic part a circle of subjects of compensation of harm by the put vehicle are considered.

In the conclusion the author makes the offers on perfection of legal regulation of the specified relations.

А.А.Абзалов
ТДЮИ ўқитувчиси

МАЖБУРИЯТ ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТДА ҚАРЗНИ БОШҚА ШАХСГА ЎТҚАЗИШ ТУШУНЧАСИ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ

Бугунги кунда мамлакатимизда бозор иқтисодиётига босқичма босқич ўтиш йўли танланган экан, демак, мажбуриятда шахслар ўзгариши амалиётда кенг жорий қилиниши ва фуқаролик ҳуқуқи субъектлари ушбу ҳуқуқий имкониятлардан фойдаланиш имкониятини беради.

Одатда, мажбуриятни бажариш қарздор зиммасига юклатилади. Кредитор эса ушбу қарздорга нисбатан тегишли талаб қўйиш ҳуқуқига эга бўлади. Лекин, ҳар доим ҳам мажбуриятнинг шахсан қарздор томонидан бажарилиши кредитор учун муҳим аҳамиятга эга бўлмаслиги мумкин. Асосийси, мажбурият ким томонидан бажарилишидан қатъи назар, кредитор учун мажбурият ўз вақтида бажарилиши мақсадга мувофиқ.

Қарзни бошқа шахсга ўтказиш талаб қилиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиш каби муайян иқтисодий функцияни бажаради, яъни, ўзаро ҳисоб китобларда пулларни бевосита айлантормасдан туриб тартибга солиш имкониятини беради. Бу ҳолат қандай бўлиши мумкин? Масалан, 1 корхона 2 корхонага муайян миқдорда пул маблағи қарз, ўз навбатида 2 корхона 3 корхонадан қарздор. Бу ўринда 1 корхона 2 корхонанинг 3 корхона олдидаги қарзни ўз зиммасига олиши мумкин бўлади. Ушбу ҳолатнинг иқтисодий натижаси шундаки, бунда 1 корхонанинг мулки камаяди, 2 корхонанинг эса, мулки кўпаяди. Қолаверса, юридик шахслар ўртасида ҳисоб китоблар фақат нақд пулсиз шаклда амалга оширилади ва пул маблағлари бўйича амалга ошириладиган операциялар бўйича банклар томонидан турли тариф ставкалари қўлланилади. Корхона ҳисобрақамидаги пул маблағини бошқа корхона ҳисобрақамига ўтказиш учун банклар фоизда хизмат ҳақини олишади.

ФКнинг 322-моддасида қарздорнинг ўз қарзини бошқа шахсга ўтказишига фақат кредиторнинг розилиги билан йўл қўйилиши белгиланган. Бу ўринда қарзни бошқа шахсга ўтказишнинг мазмун моҳияти нималарда кўриниши ҳақида фикр юритиш ўринли бўлади.

Юридик адабиётларда тарафларнинг эрк иродаси ва натижага боғлиқ равишда қарзни бошқа шахсга ўтказишни уч турини алоҳида кўрсатиб ўтишади.

1) ички бунда тарафлар кредиторга таъсир этмайдиган келишувга эришишни хоҳлашади; иккинчи тараф биринчи қарздор олдида унинг қарзини тўлаш мажбуриятини олади ёки биринчи қарздор иккинчи қарздор учун кредиторга қарзни тўлашга топшириқ беради; кредитор тўлов амалга ошганига қадар биринчи қарздорга нисбатан даъво қилиш ҳуқуқига эга бўлган ҳолда иккинчи қарздорга нисбатан даъво қилишга ҳақли бўлмайди;

2) кумулятив бунда тарафлар кредиторнинг эски қарздорга нисбатан даъво қилиш ҳуқуқини йўқотмаган ҳолда, янги қарздорга нисбатан даъво қилиш ҳуқуқини олишни хоҳлашади;

3) приватив ёки ҳақиқий бундай тарафлар кредиторнинг эски қарздорга нисбатан барча ҳуқуқларини

йўқотган ҳолда янги қарздорга нисбатан даъво қилиш ҳуқуқини олишни хошлашади¹.

Бу борада ҳорижий давлатларда ўзига хос ёндошув мавжудлигини таъкиллаш лозим. хусусан, Франция Фуқаролик кодекси хусусий йўл билан қарзни ўтказишга йўл қўймайди. Бироқ, Германия Фуқаролик тузуқлари приватив йўл билан қарзни ўтказишни назарда туттади. Бунда кредитор билан тузилган шартнома воситасида (414-модда), ёки иккита қарздор ўртасидаги шартнома бўйича (415-модда) ўзганинг қарз мажбуриятини олиш институтига йўл қўйилади.² Швейцария қонунчилиги бўйича эса, қарзни бошқа шахсга ўтказиш кредитор ва янги қарздор ўртасида тузиладиган шартнома воситасида амалга оширилиши мумкин, бунда дастлабки қарздорга бу ҳақда хабар берилади³.

В.А.Беловнинг фикрича, РФ ГК учун қарздорни ўзгариши олиб келадиган бошқа институт ҳам маълум. Яъни, қарз цессияси (ёки пассив цессия, интерцессия). Мазкур шартнома бўйича бир тараф (янги қарздор) бошқа тараф (кредитор) олдида муайян мажбуриятни учинчи шахс (қарздор) учун бажаришни ўз зиммасига олади. Бунда кредитор эски қарздорни ўз мажбуриятини озод этади ёки озод этиш мажбуриятини олади⁴.

Биз юқорида мажбурият ҳуқуқига доир цивилистик тадқиқотлар нисбатан кенг доирада амалга оширилганлигини таъкидлаган эдик. Бу ўринда мавжуд цивилистик назарияларда қарзни бошқа шахсга ўтказиш ҳақидаги ғоялар билан танишиб чиқиш ўринли бўлади. В.А.Беловнинг таъкидлашича, қарзни бошқа шахсга ўтказиш мураккаб юридик таркибни амалга ошириш натижаси саналади. Бунда қарзни бошқа шахсга ўтказиш а) шартнома асосида бир тараф (эски қарздор, делегант ёки ўтказувчи) муайян мажбурият мазмунини ифодаловчи мажбуриятни янги қарздорга (делегат ёки қабул қилувчига) ўтказиш йўли билан ўзидан соқит қилади ва б) кредитор (делегатерия)нинг бир томонлама битими бўлиб, унинг мазмуни қарзни бошқа шахсга ўтказиш ҳақидаги шартномага мувофиқ мажбуриятда қарздорни ўзгаришига розилик беришда ифодаланади⁵. Унинг фикрича, қарзни бошқа шахсга ўтказиш кредитор томонидан санкцияланган бундай шартномани тузиш натижасида қарздорни ўзгариши деб номланади⁶.

В.В.Витрянскийнинг фикрича, қарзни бошқа шахсга ўтказиш юридик техник восита бўлиб, унинг натижасида масалан, ҳада шартномасига нисбатан олинганда ҳада қилувчи шартнома предметини ҳосил

қилувчи ҳаракатларни амалга оширади⁷. М.Чориев эса, бир шахс ўз ҳисобидан бошқа шахс фойдасига ўтказган ҳар қандай мулкий манфаат ҳада предметига сифатида кўрилиши мумкин. Нафақат буюмлар, балки мулкый ҳуқуқлар ва ўзининг ёки бошқа шахснинг олдидаги мажбуриятлардан озод қилиш ҳам мулкый манфаат сифатида қаралади.⁸

Ю.Н.Гайдукнинг таъкидлашича, қарзни бошқа шахсга ўтказиш шартномаси ўзида мураккаб юридик таркибни ифодалайди, унинг асосида ҳуқуқий тартибга солишга мухтож бўлган янги муносабатлар вужудга келади. Мазкур ҳуқуқий муносабат тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солиш қарзни бошқа шахсга ўтказишни моҳиятини тўлиқ ифодаламайди. Бу эса, шартнома мажбуриятларини ижро этилишида тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини бузилишига олиб келади. Шу сабабли қарзни бошқа шахсга ўтказишга доир ҳуқуқий муносабатни тартибга солишни такомиллаштириш лозим⁹.

Фикримизча, қарзни бошқа шахсга ўтказиш эски қарздорнинг қарзни янги қарздорга ўтказишга қаратилган ҳар қандай фуқаролик ҳуқуқий битимни ўзида ифодалайди. Натижада янги қарздор фуқаролик қонунчилигида назарда тутилган ёки назарда тутилмаган бўлсада, унга зид бўлмаган ўзга шахснинг қарзини зиммасига олади. Масалан, учинчи шахс олдидаги мажбуриятдан озод қилиш шаклидаги ҳада шартномаси ёки новация (дастлабки мажбуриятни янгилаш йўли билан учинчи шахс олдидаги мажбуриятдан озод этиш) натижасида амалга оширилиши мумкин. Бунда асосийси, қарзни бошқа шахсга ўтказишда кредиторнинг розилиги талаб этилади. Тарафлар қарзни бошқа шахсга ўтказишни қуйидаги усулларда амалга оширишлари мумкин:

-тарафлар асосий битимни тузганларидан сўнг қарзни бошқа шахсга ўтказиш (консенсуал битим натижасида);

-тарафлар асосий битим тузган пайтларида қарзни бошқа шахсга ўтиши (реал битимлар натижасида);

-тарафлар томонидан эрк иродаларига боғлиқ хатти ҳаракатларни амалга оширмаган ҳолда қарзни бошқа шахсга ўтказишни муайян вақтга боғлиқ ҳолда тузишлари (масалан, қарзни тасдиқловчи ҳужжатларни топшириш) мумкин.

Юқоридагиларга асосан таъкидлаш мумкинки, қарзни бошқа шахсга ўтказиш учун кредитор розилиги билан бир қаторда қуйидаги юридик фактлар мавжуд бўлиши талаб қилинади: 1) битта битим (реал шартномаларда, чунончи, учинчи шахс олдидаги мулкый мажбуриятдан озод этишни назарда тутувчи ҳада шартномасида); 2) асосий битим (консенсуал шартномаларда, масалан, учинчи шахс олдидаги мулкый мажбуриятдан озод этишни назарда тутувчи ҳада шартномасида) ва ёрдамчи битим (қарзни бошқа шахсга ўтказишга доир асосий битимни ижро этиш; 3) асосий битим ва бошқа юридик факт (масалан, муайян муддат ёки ҳодисанинг содир бўлиши) талаб қилинади.

¹ Годэмэ Е.Общая теория обязательств. –М.: Перевод с французского И.Б.Новицкого. Юридическое издательство МинЮста СССР. 1948, с.485.

² Годэмэ Е.Общая теория обязательств. –М.: Перевод с французского И.Б.Новицкого. Юридическое издательство МинЮста СССР. 1948, с.487,489.

³ Валеева Н.Г. Гражданское право. Учебник для вузов. Часть первая. /Под общей редакцией Т.И.Илларионовой, Б.М.Гонгало и В.А.Плетнева. М.: Норма, 2001. с.339.

⁴ Белов В.А. Сингулярное правопреемство в обязательстве. 3-е издание. М.: АО «Центр ЮриИнфоР», ООО «ЮриИнфоР-Пресс», 2002. 167, 170 с.

⁵ Белов В.А. Сингулярное правопреемство в обязательстве. 3-е издание. М.: АО «Центр ЮриИнфоР», ООО «ЮриИнфоР-Пресс», 2002. 166 с.

⁶ Белов В.А. Договор перевода долга по российскому гражданскому праву.

⁷ Брагинский М., Витрянский В. Договорное право. Книга вторая. Договора о передаче имущества. –М.: Статут, 2002. с.341.

⁸ Чориев М.Ш. Ҳада муносабатларини шартномавий ҳуқуқий тартибга солиш. Ю.ф.н.дисс.автореф. Т.: 2006. 7 б.

⁹ Гайдук Ю.Н. Классификация договоров перевода долга. /Юрист. 2004. №1. с.3.

Бу ўринда савол туғилади: Қарзни бошқа шахсга ўтказиш асосий битимми ёки ёрдамчи битимми? Фикримизча, қарзни бошқа шахсга ўтказиш асосий битим бўлиб ҳисобланади. Чунки, кредиторнинг розилиги олган ҳолда мазкур битимни тузиш мумкин бўлади. Баъзи ҳолларда, асосий битимни ижро этиш учун қўшимча битимни (ёки юридик фактни) амалга ошириш зарур бўлади. Бунда қўшимча битим асосий битимни бажариш мақсадида амалга оширилади ва асосий битим билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Қўшимча битим асосий битимдан ажралган ҳолда ёки мустақил мавжуд бўлмайди. Чунки, ФК 23 бобида ўзганинг мажбуриятини қабул қилишнинг аниқ асослари кўрсатилмаган (яъни, қарз шартномасининг тури, ҳақ бараварига ёки текинга тузилиш ва ҳ.к.). Шахсининг ўзганинг мажбуриятини зиммасига олиши турли асослар билан амалга оширилиши мумкин, яъни мулккий ҳуқуқларни бегоналаштириш билан боғиқ турли битимлар предмети бўлиши мумкин (масалан, ФКнинг 502-моддаси).

Қарзни бошқа шахсга ўтказиш мазмунига бевосита асосий шартномалар билан бирга ёрдамчи битимлар ҳам киради. Ушбу ҳолатни воситачилик шартномасини ижро этиш доирасида қарзни бошқа шахсга ўтказишда кўриш мумкин. Асосий шартнома (масалан, воситачилик, корхона ижараси)ни ижро этиш мақсадида қарзни бошқа шахсга ўтказиш бевосита қарзни бошқа шахсга ўтказишга қаратилмайди. Уни амалга ошириш бошқа ҳуқуқий мақсадларни кўзлайди. Демак, асосий шартномани ижро этиш мақсадида тузиладиган қарзни бошқа шахсга ўтказиш ҳақидаги келишув илгари тузилган асосий шартномани ижро этиш мақсадида тузилганлиги боис ёрдамчи битим аҳамиятини касб этади. Қарзни бошқа шахсга ўтказиш бошқа асосий шартноманинг (воситачилик шартномасининг) қисми сифатида кўрилади. Бунда қарздорни мажбуриятларини бошқа шахсга ўтказишга асос бўлиб асосий шартнома (воситачилик шартномаси), шунингдек унга чамбарчас боғланган қарзни бошқа шахсга ўтказиш ҳақидаги келишувни ижро этишга қаратилган ёрдамчи битим ҳисобланади. Мазкур ёрдамчи битимларни тузиш ФК 23 боби қоидаларига бўйсунган ҳолда кредитор розилиги олгандан сўнг тузилиши мумкин. Шунингдек, дастлабки қарзни янги қарздорга қарзни тасдиқловчи барча ҳужжатларни тақдим этиши ва мажбуриятни ижро этиш учун зарур бўлган бошқа маълумотларни бериши лозим.

Цивилистик адабиётларда қарзда (пассивларни қисман ўтказиш) ва талабда (активларни қисман ўтиши)да хусусан, талаб қилиш ҳуқуқи ва қарзни бошқа шахсга ўтказишда амалий мақсад ягоналигини таъкидланади¹. О.А.Красавчиков қарзни бошқа шахсга ўтказишни ҳуқуқни ўзгартирувчи юридик фактларга таллуқли деб ҳисоблайди².

Қонун чиқарувчи томонидан қарзни бошқа шахсга ўтказиш шаклига доир талаблар белгиланган, чунончи, ёзма шакл, нотариал тартибда тасдиқлаш ва давлат руйхатидан ўтказиш билан боғлиқ талаблар мавжуд (ФК 320-модда). Мазкур белгилар қарзни бошқа шахсга ўтказишни амалга оширишдаги юридик факт ҳисобланган битимга хос бўлган хусусият ҳисобланади.

¹ Агарков М.М. Перевод долга /Избранные труды по гражданскому праву. Т.2. М.: АО ЦентрЮрИнфоР, 2002. с.114, 124.

² Красавчиков О.А. Юридические факты в советском гражданском праве. Госюриздат, 1958. с.90.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда ФКга қуйдаги мазмунда ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқ:

321-модда 2 қисм.

Қарзни бошқа шахсга ўтказишда қонунда назарда тутилган ҳар қандай битим воситасида бевосита қарздорнинг мажбуриятини (қарзини) бошқа шахсга ўтказиш тушунилади.

Қарзни бошқа шахсга ўтказиш битимларни таснифлаш қоидадасига мувофиқ, тарафларнинг иштирок этишига кўра қандай битимлар туркумига кириши ҳақида фикр юритиш ўринли. Юридик адабиётларда бу борада турли фикрлар мавжуд. Жумладан, М.М.Агарков, И.Б.Новицкий (янги қарздор ва кредитор ўртасида тузиладиган), В.А.Белов, Л.А.Новоселоваларнинг фикрича, қарзни бошқа шахсга ўтказиш кредитор розилиги билан дастлабки ва янги қарздор ўртасида тузиладиган икки томонлама битим ҳисобланади³.

М.М.Агарков қарзни бошқа шахсга ўтказишда кредиторнинг розилик бериши ёки бермаслигида ифодаланадиган кредиторнинг бир томонлама битимини дастлабки ва кейинчалик тасдиқланадиган битим сифатида таснифлайди. Кредитор томонидан берилган дастлабки розилик қарздор билан қарзни бошқа шахсга ўтказиш ҳақидаги шартнома тузилгунга қадар қайтариб олиниши мумкин. Кредитор қарзни бошқа шахсга ўтказиш ҳақидаги шартнома тузилгандан сўнг ўзининг берган розилигини қайтариб ололмайди. Чунки, қарзни бошқа шахсга ўтказиш учун лозим бўладиган барча унсурлар мавжуд: дастлабки қарздор кредитор олдидаги ўз мажбуриятидан озод этилган ва янги қарздор билан алмаштирилган.

Қарзни бошқа шахсга ўтказиш ҳақидаги шартномага розилик олингандан сўнг у кучга киради. Кредитор бир томонлама рад этиш йўли билан барчасини олдинги ҳолатга қайтара олмайди. У албатта, янги қарздорни қарз мажбуриятидан озод этиши мумкин, бироқ эски қарз билан боғлиқлик ҳолатини тиклай олмайди. Шу сабабли кейинчалик розилик олиш ҳар доим якуний бўлиб ҳисобланади⁴.

М.И.Брагинскийнинг таъкидлашича, қарзни бошқа шахсга ўтказишнинг асоси бўлиб икки томонлама битим-шартнома ҳисобланади. Бунда бир тараф қарзни топширади ва бошқа тараф қабул қилиб олади. Унинг фикрича, қарзни бошқа шахсга ўтказишда дастлабки қарздорнинг розилиги талаб этилмайди, шу сабабли қарзни ўтказиш унинг эркидан ташқари амалга оширилиши мумкин⁵. Муаллифнинг ушбу фикрига қўшилиб бўлмайди. Чунки, дастлабки қарздорнинг иштирокисиз қарзни бошқа шахсга ўтказиб бўлмайди. Қолаверса, қарзни бошқа шахсга ўтказишга бевосита зиммасида қарз мажбурияти бўлган шахс амалга оширади. Қарзни бошқа шахсга ўтказиш мақсади бўлиб дастлабки қарздорни қарз мажбуриятидан озод қилиш бўлиш ҳам мумкин. Бунда ҳам албатта дастлабки қарздорнинг эрки зарур саналади. Демак, дастлабки

³ Агарков М.М. Перевод долга /Избранные труды по гражданскому праву. Т.2. М.: АО ЦентрЮрИнфоР, 2002. с.118.; Новицкий И.Б., Лунц Л.А. Общее учение об обязательстве. М., 1950. С.229.; Белов В.А. Сингулярное правопреемство в обязательстве. 3-е издание. М.: АО «Центр ЮрИнфоР», ООО «ЮрИнфоР-Пресс», 2002. 168 б.; Новоселова Л.А. Перемена лиц в обязательстве. //Гражданин и право. 2001. №12. с.35.

⁴ Агарков М.М. Перевод долга /Избранные труды по гражданскому праву. Т.2. М.: АО ЦентрЮрИнфоР, 2002. с.120.

⁵ Брагинский М., Витрянский В. Договорное право. Общие положения. -М.: Статут, 2002. 474.

қарздор ўз эркини ифода этгунига қадар кредитор олдида қарздор бўлиб қолади ва унга нисбатан ижро амалга ошириши лозим бўлади. Қарзни ижро этувчининг эрк иродасини ифода этиши қарз мажбуриятини бошқа шахсга ўтказишда аҳамиятга эга бўлади.

Фикримизнинг далили сифатида қуйидагиларни келтириб ўтиш мумкин. ФКнинг 322-моддасида қонун чиқарувчи қарздорнинг ўз қарзини бошқа шахсга ўтказишига фақат кредиторнинг розилиги билан йўл қўйилишини белгилаб беради. Бунда қарзни бошқа шахсга ўтказиш битимида дастлабки ва янги қарздорнинг иштирок этишини ва бунда қарзни бошқа шахсга ўтказишда кредиторнинг розилигини олишни мажбурий шарт сифатида киритади. Қарзни бошқа шахсга ўтказишда кредитор ва дастлабки қарздор ўртасида ҳуқуқий алоқа бекор бўлиб, кредитор ва янги қарздор ўртасида ушбу алоқа вужудга келади. Дастлабки қарздор мажбурият ҳуқуқий муносабатдан чиқиши билан унинг ўрнига янги кредитор кириб келади. Демак, кредитор бир вақтнинг ўзида иккита қарздор билан боғлиқ бўлмайди. Натижада мазкур шартномани уч томонлама шартнома (В.А.Белов, Р.В.Украинский) сифатида баҳоланмаслигига олиб келади.

Қарзни бошқа шахсга ўтказиш талаб қилиш ҳуқуқини ўтказишдаги қарздорнинг розилиги олишининг шарт эмаслигидан фарқли равишда кредиторнинг (яъни, мажбурият ҳуқуқий муносабатда фаол субъектининг) розилиги мажбурий шарт сифатида белгиланган. қонун чиқарувчи томонидан бундай шартнинг белгилалиши қарздор шахсининг мажбуриятни ўз вақтида, реал ва лозим даражада ижро этилиши учун муҳим аҳамиятга эга эканлигидан келиб чиқади. Бу ўринда шунини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керакки, қарздорни ўзгариши универсал ҳуқуқий ворислик тартибида амалга оширилганда кредитор розилиги талаб этилмайди. Масалан, ҳуқуқий ворислик тартибида қарздор шахсининг ўзгариши. Бундай ҳолда қарздорнинг ўзгариши билан кредиторнинг талабларини қондиришдаги мулкнинг таркиби ва ҳажми ўзгармайди.

Қарзни бошқа шахсга ўтказишнинг ўзига хос қоидалари корхоналар олди сотди шартномасини тартибга солувчи ФКнинг тегишли моддаларида ўз ифодасини топган. Жумладан, сотиладиган корхона таркибига киритилган мажбуриятлар бўйича кредиторлар корхона сотиб олувчига топширилгунга қадар сотувчи томонидан унинг сотилиши тўғрисида ёзма равишда хабардор қилинишлари лозим. Қарзнинг бошқа шахсга ўтказилишига розилигини сотувчига ёзма равишда билдирмаган кредитор корхона сотилиши тўғрисида билдириш хати олган кундан бошлаб уч ой мобайнида ё мажбуриятни бажаришни тўхтатишни ёки муддатидан олдин бажаришни ва сотувчи томонидан зарар қопланишини, ё бўлмаса корхонани сотиш шартномасини бутунлай ёхуд унинг тегишли қисмини ҳақиқий эмас деб топишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Корхонанинг сотилиши тўғрисида ФК 492-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган тартибда хабардор қилинмаган кредитор сотувчи корхонани сотиб олувчига топширгани тўғрисида хабар топган ёки хабар топиши лозим бўлган кундан бошлаб бир йил мобайнида ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган талабларни қондириш ҳақида даъво қўзғатиши мумкин.

Корхона сотиб олувчига топширилганидан сўнг сотувчи ва сотиб олувчи топширилган корхона таркибига киритилган, сотиб олувчига кредиторнинг розили-

гисиз ўтказилган қарзлар бўйича солидар жавобгар бўладилар (492-модда).

Шунингдек, корхона мулкий комплекс сифатида ижарага берилганидан кейин ижарага берувчи билан ижарага олувчи топширилган корхона таркибига киритилган ва ижарага олувчига кредиторнинг розилигисиз ўтказилган қарзлар бўйича солидар жавобгар бўладилар (579-модда).

Ю.Н.Гайдук қарзни бошқа шахсга ўтказиш масаласини тадқиқ этиб мазкур шартнома ўз ҳуқуқий табиатига кўра мураккаб юридик таркибга эга ва мажбурият ҳуқуқи жуфтлигининг аънанавий схемасига яъни, “кредитор қарздор” жуфтлигига мос келмайди. Мазкур конструкцияда “қарздор-қарздор-кредитор” муносабати мавжуд бўлади. Ва дастлабки қарздор мажбуриятдан чиқиб кетганлиги боис, кредитор ҳуқуқларига нисбатан янги қарздор мажбурияти қарши туради. Шу сабабли қарзни бошқа шахсга ўтказиш шартномаси бир томонлама шартнома, деб ҳисоблайди¹.

Муаллифнинг ушбу фикрига қўшилиб бўлмайди. Чунки, шартнома бир томонлама бўлиши учун фақат бир томоннинггина эрки ифодалангани, ҳуқуқ ва мажбурият фақат бир томоннинг иродаси бўйичагина вужудга келади, ўзгаради ёки бекор бўлади. И.Б.Зокиров тўғри таъкидлаганидек, бир томонлама битим уни тузган шахс учун мажбуриятлар келтириб чиқаради. Бир тарафлама битимда унда иштирок этувчи бир тарафнинг эрк баён этилишининг ўзи кифоя. Бир томонлама шартномаларда иштирок этувчи тарафларнинг бирида фақат ҳуқуқ бўлиб, ҳеч қандай мажбурият бўлмайди. Иккинчи тарафда эса фақат мажбурият мавжуд бўлади².

Бу ўринда мусулмон ҳуқуқида қарзни бошқа шахсга ўтказишга доир қоидалар ҳақида тўхталиб ўтишни лозим деб ҳисоблаймиз. Бир кишининг қарзини иккинчи кишига юклашлик аввало қарздор устида қарз қолмаслиги шarti билан бўлади. Бунда қарзни бошқа шахсга юклашда уч киши, яъни қарздор киши (муҳил), қарз берувчи (даин) ва қарзни ўз зиммасига қабул қилувчи киши иштирок этади. Қарзни бошқа бир шахсининг зиммасига юклаш қарздор кишининг қарздан қатмаслиги шarti билан бўлади³.

Ю.Н.Гайдук таъкидлаганидек, қарзни бошқа шахсга ўтказиш шартномаси бир томонлама битим бўлса, у ҳолда кредиторнинг розилик бериши ва янги қарздорнинг қарз мажбуриятини қабул қилиши бўйича эрк иродасини ифодаси этишини ҳисобдан чиқариш лозим бўлади. Бу эса, мазкур шартномани бир томонлама битимлар таснифига киритилмаслигини англатади. Бинобарин, агар янги қарздор ва кредитор қарзни ўтказилишига розилик бермаса, у ҳолда қарзни бошқа шахсга ўтказиш шартномаси ҳақида сўз юритилиши ҳам мумкин бўлмайди.

Қарзни бошқа шахсга ўтказишда кредиторнинг розилигини белгиланганлиги бежиз эмас албатта. Айрим муаллифлар қарзни бошқа шахсга ўтказишда кредиторнинг розилиги битим бўлиб ҳисобланмайди. Чунки, унинг розилиги билан фуқаролик ҳуқуқ ва мажбури-

¹ Гайдук Ю.Н. Классификация договоров перевода долга. /Юрист. 2004. №1. с.2.

² Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. Дарслик. I қисм. И.Б.Зокиров. Масъул муҳаррир: Ҳ.Раҳмонқулов: Қайта ишланган ва тўлдирилган бешинчи нашр. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. 297 б.

³ Мухтасар. Нашрга тайёрловчилар Р.Зоҳид, А.Деҳқон. Т.: Чўлпон, 1994. 220, 221 б. (336 б.).

ятлари вужудга келиши, ўзгартирилиши ва бекор бўлиши белгиланмайди, деган фикрлар ҳам билдириб ўтилади¹. Бу ўринда шуни таъкидлаш лозимки, кредиторнинг розилиги бу унинг эрк иродасига боғлиқ саналади. Унинг эрк иродасини билдириши натижасида муайян юридик оқибатлар келтириб чиқаради. Чунки, қарзни бошқа шахсга ўтказишга розилик бериши дастлабки қарздорни қарз мажбуриятдан озод этилиши ва янги қарздордан мажбурият ижросини талаб қилиш ҳуқуқини вужудга келтиради. Шу билан бирга кредитор қарз мажбуриятини ижро этишни дастлабки қарздордан талаб қилиш ҳуқуқини йўқотади.

Қарзни бошқа шахсга ўтказишда кредиторнинг розилиги борасида В.А.Беловнинг фикрларини кўрсатиб ўтиш лозим. Унинг фикрича, қарзни бошқа шахсга ўтказишда қарзни олувчи кредитор қарзни бошқа шахсга ўтказишига нисбатан ўз муносабатини билдиргунига қадар учинчи шахс мақомида бўлади. Кредитор томонидан унга нисбатан талаб қўйилганда эса, шерик қарздор мақомида ҳисобланади. Шу сабабли муаллиф қарзни бошқа шахсга ўтказишни учинчи шахс фойдасига тузиладиган шартнома сифатида баҳолаш лозим, деб кўрсатади².

Муаллифнинг ушбу фикрлари ғализ чиққан. Чунки, тарафлар қарздор ижрони кредиторга эмас, балки шартномада кўрсатилган ёки кўрсатилмаган, қарздордан мажбуриятни ўз фойдасига бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган учинчи шахсга бажариши мажбур деб белгилаб қўйган шартнома учинчи шахс фойдасига тузилган шартнома дейилади (ФК 362-модда).

Юқоридагиларга асосан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин. Қарзни бошқа шахсга ўтказишда ўтказилаётган қарзни вужудга келишига асос бўлиб мажбурият ҳисобланади. Дастлабки ва янги қарздор қарзни ўтказиш билан боғлиқ ҳаракатларни амалга ошириши лозим. Қарзни бошқа шахсга ўтказишда кредитор розилиги талаб қилинади. Бунда қарзни бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ дастлабки ва янги қарздорнинг ҳаракатларида бевосита қарзни бошқа шахсга ўтказишга қаратилган битим (масалан, учинчи шахс олдидаги қарздан озод этиш шаклидаги ҳадя шартномаси)ни ва қарзни бошқа шахсга ўтказиш асосида ётувчи битимни, яъни бевосита қарзни бошқа шахсга ўтказишга қаратилмаган битимни (масалан, воситачилик шартномаси) фарқлаш лозим. Демак, қарзни бошқа шахсга ўтказиш битта битим (масалан, учинчи шахс олдидаги қарз мажбуриятдан озод этиш шаклидаги реал ҳадя шартномаси), иккита битим яъни, асосий ва ёрдамчи битим (масалан, учинчи шахс олдидаги қарз мажбуриятдан озод этиш шаклидаги консенсуал ҳадя шартномаси ва қарзни ўтказиш ҳақидаги ёрдамчи битим), битим ва юридик факт (масалан, учинчи шахс олдидаги қарз мажбуриятдан озод этиш шаклидаги консенсуал ҳадя шартномаси бўйича муайян муддатдан сўнг қарзни бошқа шахсга ўтиши) зарур бўлади.

Резюме

В вводной части статьи автор характеризует понятие обязательств и перевод долга.

В основной части рассматриваются вопросы правовой природы перевода долга в обязательственных отношениях.

В заключении автор вносит свои предложения по дальнейшему правовому регулированию отношений связанных с переводом долга.

Abstract

In the introductory part of the article the author characterizes concept of obligations and debt transfer.

In the basic part questions of the legal nature of transfer of a debt in obligations relations are considered.

In the conclusion the author makes the offers on the further legal regulation of relations connected with debt transfer.

¹ Украинский Р.В. Правовая природа перемены лиц в обязательстве. //Аудиторские ведомости. 1998. №10. с.81.

² Белов В.А. Сингулярное правопреемство в обязательстве. 3-е издание. М.: АО «Центр ЮрИнфоР», ООО «ЮрИнфоР-Пресс», 2002. 169 б

С.Э. Раззоқов
ТДЮИ тадқиқотчиси

ШАХСНИНГ ШАЪНИ ВА ҚАДР-ҚИММАТИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТИНИНГ ОБЪЕКТИ

Ўтган асрнинг 90-йиллари ўрталарига қадар жиноят ҳуқуқи назариясида кенг тарқалган қарашга мувофиқ, жиноят ҳуқуқининг объекти деганда, жиноят қонуни билан кўриқланадиган ва жинойий қилмиш орқали зиён етказиладиган ижтимоий муносабатлар тушунилади. Шу жумладан, фақат жиноят қонуни билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатлар жиноят объекти бўла олади, деб ҳисобланади¹. Ҳозирги вақтда эса айрим олимлар жиноят объекти фақатгина ижтимоий муносабатлар билан чекланиб қолмайди, айниқса сўз инсонга, шахсга, фуқарога тегишли бўлган манфаатлар ҳамда неъматлар ҳақида кетганда юқоридаги қараш ҳар доим ҳам ўзини оқламайди, деган фикрларни илгари сурмоқдалар². Яъни, жиноят ҳуқуқи фанида жиноят объекти жиноят субъектига тажовуз қиладиган, жиноят натижасида зарар етказилган ёки етказилиши мумкин бўлган манфаатлардан иборат, деган қараш тарқалмоқда³. Фикримизча, ушбу қараш ўринлидир.

Жиноятларнинг умумий объекти ЎзР ЖКнинг 2-модда 1-қисмида ифодаланган жиноят қонуни билан кўриқланадиган барча ижтимоий манфаат ва қадриятлар йиғиндиси ташкил қилади. Ўз навбатида, тухмат ва ҳақорат жиноятлари ҳам шахсга зарар етказиш билан бирга жиноятнинг умумий объектига тажовуз қилади.

Шахснинг шаъни ва қадр-қиммати қаратилган жиноятларнинг турдош объекти бўлиб эса, кўплаб ҳуқуқий қадриятлар ҳамда манфаатлар (ҳаёт, соғлиқ, шаън, қадр-қиммат, дахлсизлик, конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлар ва ҳ.к.) ташувчиси бўлган шахс ҳисобланади. Демак, тухмат ва ҳақорат инсон ҳамда фуқаронинг ажралмас қадриятлари саналган шаън ва қадр-қимматига зиён етказилади. Тухмат ва ҳақорат жиноятларининг махсус объектини эса ЎзР ЖКнинг VI боби (135-140 моддалари)да ўз аксини топган бир турдаги жиноятларнинг объекти, яъни шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр-қиммати ташкил этади.

Тухмат ва ҳақорат жиноятларининг бевосита объекти тўғрисидаги масала эса мунозарали саналади. Бир гуруҳ олимлар, тухмат ва ҳақорат ягона бевосита объект - шахснинг шаъни ҳамда қадр-қиммати тажовуз қилади, деб ҳисоблайдилар⁴. Бошқа бир олимлар эса, тухматнинг бевосита объектини объектив мазмундаги инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати ташкил этса, ҳақоратнинг бевосита объектини субъектив маънодаги шаън ва қадр-қиммат, яъни жабрланувчи томонидан ўз шаъни ҳамда қадр-қиммати берадиган баҳоси ташкил қилади, деб таъкидлайдилар⁵.

Яна бир гуруҳ олимлар эса (Н.Г. Иванов, Ю.А. Красиков) шаън ва қадр-қиммат билан бирга тухмат

ҳамда ҳақорат жиноятларининг бевосита объектига шахс обрўсини ҳам киритадилар⁶.

Кенгрок тарқалган нуқтаи назарга асосан, тухматнинг объекти шахсга жамият томонидан бериладиган баҳо, ҳақоратнинг объекти бўлиб эса шахснинг ўз қадр-қиммати англаш ҳисси саналади⁷. Ю.М. Ткачевскийнинг таъкидлашича, тухматнинг объекти - шахснинг шаъни (яъни, шахсга жамият томонидан баҳо берилиши), ҳақоратнинг объекти эса инсоннинг ўз қадр-қиммати англаш ҳиссидан иборатдир⁸.

Айрим муаллифлар тухмат ҳамда ҳақорат жиноятларининг объектига шахсни⁹, инсоннинг ахлоқий сифатлари мажмуини¹⁰, жамиятда ҳурмат қозониш имкониятини ҳам киритадилар¹¹.

Юқорида келтирилган қарашлар бир-бирига зид бўлиб, шахснинг шаъни ва қадр-қиммати қарши жиноятларнинг ҳақиқий бевосита объектини акс эттирмаган. Албатта, ушбу жиноятлар шаън, қадр-қиммат ва обрўга путур етказилади, аммо жиноят объектига берилган бундай таъриф жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиги ҳамда ўзига хос хусусиятларини очиб бермайди. Шунингдек, бундан кейин келтирилган таърифда айтилганидек, юқоридаги жиноятлар фақатгина шахснинг ижтимоий баҳосига, у ҳақдаги жамоатчилик фикрига таъсир қилиб қолмасдан, биринчи навбатда, шахснинг қонун билан кўриқланадиган манфаатларига зарар етказилади.

Тухмат ва ҳақоратнинг объекти шахс бўлади, деган фикрга ҳам тўлиқ қўшилиб бўлмайди, чунки шахс жиноят қонуни билан кўриқланадиган кўплаб қадриятлар (манфаатлар), шу жумладан, шаън ва қадр-қиммат ташувчиси ҳисобланади. Ушбу жиноятларнинг объекти жамиятда ҳурмат қозона олиш имкониятидан иборат, деб кенгайтирилган таъриф ҳам бериб бўлмайди. Сабаби, ҳурмат бир қатор ижтимоий-ахлоқий ва ҳуқуқий талаблар воситасида таъминланади.

Баъзи олимлар тухмат ва ҳақорат жиноятларининг бевосита объектини шахснинг манфаатларига эътибор қаратиш орқали аниқлайдилар. Шу жумладан, Л.Н. Сугачевнинг нуқтаи назарига кўра, ушбу жиноятларда тажовузнинг объектини шахснинг ижтимоий муносабатлар ёрдамида таъминланган ҳамда унинг шаъни ва қадр-қимматининг тан олиншини талаб қиладиган

⁶ Ветров Н.И. Преступления против чести и достоинства личности // Уголовное право. Особенная часть: Учебник / Под ред. Н.И. Ветрова и Ю.И. Ляпунова. - М.: Новый Юрист, 1998. Б. 115,117; Красиков Ю.А. Преступления против чести и достоинства личности. // Уголовное право России: Учебник для вузов. В 2 т. Т.2. Особенная часть. Под ред. д.ю.н., проф. А.Н.Игнатова и д.ю.н., проф. Ю.А.Красикова. - М.: Издательская группа НОРМА-ИНФРАМ, 1999. 120-б.

⁷ Цанова М.А. Уголовная ответственность за преступления против чести и достоинства граждан по советскому уголовному праву. Дис. канд. юрид. наук. - М., 1990. 41-б.

⁸ Уголовное право Российской Федерации. Особенная часть. - М., Олимп, 1997, Б. 106-107.

⁹ Курс советского уголовного права. Часть особенная. - Л., 1973. Т.3. 611-б.

¹⁰ Ной И.С. Охрана чести и достоинства личности в советском уголовном праве. - Изд-во Саратовского Университета, 1959. 8-б.

¹¹ Кузнецов А.В. Уголовно-правовая охрана интересов личности в СССР. - М., 1969. 33-б.

¹ Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Олий ўқув юртлари учун дарслик. - Т., "Янги аср авлоди", 2005. 151-б.

² Наумов А.В. Уголовное право. Общая часть. Курс лекций. - М., 1996. 147-б., Игнатов А.Н. Уголовное право России. Учебник для вузов. В 2-х томах. Т.1. - М., 1998. Б.97-101.

³ Наумов А.В. Уша китоб. 146-б.

⁴ Ветров Н.И. Уголовное право. Общая и Особенная части: Учебное пособие. - М.: Книжный мир, 1999. 120-б.

⁵ Уголовное право. Особенная часть. / Под ред. Козаченко И.Я., Незнамовой З.А., Новоселова Г.И. - М. 1998. 114-б.

манфаати ташкил этади¹. Фикримизча, ушбу таърифга қўшилиш мумкин, боиси унда шахснинг шаъни ва кадр-қимматига қарши жиноятларнинг объекти аниқроқ қилиб ифодаланган.

Бироқ, ушбу нуқтаи назар ҳам айрим камчиликлардан холи эмас, чунки унда жиноят объектининг белгилари тўла очиб берилмаган.

Демак, фуқаронинг шаън ва кадр-қиммати объектив ва субъектив табиатга эга бўлиб, инсон шаънининг объектив табиатини шахс маънавий фазилатларининг, унинг фаолиятининг жамоатчилик томонидан ижобий баҳоланиши ташкил қилса, шахснинг ўз шаънини англай билиш ҳисси, ўз шаъни ва обрўсига бериладиган жамоат баҳосига бўлган муносабати субъектив табиатини ифода этади. Бунда жиноятнинг бевосита объектини аниқлашда алоҳида ҳар бир ҳолатдан келиб чиқиш ҳамда инсоннинг айнан қайси манфаатига (фазилатига) зиён етказилганлигига эътибор бериш лозим.

Тухмат жиноятининг ижтимоий хавфлиги шундаки, ёлғон ва бошқа шахсни шарманда қилувчи уйдирмаларнинг тарқатилиши оқибатида жабрланувчининг ўзига жамоатчилик томонидан бериладиган баҳоси (муайян бир шахс ҳақидаги жамоатчилик фикри), обрўсига зарар етказилади. Тухмат қилинувчи уйдирмалар таъсири остида шахснинг ахлоқий сифатлари, онги, ўз шаъни ва кадр-қимматини англаш ҳисси, худди шунингдек, турли хил ҳислатларга эга индивиднинг қадр-қиммати ўзгартирилиши мумкин эмас. Тухмат жиноятига юридик таҳлил қилаётганда шуни ёдда тутиш керакки, ёлғон ҳамда шарманда қилувчи уйдирмалар тарқатаётган айбдор шахс инсон шаънининг ташқи томонига, яъни шахснинг ахлоқий фазилатлари, фаолиятининг позитив баҳосига зарар етказади. Юқорида таъкидланганидек, жиноят ҳуқуқи назариясида жинорий тажовузнинг объекти сифатида шахс обрўси ҳам келтирилади. Обрў категорияси кўпинча шаън категориясига айнан тушунча сифатида ишлатилади. Ушбу маънода адабиётларда обрў деганда, инсоннинг маънавий қиёфаси тўғрисида шаклланган, унинг хизматлари ва нуфузининг тан олинмишида намоён бўладиган атрофдагиларнинг фикри тушунилиши ҳақида сўз кетади².

Бошқа муаллифлар эса, обрў - бу жамоатчилк фикри (баҳоси), муайян бир шахснинг сифатлари, фазилатлари ва камчиликлари тўғрисидаги умумий фикрдан иборат, деб ҳисоблайдилар³. Демакки, обрў тушунчаси ўз ичига шахснинг ҳам ижобий, ҳам салбий хусусиятлари тўғрисидаги янада кенгрок маълумотларни қамраб олади.

Шунингдек, юридик адабиётларда обрў категорияси шаън категорияси билан умуман мувофиқ келмаслиги мумкин, деган фикр ҳам илгари сурилади. Бунда, мисол учун, шахс томонидан содир қилинган ҳуқуқбузарлик жамоатчиликнинг салбий фикрига сабаб бўлиши, аммо шу билан бирга бу ҳодиса шахснинг

ишга доир қобилияти ҳақидаги фикрни акс эттирувчи (масалан, мутахассис, ўз ишининг устаси сифатидаги) обрўсига умуман таъсир этмаслиги ҳам мумкин⁴.

Шундай қилиб, шахс обрўсини жамият онгида акс этадиган маълум бир меҳнат фаолияти соҳасига тааллуқли бўлган, профессионал, ташкилотчилик, тадбиркорлик ҳислатлари ҳамда сифатларига доир ахлоқий муносабатларнинг бир тури сифатида кўриб чиқиш зарур. Бунда, илмий адабиётларда «ишчанлик обрўси» тушунчасини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Бизнинг назаримизда, тухматнинг бевосита объекти (шаън, обрў)ни шахснинг ўз маънавий, шахсий, касбига доир ҳислатлари ва фаолияти тўғрисида ижобий ижтимоий фикрга эга бўла олишдек, ишчанлик обрўсидан фойдаланиш каби субъектив ҳуқуқдан иборат бўлган инсонга тегишли маълум бир ижтимоий манфаат ёки қадрият деб ҳисоблаш тўғри бўлар эди.

Ҳақоратнинг бевосита объекти мазмунини очиб беришда, кадр-қиммат инсоннинг умуман шахс сифатидаги (инсоният вакили сифатидаги ҳамда «инсон - олий қадрият» тамойили асосидаги) қадрини англаштириши назарда тутмоқ лозим. Ушбу маънода инсон кадр-қиммати қатор ҳуқуқ ва манфаатларни юзага келтиради, тадбиқ этилиши маълум бир ҳуқуқий, маънавий ва ташкилий кафолатларни талаб қилувчи шахс ҳуқуқий ҳамда ахлоқий мақомининг асосини ташкил қилади.

Тухматдан фарқли ўларок, ҳақорат жинояти инсоннинг жамиятда тутган мавқеи, обрўси ва шаънига зарар етказмайди. Ҳақорат категориясига, қоида тариқасида, бошқа шахсни ҳақоратли ҳаракатлар орқали бирор-бир нуқсонда айблаш киритилади. Шахснинг шаъни ва кадр-қиммати учун ҳақоратомуз бўлган сўзларнинг ижтимоий хавфлиги нафақат инсоннинг ўз кадр-қимматини англай олишдек ахлоқий ҳиссининг камситилишида намоён бўлади, балки шу билан бирга айбдор томондан умуминсоний қадриятлар эгаси саналган индивиднинг муомала борасидаги қадр-қиммати инкор этилади⁵. Шунинг учун, жиноят ҳуқуқига дахлдор бўлмаган қилмишлар (бошқа шахсни ёқтирмаслик, хушмуомалалик, эътибор қаратиш белгилари ва ҳ.к.)дан фарқ қилиб, ҳақорат инсонлар билан муомала қилишнинг умум қабул қилинган қоидаларини қўпол равишда бузади, ахлоқ нуқтаи назаридан уятсиз ва беадаблик ҳисобланади. Ўз-ўзидан ҳақоратнинг бевосита объекти фикримизча, шахснинг муомала жиҳатидан умуминсоний кадр-қиммат эгаси сифатида атрофдагилардан ўз кадр-қимматининг тан олинмиши талаб қилиб олишдан иборат субъектив ҳуқуқи ташкил қилади.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги жиноят қонунда ҳокимият вакили, мансабдор шахсларнинг шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш борасида айрим муаммолар мавжуд. Бунда бир неча ҳолатларни келтириш мумкин. Тухмат мансабдор шахс томонидан

¹ Сугачев Л.Н. Ответственность за оскорбление по советскому уголовному праву: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук - Харьков, 1953. 5-6.

² Словарь по этике. / Под ред. А.А.Гусейнова и И.С.Кона. - М.: Политиздат, 1989, 289-6; Сергеев Ч.П. Право на защиту репутации. - М., 1989. Б.5-6.

³ Ветров Н.И. Преступления против чести и достоинства личности // Уголовное право. Особенная часть: Учебник / Под ред. Н.И. Ветрова и Ю.И. Ляпунова. - М.: Новый Юрист, 1998. 115-6.

⁴ Матросова М.Е. Понятие чести и достоинства личности как объекта уголовно-правовой охраны при клевете и оскорблении. // Труды Академии МВД РФ. Уголовная политика и реформа уголовного законодательства. - М., 1997. 123-6.

⁵ Шмарион В.И. Ответственность за преступления против чести и достоинства личности по российскому уголовному законодательству: Дис.... канд. юрид. наук. - Ростов на Дону, 2000. 107-6.

амалга оширилса, қилмиш мансабдорлик жинояти сифатида эмас, балки ЖКнинг 140-моддасига биноан квалификация қилинади. Агарда қилмиш икки ёки ундан ортиқ фуқарога қаратилган, давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказган бўлса, яъни ЖК 205-206 моддаларида назарда тутилган жиноятларнинг зарурий белгилари мавжуд бўлган тақдирда ҳам ЖК 139-модда 3-кисм «б» банди бўйича, яъни оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлган тўхмат сифатида квалификация қилинади. Бундай тарздаги квалификацияга фақатгина ҳақиқатдан мансаб ваколатидан фойдаланилган тақдирда ўринлидир.

Агарда ҳақорат қилиш жинояти мансабдор шахс томонидан содир қилиниши натижасида ЖК 205-206 моддасида назарда тутилган оқибатлар юзага келган тақдирда ушбу қилмишни квалификация қилиш қийинчилик туғдиради. Сабаби, ЖК 140-моддасида «оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлган ҳақорат қилиш» жиноятини қамраб олувчи алоҳида банд мавжуд эмас. Шу сабабдан биз куйида ЎзР ЖКнинг 140-моддаси 3-кисмини куйидаги таҳрирда баён қилишни таклиф қиламиз:

Ҳақорат қилиш:

а) ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан боғлиқ ҳолда жабрланувчи ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан;

б) хавфли рецидивист томонидан ёки тўхмат қилганлиги учун илгари судланган шахс томонидан қилинган бўлса,

в) оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлган ҳолда —

энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Хулоса қилиб айтиб ўтадиган бўлсак, ҳақорат қилиш мансабдор шахсга (масалан, судьяга) нисбатан содир қилинган бўлса ҳамда ушбу қилмишдан мансабдор шахсга бирор-бир тазйиқ ўтказиш мақсади кўзланган бўлса, қилмиш одил судловга қарши жиноят тариқасида квалификация қилиниши лозим (ЖК 236-моддаси бўйича, яъни тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашиш тариқасида). Агар юқоридаги мақсад кўзланмаган бўлса, қилмиш ЖК 140-моддаси бўйича квалификация қилинади. Тўхмат жинояти ҳам деярли юқоридаги тартибда квалификация қилиниши зарур.

Резюме

В вводной части статьи автор характеризует понятие преступления против чести и достоинства человека.

В основной части статьи рассматриваются вопросы об объекте преступления против чести и достоинства человека.

В заключении автор вносит свои предложения по совершенствованию понятийного аппарата в указанной сфере.

Abstract

In the introductory part of the article the author characterizes concept of a crime against honor and advantage of the person.

In the basic part of the article questions on object of a crime against honor and advantage of the person are considered.

In the conclusion the author makes the offers on perfection of the conceptual device in the specified sphere.

Х.З.Қўқоров
ТДЮИ ўқитувчиси

НАЗОРАТ ТАРТИБИДА ИШ ЮРИТИШНИНГ ТУШУНЧАСИ, МОҲИЯТИ ВА АҲАМИЯТИ

Ўзбекистонда суд – давлат ҳокимиятининг ўзига хос хусусиятга эга бўлган мустақил тармоғи сифатида намоён бўлади. Суд – ҳокимиятнинг мустақил тармоғи бўлиб, табиатан қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимиятларидан тубдан фарқ қилади. Суд ҳокимиятининг давлатнинг бошқа тузилмаларидан мустақиллиги мамлакатдаги ҳуқуқ устуворлиги, эркинлик ва адолат ғояларига жиддий эътибордан гувоҳлик беради.

Жиноят ишларини кўришда судлар томонидан чиқарилаётган ҳукм, ажрим ва қарорлар ҳақида сўз борганда, уларни қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилиги тўғрисида гапирмасликни иложи йўқ. Чунки суд чиқарган ҳукм, ажрим ва қарорларни кадр-қиммати ва аҳамияти ҳам ушбу мезон билан ўлчанилади.

Қонуний кучга кирган суд қарорларини назорат тартибида қайта кўриш жиноят процессининг асосий босқичларидан ҳисобланади. Шу билан бирга фуқаролик процессуал ҳуқуқининг асосий институти ҳамдир. Жиноят-процессуал ҳуқуқининг бу институти аҳамияти ғоят катта. Бу институтнинг аҳамияти ва моҳияти борасида аниқ бир тушунчага эга бўлиш учун, назорат тартибида иш кўзатиш асосларини, назорат тартибида иш кўзатишнинг процессуал воситаларидан фойдаланиш ваколатларига эга бўлган субъектлар, назорат тартибида қонуний кучга кирган ҳукм, ажрим ва қарорларини қайта кўришни процессуал тартиби, назорат тартибида иш кўрган судларнинг қарорлари ва назорат инстанция судларининг ваколатлари билан боғлиқ бўлган бир қатор ҳуқуқий масалаларни билиб олиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг қароридан ташқари, республикамиздаги ҳамма судларнинг қонуний кучга кирган ҳукм ажрим ва қарорлари, қонунда кўрсатилган мансабдор шахсларнинг назорат тартибида келтирилган протестлари бўйича назорат тартибида иш кўрувчи судлар томонидан қайтадан кўрилиши мумкин. Бу ҳолат Жиноят-процессуал Кодексининг 478-моддаси 3-бандида ўз ифодасини топган.

Суд ҳукм, ажримлари ва қарорларни назорат тартибида қайта кўришнинг моҳияти қонуний кучга кирган ажрим ва қарорларидаги аниқланган камчиликларни тузатишдан иборат. Бу борада ғайриқонуний ва асосланган суд қарори қайси суд томонидан қабул қилинган ва у қабул қилингандан сўнг қанча вақт ўтгани эътиборга олинмайди.

ЖПК нинг 497¹-моддасига кўра, суднинг қонуний кучга кирмаган ҳукмлари устидан апелляция тартибида шикоят бериш ёки протест билдириш мумкин. 498-моддасида маҳкум, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили, шунингдек жабрланувчи, унинг вакили суднинг қонуний кучга кирган ҳукми ва ажрими устидан, агар иш апелляция тартибида кўрилган бўлмаса, кассация тартибида шикоят беришга ҳақлидир. Демак, суднинг қонуний кучга кирган ҳукми ва ажримидаги камчиликлар кассация инстанция судлари томонидан келтирилган шикоят ва протестлар бўйича қайта кўриш билан тузатилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми тушунтириш беришича, ЖПК 482-моддасига мувофиқ назорат инстанцияси суди шикоят (протест) да баён

этилган вазият билангина чегараланмасдан, суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини тўла ҳажмда (тафтиш тартибида) текширишга мажбур.¹

Ушбу нормани белгилаб қўйилиши, жиноят ишларини назорат тартибида кўриш босқичи муҳим аҳамиятига эга эканлигини кўрсатиб турибди.

Шундай экан, назорат тартибида иш юритиш институти учун эҳтиёж борми? Агар бўлса, бундай зарурият нималарга асосланган деган табиий савол туғилади.

Бу борада Саҳаддинов суд тизимини янада ривожлантириш учун янги киритилган апелляция тартибида ишларни кўришни қолдириб, кассация тартибида ишларни кўриш тартибидан воз кечиш мақсадга мувофиқ бўлар эди, чунки ҳозирги пайтда апелляция иш юритуви тўла равишда кассация тартибида иш юритувиغا нисбатан ишни кенгрок, ҳар томонлама ва ҳолисона текшириш учун мустақил суд босқичи сифатида ўзини намоён қилади. Бу эса кассация босқичини олиб ташлаб, унинг ўрнига назорат тартибида ишларни кўриш босқичини ривожлантирсак, суд тизими учун ниҳоятда катта фойда келтирилган бўлар эдик² деган фикрни илгари суради.

Дарҳақиқат, назарий жиҳатдан апелляция ва кассация тизимларига эътибор берсак, Ўзбекистон ҳудудида икки бир-бирига қарши бўлган ҳуқуқ тизимлари тўқнаш келган, биринчиси бу романо-герман (континентал) ҳуқуқи. Мазкур ҳуқуқ тизимида кассация иш юритуви асосий ўрин эгаллаган. Иккинчиси эса англосаксон ҳуқуқ тизимида мансуб бўлган апелляция тартибида иш юритуви. Агарда бу қарама-қарши ҳуқуққа мансуб бўлган институтларни биргаликда ҳаракатда бўлиши келажакда судларни беасос кўрилган жиноят ишларининг ҳажмини тобора ўсиб боришига олиб келиб, қонунчиликни ва адолатни қарор топиши учун салбий омил сифатида таъсир кўрсатиши аниқ.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал, Хўжалик-процессуал ва Фуқаролик-процессуал кодексларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги Қонуни Жиноят-процессуал қонунчилигида туб бурилиш бўлди, десак янглишмай-миз.

Мазкур Қонундан келиб чиққан ҳолда Пўлатов фикрича, энди кассация инстанция суди жиноят ишларини назорат тартибида кўриб чиқади, яъни у назорат инстанциясига айланди. Сўзсиз, суднинг бу инстанцияси, судлов фаолияти устидан назорат қилишнинг муҳим усули бўлиб, судлар йўл қўйган хатоларни тузатишга, тўғри ва ягона суд амалиётини амалга оширишга ёрдам беради.³

Аҳмаджонов таъбирича, апелляция, кассация ва назорат босқичларига асосланган фикрлар орқали суд хатоларини бартараф этишга эришиш ҳамда жазо муқаррарлигини таъминлаш бугунги куннинг долзарб вазифасидир.⁴

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 15 майдаги “Судлар томонидан жиноят ишларини назорат тартибида кўриш амалиёти тўғрисида”ги 12-сонли Қарори. 22 б.

² Саҳаддинов С. Ярашув институтининг ташкилий-ҳуқуқий асослари. DAVLAT VA HUQUQ. 2004, № 2. Б.45-46.

³ Пўлатов Б. Назорат қилишнинг муҳим усули. Ҳаёт ва қонун. 2001, № 4. 40 б.

⁴ Аҳмаджонов О.М. Давлат айбловини қувватлаш хусусиятлари ва бу борада йўл қўйлаётган камчиликлар.

Мухитдинова, назорат инстанциясида қонуний кучга кирган суд қарорлари, ажрими ва ҳукмнинг қонунийлигини, асосланганлигини, адолатли ва қонунийлигини текширади. Бундай текширув ишда иштирок этган шахсларнинг назорат шикоятлари бўйича, ҳамда шикоят қилинаётган актлар сабабли фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари бузилганда ва прокурор протестлари бўйича ҳам текширувлар амалга оширилади. Бунда ишлар назорат инстанция сифатида фақат биринчи ва иккинчи звенолар бўла олади¹ - деб ёзади.

Бизнинг фикримизча, ушбу институтни янада такомиллаштиришнинг иккита зарурияти мавжуд:

- биринчидан, кассация босқичини олиб ташлаш керак, чунки апелляция инстанция ишларни ҳар томонлама кенроқ, самарали шу билан бирга, тезкор амалга ошириш имкони беради. Модомики, суд ҳукми, ажримларидаги камчиликларни апелляция тартибида қайта кўриб ҳал қилиш йўли билан тўла равишда тугатиб бўлмайди. Негаки, суд ҳукми, ажримларининг маълум бир қисмигагина апелляция тартибида шикоят ва протестлар келтирилади ва булар апелляция инстанция судларида кўрилади. Бундан ташқари, апелляция тартибида шикоят ва протест келтириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар (ишда иштирок этувчи шахслар, прокурор) томонидан тегишли тартибда шикоят ёки протест келтирилмаганлиги натижа-сида айрим ғайриқонуний ва асосланмаган суд ҳукми в ажрими қонуний кучга киради. Бундай суд томонидан қабул қилинган қарорларни камчиликларни апелляция тартибида ўзгартириб ёки бекор қилиб бўлмайди.

- иккинчидан, баъзи ҳолларда апелляция инстанция судлари ҳам суд ҳукми ва ажримларини қайта кўришда хатоликларга йўл қўядилар. Апелляция инстанция судлари томонидан суд ҳукми ва ажримларини қайта кўриб ҳал қилишда бу судлар томонидан йўл қўйилган камчиликларни шу суднинг ўзи бартараф қила олмайди. Демак, бу судларнинг камчиликларини тузатиш ваколатига эга бўлган назорат тартибида кўриш босқичини янада такомиллаштириш керак бўлади.

Назорат тартибида иш юритиш ваколатига эга бўлган суд органи келтирилган протест бўйича ишни тўла ҳажмда текшириб, кўрилган иш бўйича чиқарилган ва қонуний кучга кирган барча суд ҳукми, ажрими ва қарорларини қанчалик қонунийлиги, асослиги ва адолатлилиги билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал қилади. Бу масалаларни ҳал қилиш борасида суд қарорларидаги камчиликларни аниқласа, назорат инстанция суди бу камчиликларни бартараф қилиш чораларини кўради ва шу йўл билан одил судловни амалга ошириш борасида қуйи судларнинг фаолияти устидан раҳбарлик қилади ва қонунларни бир хилда татбиқ этишни таъминлайди. Назорат тартибида иш кўриш ваколатига эга барча судларда ишни қайта кўриш коллегиялик тамойилига асосланади. Лекин коллегиялик тамойили бу судларда турлича бўлади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, қонуний кучга кирмаган суд ҳукми, ажримларини апелляция тартибида бекор қилиш, қонуний кучга кирган суд ҳукми, ажрими в қарорларини кассация тартибида бе-

кор қилиш, учун асос бўлиб хизмат этадиган ҳуқуқий ҳолатлар, қонуний кучга кирган суд ажримлари ва қарорларини назорат тартибида ҳам бекор қилиш учун асос бўлади. Назорат тартибида иш кўриш ваколатига эга бўлган барча суд органлари кўрилган иш бўйича қабул қилган ажримлари ёки қарорлари билан ўзларига юклатилган ваколатларни амалга оширадилар. Суднинг назорат тартибида кўрилган ишлари юзасидан қабул қилган ажрим ва қарорлари ҳам процессуал қонунчиликда белгиланган суд қарорларига қўйилган (қонунийлиги, асослиги, адолатлилиги) талабларга тўлиқ жавоб бериши керак. Жиноят-процессуал қонунчилиги нормалари талабларига мувофиқ, бу судларнинг ажрим ҳамда қарорлари бир вақтнинг ўзида қонуний, асосланмаган ҳамда адолатли бўлиши лозим.

Афсуски, суд амалиётида бу борада ҳам камчиликлар йўқ эмас. Суд амалиётида оз бўлса-да, учраб турадиган ғайриқонуний ҳамда асосланмаган суд ҳукми, ажримлар ва қарорлар борасида камчиликларни бартараф қилиш суд ҳокимиятини амалга оширувчи барча босқичдаги, шу жумладан, назорат инстанцияси судлари олдида турган асосий вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади. Бу судларнинг асосий фаолияти ҳам биринчи галда инсонларнинг бузилган ҳуқуқларини ва уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиши керак.

Резюме

В вводной части статьи автор характеризует понятие ведения дела в надзорном порядке.

В основной части рассматриваются вопросы сущности и роли ведения дела в надзорном порядке.

В заключении автор приходит к выводу, что следует совершенствовать вопросы в ведении дел в надзорном порядке в направлении защиты прав человека.

Abstract

In the introductory part of the article the author characterizes concept of conducting business of a supervising order.

In the basic part questions of essence and a role of conducting business in a supervising order are considered.

In the conclusion the author comes to opinion that it is necessary to improve questions in business management in a supervising order in a direction of protection of human rights.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси тергов амалиёти, 25-сон. - Т.: 2003. 151 б.

¹ Мухитдинова Ф.Ф. О судебной системе Республики Узбекистан // ТДЮИ Ахборотномаси. – Тошкент, 2008. № 3. - 90 б.

Н.Хайриев
ТДЮИ Тадқиқотчиси

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ҲАҚИҚАТНИ АНИҚЛАШ МУАММОСИ

Ҳақиқат муаммолари анча чуқур ўрганилганига қарамай, исбот қилиш назариясида суд аниқлайдиган ҳақиқатнинг мазмуни тўғрисидаги масала ҳанузгача баҳсли бўлиб қолаётир. Бу масала атрофидаги илмий мунозаранинг моҳияти шундан иборатки, исбот қилиш жараёнида олинадиган, ҳаққонийлик талаблари қўйиладиган билимларнинг мазмунига турли муаллифлар ҳар хил тавсиф берадилар.

Ушбу масала бўйича жиноят-процессуал адабиётларда уч хил нуқтаи назар шаклланган: 1) ҳақиқатнинг мазмуни фақат ишнинг ҳақиқий ҳолатларини билишни ташкил этиши лозим¹; 2) ҳақиқат билан ишнинг ҳолатларигина эмас, балки қилмишни квалификация қилиш ҳам қамраб олиниши керак²; 3) бундан ташқари, ҳақиқатнинг мазмунига жазо чорасини аниқлаш, шунингдек жавобгарликнинг бошқа барча масалаларини ҳал қилиш ҳам киритилади³.

Ҳақиқат тушунчасига нисбатан турли хил ёндашувлар таҳлили уларнинг барчаси ҳақиқатнинг воқеликка фикрнинг мувофиқлиги сифатидаги талқини, яъни ҳақиқатнинг мумтоз концепцияси билан боғлиқ эканлигини кўрсатади.

1959 йилги ЎзССР ЖПК хусусида шуни қайд этиш мумкинки, гарчанд, унда ҳақиқатга оид баъзи умумий қоидалар ўз аксини топган бўлса-да, ҳақиқатни аниқлаш принцип даражасида мустаҳкамланмаган⁴. Боз устига, ҳақиқат муаммоларини ечишга шўро даврида кўпроқ мафкуравий нуқтаи назардан ёндашилган. Замирида коммунистик мафкура ётган шўро даврининг исбот қилиш назарияси, капиталистик мамлакатларнинг ҳуқуқшуносларидан фарқли ўлароқ, шўро терговчиси ва судьяси ҳар бир иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга шак-шубҳасиз қодир, деган кўр-кўрона фикрдан келиб чиққан⁵. Бунда П.Лупинская таъбири билан айтганда, “ҳар бир жиноят иши бўйича ва ҳар қандай воситалар билан объектив ҳақиқатни аниқлаш узил-кесил талаби қўйилган”⁶.

Ҳақиқатнинг объективлиги унинг зарурий шартли ҳисобланади. Жиноят-процессуал билиш натижаси сифатидаги ҳақиқатнинг объективлиги текширишнинг тахмин қилинаётган натижалари амалда аниқланган сабабий боғланишлар билан тўла мос келишида ифо-

даланади⁷. “Ҳақиқат моҳияти объективдир, у билувчи субъектнинг хоҳиш ва иродасига боғлиқ эмас. Шу сабабли ҳақиқатни одатда объектив ҳақиқат деб номлаш тўғридир”⁸.

Айрим муаллифлар жиноят процессида ҳақиқат масалаларини ўрганар эканлар, объективликдан ҳақиқатнинг аниқлигини келтириб чиқарадилар. Жиноят процессида ҳақиқат умумий қонунларни эмас, балки айрим аниқ фактларни ўз ичига олади. Бинобарин, ҳақиқатнинг аниқлиги объектив воқеликнинг аниқ фактлари унинг асоси эканлигини, унда ўрганилаётган воқеликнинг турли томонлари ўзининг жамулжам ифодасини топишини англатади⁹.

Ҳақиқатда субъектив томоннинг мавжудлигини ҳам инкор этиб бўлмайди. Биз ҳақиқат субъективдир, деганда, у инсон ва инсониятдан четда мавжуд бўлмаслигини назарда тутамиз. Аммо инсон тасаввурларининг асл мазмуни инсонга ҳам, инсониятга ҳам боғлиқ эмас, яъни ҳақиқат шаклан субъектив, лекин мазмунан объективдир. Инсоннинг воқелик ҳақидаги билимлари ҳақиқий ёки сохта бўлиши мумкин, лекин улар ҳамиша субъектив бўлади. Инсон ақли воқеликнинг муайян бир кўринишини англаб етиши мумкин, лекин у ҳар доим объектив бўлади¹⁰. Назаримизда, М.В.Рудов: “Дарҳақиқат, терговчи ёки судья қандай воқеа юз бергани, уни ким содир этгани, шахс айбдор ёки айбдор эмаслигини, қандай зиён етказилгани ва ҳоказоларни билишга қодир бўлмаса, адолат ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас”¹¹, деганда ҳақ эди.

Айрим муаллифлар ҳақиқат инсоннинг субъектив майлларига боғлиқ бўлмайди, лекин уларни тавсифлайди, деб ҳисоблайди. “Ҳақиқат субъектив жиҳатни – айбдорлиги тўғрисидаги масала ечилаётган шахснинг содир этилган қилмиш ва унинг оқибатларига руҳий муносабатини ҳам тавсифлайди. Аммо суриштирув органи, терговчи, уларни назорат қиладиган прокурор, ниҳоят, суд учун бундай руҳий муносабат амалда мавжуд бўлган объектив факт ҳисобланади ва шу боис аниқланиши, исбот қилиниши ва пировард натижада суд ҳукмида қайд этилиши мумкин”¹².

Бизнингча, ҳақиқат нарсалар тавсифи бўлиши мумкин эмас; ҳақиқат тушунчаси фақат фикрларга татбиқ этилади. Қолаверса, объектив ҳақиқат инсон билимларини тавсифлар экан, субъектив шаклда намоён бўлади. Аммо у билимларни мазкур субъектив

¹ Строгович М.С. Курс советского уголовного процесса. Т. 1. – С. 321-326.; Куцова Э.Ф. Гарантии прав личности в советском уголовном процессе. – М., 1972. – С.71.

² Полянский Н.Н. Вопросы теории советского уголовного процесса. – М., 1956. – С. 118.; Соловьев А.Д. Всесторонность, полнота и объективность предварительного следствия. – Киев, 1969. – С. 5.; Зажицкий В. Новые нормы доказательственного права и практика их применения // Российская юстиция. – 2003. – №7. – С.46.

³ Мухин И.И. Объективная истина и некоторые вопросы оценки судебных доказательств при осуществлении правосудия. – М., 2004. – С. 41.

⁴ Ўзбекистон ССРнинг Жиноят-процессуал кодекси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1966. – 333 б.

⁵ Доказывание в уголовном процессе. Традиции и современность. – М.: Юрист, 2000. – С. 143.

⁶ Лупинская П. Доказательства и доказывание в новом уголовном процессе // Российская юстиция. 2002. №7. – С. 5.

⁷ Астафьев Ю.В. Проблемы истины в уголовном судопроизводстве // Жизнь в науке. К 100-летию со дня рождения М.С.Строговича. Вып. 2. – Воронеж: Изд-во Воронеж. ун-та, 1995. – С.70.

⁸ Азизходжаев Б.А. Оценка доказательств в уголовном процессе. – Ташкент: Узбекистан, 1995. – С. 92-93.

⁹ Воронин С.Э. Проблемно-поисковые следственные ситуации и установление истины в уголовном судопроизводстве: Дисс. ...д-ра юрид. наук. – Барнаул, 2001. – С. 24.; Уголовно-процессуальное право (Уголовный процесс): Учебник для вузов / Под ред. Г.П.Химичевой, О.В.Химичевой. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, Закон и Право, 2004. – С. 115.

¹⁰ Аверин А.В. Судебная достоверность как содержание судебной истины // Право и политика. – 2004. – №5. – С. 86.; Афанасьев С.Ф. Проблема истины в гражданском судопроизводстве: Дисс. ...канд. юрид. наук. – Саратов, 1998. – С. 15.

¹¹ Рудов М.В. Уголовно-правовые средства охраны истины в уголовном судопроизводстве: Дисс. ...канд. юрид. наук. – Хабаровск, 2002. – С. 20.

¹² Тенчов Э.С. Объективная истина и суд присяжных // Государство и право. – 1994. – №11. – С. 133.

шакл нуқтаи назаридан эмас, балки уларнинг объектив мазмуни нуқтаи назаридан тавсифлайди. Объектив ҳақиқатни инсон билимларининг объектив дунёга мувофиқ бўлган, яъни уни акс эттирадиган мазмуни сифатида тавсифлаш мумкин. Айти шу сабабли объектив ҳақиқат субъектга, унинг онгига боғлиқ бўлмайди. Бинобарин, ҳақиқий билимнинг хусусиятини бошқа бирон-бир атама акс эттира олмайди, шу боис “объектив” тавсифини инсон билимининг мазмунига татбиқ этиш мутлақо ўринлидир.

Шу туфайли ҳам В.И.Басковнинг объектив ҳақиқат тушунчасининг инсонга боғлиқ бўлмаган билим мазмуни сифатидаги фалсафий талқини жиноят процессидаги ҳақиқат тушунчасига татбиқ этилиши мумкин эмас, чунки мазкур процессда ҳақиқатни билиш субъектлари (терговчи, прокурор, судья)дан қатъи назар англаб этиш мумкин эмас, уни билиш кўрсатилган субъектлар ҳақиқатни идрок этиши билан узвий боғлиқ¹, деган фикрига қўшилиш амри маҳол. Бинобарин, исбот қилиш жараёни чексиз давом этиши мумкин. Тергов органлари суд айбдорлик масаласи хусусида аниқ хулоса чиқариши учун етарли бўлган далилларни тўплай олмаган бўлса, суд иш бўйича қарор чиқаришдан бош тортиши ҳам, ўзини тийиши ҳам мумкин эмас. Айти вақтда суд исбот қилишга оид материаллардаги камчиликларни тўлдириш имкониятига ҳам эга бўлмайди. Бундай ҳолларда ҳақиқатни аниқлаш муаммоли тус олади. Қонун суддан қонуний, асосли ва адолатли ҳукм чиқаришни талаб қилади (ЎзР ЖПК 455-моддаси). А.А.Мухаммадиев таъбири билан айтганда, “судлар томонидан одил судловни амалга ошириш ҳар бир чиқариладиган ҳукм қонуний, асосли ва адолатли бўлишини талаб қилади ҳамда ҳукм фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланганлиги билан бўлиши керак”².

Шу ўринда Т.Н.Карабанованинг “айни ҳолда жиноят процессининг мақсадига эришилмаган деб бўлмайди, айбланувчига нисбатан айблов ҳукмини чиқариш истисно этилса, бундай вазиятда суд оқлов ҳукмини чиқариши ва ўз қарорининг тўғрилигига ишончи комил бўлиши мумкин”³, деган фикрига қўшилиш лозим.

Билиш назариясининг яна бир муҳим муаммоси ҳақиқат нисбий ва мутлақ шаклларининг ўзаро нисбати билан боғлиқ. Нисбий ҳақиқат объектив дунё ҳақидаги тўлиқ бўлмаган билимни; предметни тўлиқ акс эттирмайдиган тор билимларни; муайян доирадагина мутлақ ҳисобланадиган билимларни акс эттиради. Оралиқ билимлар билиш объектларини тўлиқ акс эттирмагани учун ҳам улар нисбатан ҳақиқий билимлар ҳисобланади. Бу борда А.А.Мухаммадиев “Ўз хусусиятига кўра ҳақиқат мутлоқ ҳамда нисбий ҳисобланади. Ҳақиқатнинг нисбийлиги шу билан белгиланадики, жиноят дунёнинг бир заррачаси бўлиб, у воқеиликнинг барча алоқаларида эмас, балки жиноят судлов ишларини юритиш вазифаларини ҳал қилишга

зарур бўлган муайян доираларда ўрганилади”⁴, деб ёзганида ҳақ эди.

Мутлақ ҳақиқат деганда ўз предметида айний бўлган ва шу боис билишнинг кейинги ривожланиш жараёнида рад этилиши мумкин бўлмаган, яъни тўлиқ, мукамал, узил-кесил билим тушунилади.

Мутлақ ва нисбий ҳақиқатга оид қоидаларни жиноят-процессуал муносабатлар соҳасида қўллаш имконияти тўғрисидаги масала хусусида бир неча нуқтаи назар вужудга келган: 1) жиноят иши бўйича фақат мутлақ ҳақиқатни аниқлашга эришилиши лозим⁵; 2) жиноят иши бўйича фақат нисбий ҳақиқат аниқланиши мумкин. “Бунда нисбийлик ҳодисалар ва фактларни билишнинг ноаниқлиги, ишонсизлигида эмас, балки мазкур билишнинг тўлиқ бўлмаган хусусиятида, текширишнинг шартли чегарасида намоён бўлади”⁶; 3) айрим жиноят ишлари бўйича мутлақ ҳақиқат, айрим ишлар бўйича эса – фақат нисбий ҳақиқат аниқланиши мумкин⁷; 4) жиноят иши бўйича аниқланадиган ҳақиқат бир вақтнинг ўзида ҳам мутлақ, ҳам нисбийдир⁸; 5) мутлақ ва нисбий ҳақиқат фалсафий тушунчалари жиноят иши бўйича аниқланадиган ҳақиқатга нисбатан татбиқ этилиши мумкин эмас⁹.

Н.А.Пьянов мутлақ ва нисбий ҳақиқат ҳақида мулоҳаза юритар экан, мутлақ ва нисбий ҳақиқатлар ҳақиқатнинг икки мустақил тури эмас, балки бита ягона объектив ҳақиқатнинг билиш жараёни диалектикасини акс эттирадиган томонларидир, деган хулосага келади. Унинг фикрича, ҳақиқат билишнинг натижасигина эмас, балки билишнинг тахминий, нотўлиқ билимдан

⁴ Мухаммадиев А.А. Далиллар назарияси муаммолари. Дарслик / ю.ф.д., проф. З.Ф.Иноғомжонова умумий таҳрири остида. – Тошкент: ТДҶОИ, 2009. – Б. 17.

⁵ Перлов И.Д. Исполнение приговора в советском уголовном процессе. – М.: Юрид. лит., 1963. – С. 23.; Кустов И.С. Философская природа истины, устанавливаемой в уголовном процессе // Вопросы борьбы с преступностью. – М., 1967. – С. 113-115.; Зайцева С.А. Закон и установление истины по делу в свете современной российской уголовной политики // Уголовно-правовая охрана личности и ее оптимизация. – Саратов, 2003. – С. 177.; Соркин В.С. Особенности процессуально-го доказывания в уголовном судопроизводстве: Монография. – Гродно, 2002. – С. 14.

⁶ Ульянова Л.Т. Оценка доказательств судом первой инстанции. – М.: Юрид. лит., 1959. – С. 60-61.

⁷ Лукичев Н.А. Роль суда по установлению объективной истины по уголовным делам в свете конституционного принципа состязательности процесса // Следователь. – 2002. – №2. – С. 27.

⁸ Дорохов В.Я. Обоснованность приговора в советском уголовном процессе. – М., 1959. – С. 70-72.; Недосекин А.В. Установление истины – цель доказывания по уголовному делу // Вестник Воронежского ин-та МВД России. – 2001. – №8. – С. 81.; Зыков Д.В. Характер истины в уголовном процессе // Вопросы права и социологии. Межрегиональное науч. изд. Вып. 10. – Волгоград, 2003. – С. 43-6.; Оришич Е.Г. Принцип объективной истины в гражданском процессе // Актуальные проблемы применения российского права на современном этапе. – Краснодар, 1998. – С. 122.

⁹ Плаксин Л.С. Проблема истины в уголовном процессе // Криминалистические и уголовно-процессуальные аспекты предварительного следствия. – Челябинск, 2000. – С. 126.; Карякин Е.А. К вопросу об истине в уголовном судопроизводстве // Материалы межд. научно-практ. конф. – Екатеринбург, 2005. – С. 418-419.; Хазиева Л. Истина и справедливость в уголовном процессе // Проблемы противодействия преступности в современных условиях. – Уфа, 2004. – С. 204.

¹ Басков В.И. Истина в уголовном судопроизводстве // Вестник Моск. ун-та. Серия “Право”. – 1995. – №3. – С. 44.

² Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. Муаллифлар жамоаси / Маъсул муҳаррир проф. Ғ.А.Абдумажидов. – Тошкент: ТДҶОИ, 2009. – Б. 696.

³ Карабанова Т.И. Еще раз об истине в уголовном процессе России // Мировой судья. 2005. №3. – С. 21.

тўлиқроқ, аниқроқ, мутлақ билимга ривожланиш жараёни ҳамдир¹.

Бизнингча, билиш жараёнида мутлақ ҳақиқатни аниқлашга ҳаракат қилиш лозим. Бизнинг бу борадаги мулоҳазаларимиз замирида фактлар ҳақидаги мутлақо тўлиқ билимни юридик аҳамиятга молик фактларни мутлақ ҳақиқат деб қайд этишдан фарқлаш лозимлиги ҳақидаги ғоялар ётади. Мутлақо тўлиқ билимларнинг олинишига эришиш мумкин эмас, лекин юридик аҳамиятга молик фактларни мутлақ ҳақиқат деб қайд этиш қонунийликка қатъий риоя қилишнинг муқаррар шарти бўлиши лозим. Агар биз жиноят иши бўйича нисбий ҳақиқат аниқланишидан келиб чиқсак, бу иш бўйича терговнинг тўлиқ эмаслигини англайди. Тўлиқ тергов қилинмаган иш бўйича чиқарилган ҳукм эса синхор тўғри ва асосли деб топилиши мумкин эмас.

Нисбий ҳақиқат ҳар доим тугалланмаган, охирига етказилмаган тадқиқотни англайди. Кейинчалик тадқиқот ўрганилаётган предметларга доир билимлар билан тўлиб боради, мутлақ ҳақиқатнинг янги зарралари кўшилади. Аммо жиноят процессида ҳақиқатни аниқлаш жараёни қонуний кучга кирган суд ҳукми билан чегараланади ва шу билан фактларни текшириш жараёнига нуқта қўйилади. Бинобарин, бу нисбий ҳақиқат эмас. Албатта, баъзан ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг илгари маълум бўлмаган янги ҳолатлар аниқланади ва натижада иш қайта кўрилади. Аммо бу жиноят процесси жараёнида аниқланган ҳақиқатнинг нисбийлигини эмас, балки ҳукмнинг нотўғрилигини англайди.

Айрим олимлар жиноят процесси доирасида ҳақиқатнинг мезонлари тўғрисидаги масалани ечишга ҳаракат қиладилар. Бу масала бўйича назариячилар ўртасида ягона нуқтаи назар мавжуд эмас. Айримлар мезон сифатида тажрибадан, бошқалар – ички ишончдан фойдаланишни таклиф қилганлар. Ҳозирги даврда тергов қилинаётган воқеалар ва ҳолатлар ҳақида олинган билимнинг ҳаққонийлигини текширишда терговчи, суд учун бирон-бир қатъий ва мутлақ мезонни белгилаш имконияти йўқ, деган ғояни илгари сурувчи учинчи нуқтаи назар вужудга келди². Шу боис, В.С.Овсянников қайд этганидек, терговчи ва суддан тергов қилинаётган воқеалар ҳақида олинган билимни субъектив тавсифлашнинг (билим исбот қилинган ёки исбот қилинмаган) талаб қилиш мумкин, лекин билимни унинг мазмунининг объектив томонидан тавсифлашни (у ҳақиқий ёки сохта) талаб қилиш мумкин эмас. Биринчи талаб – ўринли, иккинчи талаб эса – ноўрин³. Биз ҳам бу ўринда биринчи талабнинг асосли эканлигини тан олган ҳолда, жиноят процессида исбот қилиш субъектлари фақатгина уларга маълум фактлар асосида субъектив ҳақиқатни аниқлай олишга қодир бўлишларини эътироф этамиз.

Айрим тадқиқотчилар бир нечта қонуний қўлловчилар (терговчи, суриштирувчи, прокурор, ишни биринчи инстанция судида кўраётган судья, юқори турувчи суд судьясининг процессуал фаолият жараёнида шаклланган муштарак ички ишончи жиноят

процессида ҳақиқатнинг мезони сифатида қаралиши мумкин⁴, деган нуқтаи назарни ҳимоя қиладилар. Бу концепция бош принцип – билаётган инсонга ишонч принципига асосланади. Бунда билимнинг ҳақиқийлигини белгиловчи зарурий шарт сифатида субъектнинг ўзи амал қилади, зеро у ҳақиқатни тасдиқлашда фойдаланиладиган ижтимоий ва маданий-тарихий тажрибанинг, моддий амалий фаолиятнинг жамулжам ифодасидир⁵.

Аммо “ички ишонч – далилларга баҳо бериш мезони” таърифи қандай талқин қилинмасин, у далилларга баҳо беришнинг тўғрилигини субъект ўз руҳий ҳолати – ишончи орқали текширади, деган фикрни ифодалайди. Натижада объектив мезон ўрнини субъектив мезон эгаллайди, ички ишонч нотўғри бўлиши ҳам мумкинлиги эътибордан соқит этилади⁶. Шу сабабли айни бир далиллар билан асосланган айни бир билим баъзи бир баҳолаш субъектларида унинг ҳақиқийлигига ички ишонч пайдо бўлишига, айрим субъектларда эса – шубҳа туғилиши ёки ҳатто унинг сохталлигига ички ишонч пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Бинобарин, мазкур мезон ишончли эмаслигини унутмаслик лозим.

Ҳақиқат мезони сифатида ҳуқуқшунослар томонидан жиноят процессларида иштирок этиш жараёнида тўплаган тажрибадан фойдаланиш ҳам таклиф қилинган. Бу ерда ҳақиқатнинг далил-исботи ҳамда билимнинг ҳақиқийлигини текшириш фарқланади. Ҳақиқат ҳақида фақат тажриба, амалиёт асосида мулоҳаза юриштиш мумкин деб ҳисобланади. Жиноят процессида билиш амалий фаолият жараёнида амалга оширилади. Амалиёт натижада жиноят процессида билиш манбаи, илгари сурилган тусмолларни текшириш воситаси бўлиб хизмат қилади, билиш жараёнига тузатишлар киритади, ҳақиқат сари йўл очади.

Айрим муаллифлар амалиётга ҳақиқатнинг мезони сифатида ёндашар эканлар, унинг қуйидаги кўринишларини фарқлайдилар: дастлабки тергов органлари, прокуратура, суднинг ўзаро ҳамкорликдаги амалиёти; тезкор ходим, терговчи, прокурор, судьянинг шахсий касбий тажрибаси; иш материалларини синчковлик билан текшириш ва таҳлил қилиш, тўпланган барча далилларни текшириш ва уларга баҳо бериш; терговни режалаштиришда воқеанинг мумкин бўлган барча изоҳларини ҳисобга олиш, тусмолларнинг ҳаққонийлигига баҳо бериш ва уларни моҳияти бўйича текшириш. Тусмолларни текшириш амалда бажарилади ва текшириш натижаларига ҳам амалда баҳо берилади; тергов қилинаётган воқеанинг айрим унсурлари ҳақидаги билимларимизнинг тўғрилигини белгиланган процессуал шаклда ва илмий тажрибалар ўтказиш йўли билан эксперимент ёрдамида текшириш; исбот қилиш жараёнида далилларни тўплаш ва текшириш мақсадида табиий фанлар ва техника фанлари ютуқларидан фойдаланиш⁷.

¹ Пьянов Н.А. Значение категории абсолютной и относительной истины для характеристики истины в правоприменительной деятельности // Актуальные проблемы теории юридических доказательств. – Иркутск, 1984. – С. 37.

² Белоносов В.О. Критерии истинности результатов толкования уголовно-процессуальных норм // Журнал российского права. 2003. №5. – С.59.

³ Овсянников В.С. Вооружены ли следователь и суд критерием истины // Закон и право. – 2000. – №7. – С.34.

⁴ Григорьев В.Н. Уголовный процесс: Учебник. – М.: Изд-во Эксмо, 2005. – С. 163.

⁵ Микешина Л.А. Философия познания: Полемические главы. – М.: Прогресс-Традиция, 2002. – С. 168-169.

⁶ Ратинов А.Р. Судебная психология для следователей. – М.: ООО Изд-во “Юрлитинформ”, 2001. – С. 174.

⁷ Белкин Р.С. Собрание, исследование и оценка доказательств: Сущность и методы. – М.: Наука, 1966. – С.90-91.

Айримлар жиноят процессида амалиёт мезони асосан билвосита, умумий тарихий амалиёт сифатида амал қилади, деган фикрни асослашга ҳаракат қилади¹.

Амалиёт мезони айна дамда ҳам мутлақ, ҳам нисбийдир, деган фикр ҳам амалиётни ҳақиқат мезонларидан бири сифатида тушунишга хизмат қилади², деган фикр ҳам ўринли. Зеро, амалиёт мезони мутлақдир, чунки, биринчидан, инсон фикрининг ҳақиқийлиги ёки сохталигини аниқлаш учун бошқа ҳеч қандай мезон йўқ; иккинчидан, у мутлақ ҳақиқатни кўрсатиб беришга қодир. Аммо, тажриба ранг-баранг бўлгани туфайли, ҳар қандай оддий ҳақиқат ҳар доим нотўлиқдир. Айна шу сабабли амалиёт мезони билимларимизнинг ҳақиқийлигини умуман олганда воқеликни нисбатан аниқ, тахминан тўғри акс эттирадиган нисбий ҳақиқатлар сифатида тасдиқлайди. Маълумки, амалиёт, ҳақиқат мезони сифатида, инсоннинг бирон-бир тасаввурини тўла тасдиқлаши ёки инкор этиши мумкин эмас.

Жиноят процессида амалиёт мезонининг тан олинishi ички ишончининг инкор этилиши ёки унинг аҳамияти камситилишини англамайди. Аксинча, жиноят процессида амалиёт мезонидан тўғри фойдаланиш йўли билангина ички ишончни мустаҳкамлаш, бу соҳада объективлик ва субъективлик ўртасидаги тафовутни бартараф этиш мумкин, деб ўйлаймиз.

Резюме

В ввводной части статьи автор характеризует проблематику в определении правды в уголовном процессе.

В основной части рассматриваются вопросы определения правды в уголовном процессе и возникающие при этом проблемы.

В заключении автор вносит свои предложения по решению рассмотренных вопросов.

Abstract

In the introductory part of the article the author characterizes a problems in truth definition in criminal trial.

In the basic part questions of definition of truth in criminal trial and problems arising thus are considered.

In the conclusion the author makes the offers under the decision of the considered questions.

¹ Эйсман А.А. Соотношение истины и достоверности в уголовном процессе // Государство и право. – 1966. – №6. – С.93.

² Васильев Л.М. Практика как критерий истины в уголовном судопроизводстве: Учебное пособие. – Краснодар, 1993. – С. 39-41.

У.М. Мирзаев
ТДЮИ тадқиқотчиси

ЎЗЛАШТИРИШ ЁКИ РАСТРАТА ЙЎЛИ БИЛАН ТАЛОН-ТОРОЖ ҚИЛИШНИ ТАҚРОРАН СОДИР ҚИЛГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАСИ

Шахсининг икки ёки ундан ортиқ жиноятни содир этиши жиноят ҳуқуқи назариясида жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланади. Чунки бир неча жиноят содир қилганда, жиноят содир қилган шахсининг ва жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги ортади, яъни бир неча жиноятларни қамраб оладиган қилмишлар ва уларни содир этадиган шахсларнинг ижтимоий хавфлилиги юқоридир. Икки ёки ундан ортиқ жиноят содир қилган субъектнинг шахсида жиноятчиға хос бўлган хусусиятлар янада кўпроқ мустаҳкамланиб боради. Уларни ижтимоий хавфли хусусиятлари турғунлашиб, бундай салбий сифатларни хавфлилик даражаси ҳам борган сари ортиб боради.

Айбдорға ишониб топширилган ёки унинг ихтиёридаги ўзганинги мулкни ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш жиноятининг жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларидан тақроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилиши белгиланган (ЖК 167-модданинги 2-қисми "б" банди).

Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш жинояти юзасидан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасидан олинган 1997-2007 йиллар бўйича статистика маълумотлари таҳлил қилинганда, кўриб чиқилаётган жиноятни тақроран содир қилган шахслар сони 2007 йилда 1997 йилга нисбатан 7 баробар ошганлиги аниқланди. 1997 йилда 53 нафар шахс ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш жиноятини тақроран содир қилган бўлса, 2007 йилда 368 нафар ана шундай шахс рўйхатга олинган. Мазкур жиноятни тақроран содир қилганлар 1997-2005 йилларда ушбу жиноятни содир қилган барча шахсларнинг ўртача 1,5 - 2 %ини ташкил қилганлиги маълум бўлди. 2006-2007 йилларда ўзлаштириш, растрата қилиш жиноятини тақроран содир қилган шахслар сони ортиб борган ва бу кўрсаткич 4,6 - 4,7 %ни ташкил этган³.

Тақроран содир этиладиган жиноятлар жамият учун хавфли ҳаракатлардан бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 32-моддасида унинг тушунчаси баён қилинган. Унга мувофиқ "Ушбу Кодекс Махсус қисмининг айнан бир моддасида, қисмида, Кодексда алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, турли моддаларида назарда тутилган икки ёки бир неча жиноятни шахс турли вақтларда содир этган, аммо уларнинг бирортаси учун ҳам судланган бўлмаса, тақроран жиноят содир этиш деб топилади".

Тақроран жиноят содир этиш деганда, бир хилдаги икки ёки ундан ортиқ жиноятларни содир этиш назарда тутилган. "Тақроран" сўзи бир ҳаракатни икки ёки кўп марта қайтадан содир этишни англатади. Қасддан жиноят содир этган шахсининг тақроран ёки қасддан янги жиноят содир этиши Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 56-моддаси 1-қисми "н" бандига кўра жазони оғирлаштирувчи ҳолат бўлиб ҳисобланади.

³ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасидан олинган расмий рўйхатга олинган жиноятлар юзасидан статистика маълумотлари асосида

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 10-бандига мувофиқ қасддан такроран ёки илгари содир этилган жиноят учун судлангандан сўнг қасддан янги жиноят содир этилиши, агар биринчи жиноят учун жиноий жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетган, судланганлик белгиланган тартибда тугалланган ёки олиб ташланган ёхуд шахс муқаддам содир этган жиноий ҳатти-харакат учун қонунда жавобгарлик бекор қилинган бўлса, шунингдек ЖК 65, 66, 66¹, 68, 69, 70, 71, 76-моддаларига биноан шахс илгари содир этган жинояти учун жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод этилган бўлса, жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида эътироф этилиши мумкин эмас. Демак, шахс аввалги жинояти учун ЖК 64, 65, 66, 66¹, 68-моддаларига биноан шахс илгари содир этган жинояти учун жиноий жавобгарликдан озод этилган бўлса, такроран жиноят содир этиш ёки жиноятлар мажмуи мавжуд бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 15 майдаги “Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида”ги 13-сонли қарори 2-банди 3-хатбошисига кўра: “Жиноятлар такроранлиги деганда, қонунга кўра шахс томонидан қасддан содир этилган икки ва ундан ортиқ жиноят тушунилиб, бунда содир этилган жиноят:

Жиноят кодекси Махсус қисми айнан бир моддасида назарда тутилган бўлиши, башарти унда бир хил жиноят таркиблари учун жавобгарлик белгиланган бўлса;

Жиноят кодекси Махсус қисми муайян моддаси айнан бир қисмида назарда тутилган бўлиши, башарти ушбу моддада турли жиноят таркиблари учун жавобгарлик белгиланган бўлса (масалан, ЖК 228, 248, 273-моддалари) шарт.

Жиноят қонунида алоҳида назарда тутилган айрим ҳолларда, шахс томонидан қасддан Жиноят кодекси Махсус қисми турли моддаларида назарда тутилган икки ва ундан ортиқ жиноят содир этилиши ҳам такроран жиноят деб топилади (масалан, ЖК 118, 119, 189, 211, 212 моддалари иккинчи қисмлари, 213-моддаси учинчи қисми, 276-моддаси иккинчи қисми)”.

Шунингдек, Жиноят кодекси Махсус қисмининг битта моддасида ёки битта моддасининг битта қисмида назарда тутилган икки ёки ундан ортиқ жиноятларни турли вақтларда содир қилиб, айбдор шу жиноятларнинг бирини охирига етказган, бошқаси тайёргарлик кўриш ёки суиқасд қилиш босқичида тўхтатилган тақдирда, шунингдек, у жиноятлардан бирини айбдорнинг бир ўзи бошқа ҳолда иштирокчиликда содир этган тақдирда ҳам такроран жиноят содир этиш деб топилади.

Аммо юридик адабиётларда бу масалада турли фикрлар билдирилган. Жумладан М.Муқумова ва М.И.Ткаченколар шахс бир хил жиноятларни турли вақтларда содир қилиб, улардан бири учун жиноятга тайёргарлик кўриш ёки суиқасд қилганлик учун ёхуд иштирокчиликда содир этишда айбланиб, жавобгарликка тортилган тақдирда жиноятлар мажмуи деб ҳисоблаш керак, - деб ҳисоблайдилар¹. Биз

Б.Матлюбовнинг ушбу ҳолда жиноятлар такроран жиноят содир этиш деб топилиб, такроранлик квалификация қилиш белгисига кўра, битта модда орқали жазо тайинланиши лозим², деган фикрини тўғри деб ҳисоблаймиз. Чунки М.Муқумова ва М.И.Ткаченколарнинг фикрлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 32 - моддасининг 1-қисмига зид ҳисобланади.

Қонунда кўрсатилган алоҳида ҳолларда шахс Жиноят кодекси Махсус қисмининг турли моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этиб, уларнинг бирортаси учун ҳам судланмаган ҳолларда такроран жиноят содир этиш масаласида Жиноят кодексида ноаниқлик мавжуд. Масалан, қасддан одам ўлдирган шахс томонидан қасддан баданган оғир шикаст етказиш (ЖК 104-модда 3-қисм “б” банди), қасддан баданга оғир шикаст етказиш ёки қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этган шахс томонидан қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш (ЖК 105-модда 2-қисм “к” банди), ЖКнинг 119-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс томонидан номусга тегиш (ЖК 118-модда 2-қисм “б” банди), ЖКнинг 118-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс томонидан жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш (ЖК 119-модда 2-қисм “б” банди), ЖКнинг 118 ёки 119-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш (ЖК 128-модда 2-қисм “б” банди), одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш, одам ўғрилаш жиноятини содир этган шахс томонидан фохишахона сақлаш ёки қўшмачилик қилиш (ЖК 131-модда 2-қисм “б” банди), 242-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс томонидан босқинчилик қилиш (ЖК 164-модда 3-қисм “а” банди), ЖКнинг 188 ёки 190-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан савдо ёки хизмат кўрсатиш қондаларини бузиш (ЖК 189-модда 2-қисм “а” банди), порахўрлик жиноятларини содир этган шахс томонидан яна шундай жиноятларни содир этиш (ЖК 210-213 моддалари), гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс томонидан яна шундай жиноятни содир этиш (ЖК 270, 271, 273, 274, 276-моддалар) жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида моддада тўғридан-тўғри кўрсатилган. Бироқ қонундаги бундай кўрсатма бу ҳолатда такроран жиноят содир этишни англамайди. Буни қуйидаги мисол билан асослантириш мумкин.

ЖКнинг 105-моддаси 2-қисмининг “к” бандида “... илгари ушбу Кодекснинг 104-моддасида назарда тутилган қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятини содир этган ёхуд ушбу Кодекснинг 97-моддасида назарда тутилган қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этган шахс томонидан қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш” дейилган. Демак, илгари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 104-моддасида ёки 97-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этиб, бу жиноят учун шахс ҳали

Уголовное право Российской Федерации. М.: Юрист. 1999. С.278.

² Матлюбов Б. Жиноят ҳуқуқида реал мажмуа тушунчаси ва унинг белгилари // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. 2002. № 3–4. 55–57-бетлар.

¹ Муқумова М.З. Бир неча жиноят содир этганлик учун жазо тайинлаш хусусиятлари.: Юрид.фан.номз. ... дис. Т., 2005. Б. 42.; Ткаченко М.И. Множественность преступлений.

судланмасдан 105-модданинг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилган бўлса, ЖК 32-модданинг талабига асосланиб, айбдорнинг бу қилмишини такроран қилинган деб ҳисобланадиган бўлса, ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми “и” банди билан квалификация қилиниб, жазо тайинланиши керак. Чунки қонунда белгиланишига кўра, жиноят такроран содир этилган деб топилган тақдирда фақат битта норма билан яъни, “такроран қилинган” деган банданинг ўзи билан жавобгар қилинади. Ҳозирги мисолимизда-чи? Ваҳоланки, олдин содир қилинган жиноят ўта оғир ҳисобланади. Шунга кўра, бундай ҳолда такроран жиноят содир қилиш қонунда татбиқ этиб бўлмайди. Бу ҳолатда, уларга нисбатан жиноятларнинг мажмуи қоидалари татбиқ қилинади. Яъни, 97-модданинг тегишли қисми ёки 104-модданинг тегишли қисми ҳамда 105-модда билан жиноятлар жамаи тарикасида квалификация қилиниб жазо тайинланади.

1959 йилги Жиноят кодексининг 114-моддаси эслатмасида талон-торож такроран содир этилиши тўғрисида қонунда алоҳида кўрсатилган ҳолатлар берилган эди. Амалдаги жиноят қонунда эса қайси жиноятларнинг алоҳида кўрсатилган ҳолатларда такроран жиноят содир этиш, деб топиш тўғрисида бевосита кўрсатма мавжуд эмас. Жиноят кодексининг 104, 105, 118, 119, 128, 131, 164, 189, 210-213 ва бошқа шу каби моддаларида кўрсатилган, кўриб чиқилаётган жавобгарликни оғирлаштирувчи белги такроран жиноят содир этишни англатмайди, аксинча ушбу кўрсатма жиноят содир этган шахснинг ижтимоий хавфлилиги юқориликдан келиб чиққан ҳолда жавобгарликни мувофиқлаштириш кераклигидан далолат беради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Жиноят кодекси 32-моддасининг 1-қисмидан қонунда кўрсатилган алоҳида ҳолларда шахс Жиноят кодекси Махсус қисмининг турли моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этиши ҳам такроран жиноят содир этиш ҳисобланиши ҳақидаги қондан чиқариб ташлаш ва уни қуйидаги таҳрирда беришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз: **“Ушбу Кодекс Махсус қисмининг айнан бир моддасида, қисмида назарда тутилган икки ёки бир неча жиноятни шахс турли вақтларда содир этган, аммо уларнинг бирортаси учун ҳам судланган бўлмаса, такроран жиноят содир этиш деб топилади”**.

Резюме

В вводной части статьи автор характеризует преступление хищения путем присвоения или растраты.

В основной части статьи рассматриваются вопросы ответственности за повторное совершение хищения путем присвоения или растраты.

В заключении автор вносит свои предложения по совершенствованию национального законодательства в сфере борьбы с уголовно наказуемыми преступлениями.

Abstract

In the introductory part of the article the author characterizes a crime of plunder by assignment or waste.

In the basic part of the article questions of responsibility for repeated fulfillment of plunder by assignment or waste are considered.

In the conclusion the author makes the offers on perfection of the national legislation in sphere of struggle against penal crimes.

Ж.Х. Абдурахмонхўжаев
ТДЮИ ўқитувчиси

ЎЗБЕКИСТОНДА СУДЪЯЛАР КОРПУСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ТУШУНЧАСИ ВА АҲАМИЯТИ

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламдаги суд-ҳуқуқ ислохотлари жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш жараёнларини жадаллаштириш имкониятларини келтириб чиқармоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддасига кўра, “Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими - ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади”¹ деб белгиланган. Конституцияда ушбу ҳуқуқий норма мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлатни барпо этишнинг таянчи бўлмиш қонунчилик, ижро ва суд ҳокимиятининг мустақиллигини кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 23 июн куни “Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Унда “Суд фаолиятини амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг суд тизими вазифаларини белгилаб берувчи қоидалари рўёбга чиқарилиши самарадорлиги масалалари бўйича қонунчилик базасини таҳлил қилиш ва умумлаштириш, шунингдек, Қонун устуворлигини таъминлашга йўналтирилган ҳуқуқни кўллаш, суд амалиётини ўрганиш ҳамда умумлаштириш; одил судлов тизимини янада такомиллаштириш, суд ҳокимиятининг обрўсини ошириш ва мустақиллигини мустаҳкамлаш, суд фаолиятига аралашуш ҳолларига барҳам бериш, ғайриқонуний суд қарорлари чиқарилишига йўл қўймаслик бўйича таклифлар тайёрлаш; суд фаолияти соҳасида халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормаларини чуқур ўрганиш ҳамда миллий қонунчиликка татбиқ этиш, одил судловни амалга ошириш соҳасида халқаро ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни чуқурлаштириш дастурларини шакллантириш ва рўёбга чиқариш, суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд мустақиллигини таъминлаш принципларига бағишланган”² бир қатор ҳал этилиши лозим бўлган энг муҳим вазифалар белгиланган.

Бизга маълумки, ҳар бир ҳуқуқий давлатни мустақил суд ҳокимиятисиз тассавур этиб бўлмаганидек, суд ҳокимиятини эса мустақил ҳуқуқий мақомга эга бўлган судьяларсиз ҳам англаб бўлмайди. Чунки, демократик ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим белгиларидан бири одил судловни фақат суд амалга оширар экан, бу борада суд ҳокимияти соҳиби бўлган судьялар корпусини ташкил этувчи судьялар ҳуқуқий мақоми аҳамияти ва моҳияти масалаларини чуқур илмий тадқиқ этиб ўрганиш муҳим аҳамият касб этиши билан белгиланади.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон. 2008.

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008, 26-27-сон, 248-модда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов таъкидлаганларидек, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилган ижобий ишларни қайд этиш билан бирга, бу соҳада ҳали ечимини кутиб турган жиддий муаммолар борлигини инкор этиб бўлмаслигини алоҳида таъкидлайди. “Бу муаммолар биринчи галда судларнинг ҳақиқий мустақиллигига ва эркинлигини таъминлаш билан боғлиқдир. Суд-ҳуқуқ ислохотларининг асосий ўзагини суд мустақиллиги ташкил этади. Суднинг асосий мақсади ҳолисона муносабат асосида низони қонун, адолат асосида ҳал этиш бўлиб ҳисобланади. Ҳуқуқий мустақиллик судларнинг фаоллиги ва сиёсий тузим доирасида ишонч учун муҳим омилдир. Мазкур мустақиллик бринчидан, суд қарорларига нисбатан эҳтиром ва мутаносиблик сифатида белгиловчи қарор қабул қилиш мустақиллиги, иккинчидан, судьянинг танлови, хизмат поғаналаридан кўтарилиши, иш ҳақи ва кундалик ҳаёти, монсабдор шахслар аралашувидан холи эркинлигини билдирувчи мустақиллигини ҳам ўз ичига олади”¹.

Сўнги йилларда хорижий ва миллий илмий юридик адабиётлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, “судьялар корпуси”, “судьялар ҳуқуқий мақоми”, “судьялар мустақиллигини таъминлаш” тушунчаси, аҳамияти ва моҳияти масалаларини ҳуқуқий давлат қуриш жараёнларини янада такомиллаштириш, унинг ўзига хос ҳусусиятларини назарий ва амалий нуқтаи назардан тадқиқ этиш муаммолари бугунги кунда кўпгина ҳуқуқшунос олимлар эътиборини ўзига тортаётганлигини яққол кўрсатмоқда. Қолаверса, бундай илмий қизиқиш мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишдаги суд ҳокимияти соҳиби бўлган судьялар ҳуқуқий мақоми ва улар мустақиллигини таъминлашга бўлган талаб кун сайин ортиб бораётганлиги уларга бўлган ишончни янада мустаҳкамлаш масалаларини келтириб чиқармоқда.

Юридик энциклопедик луғатларда **судьялар корпуси** – судья лавозимини эгаллаб турган давлат хизматчиларининг жамулжами. Бундай лавозимлар штати катта ҳажмда бўлиб, мамлакат ҳудудида фаолият юргизаётган барча вилоятларнинг ва Қорақалпоғистон ҳудудини қамраб олади. Судьялар корпусига Конституциявий Суд раиси ва аъзолари, Олий ва Олий ҳўжалик судларнинг раислари ва аъзолари, Қорақалпоғистон, вилоят, Тошкент шаҳар, шаҳар ва туман судларининг судьялари киради² деб тушунча берилган.

Бир гуруҳ ҳуқуқшунос олимларнинг фикрича, “Судьялик лавозимини эгаллаган давлат хизматчиларининг мажмуини судьялар корпуси дейиш қабул қилинган. Бундай мансабдор шахслар доираси кенг ва хилма-хилдир. У Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди Раиси ва аъзолари, бошқа олий суд инстанциялари раислари, раис ўринбосарлари ва судьяларидан тортиб, то умумий юрисдикция судьяларининг вилоят ва туман бўғинлари, шунингдек

ҳўжалик судлари судьяларигача бўлган барча судьяларни ўз ичига олади”³ деб таъкидлайдилар.

Судьялар корпусига берилган тушунча ва мазмунни бошқа ҳуқуқшунос олимлар томонидан эътироф этилаётганлиги бу институт тадқиқ этишнинг долзарблигини кўрсатмоқда. Хусусан, “судьялар корпуси деганда, судья лавозимини эгалловчи давлат хизматчилари мажмуи тушунилади. Бу хил лавозимдаги шахслар доираси нисбатан кенг ва турли тумандир. У Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси ва аъзолари, бошқа Олий суд инстанциялари раиси ва уларнинг ўринбосарларидан тортиб то вилоят, туман бўғинларидаги умумий юрисдикция ва ҳўжалик судлари судьяларини қамраб олади”⁴.

Судьялар корпусини ташкил этувчи судьялар ҳуқуқий мақоми ҳақида фикр юритар эканмиз, аввало **судья, мақом** тушунчаларига оидлик киритиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Судья - суд ҳокимиятини амалга оширувчи мансабдор шахс. Судьяга қонун билан одил судловни амалга ошириш ваколатлари берилган бўлиб, у ўз вазибаларини профессионал асосда амалга оширади⁵ деб тушунча берилган.

Мусулмонлар жамоасида ҳам судья сўзи қози сўзи билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, “**Қози** (араб.) – ҳал қилувчи, ҳукм чиқарувчи. Мусулмон жамоасидаги судья VII асрда вужудга келган кейин давлат миқёсида қози ал - қузот (қозилар – қозиси), маҳаллий қозилик даражалари тизими ишлаб чиқилган. Қозилар дин, оила, мерос, фуқаролик ва жиноят ишлари масалаларига оид ҳукмлар чиқарганлар; Қуръон кўрсатмалари, сунна ва шариат нормалари мусулмонлар томонидан қандай бажарилаётганлигини кузатиб борганлар. Қозиларнинг ҳукмлари қатъий бўлиб, улар дунёвий ҳокимият томонидан ижро этилган. XIX асрдан бошлаб айрим мусулмон мамлакатларида дунёвий қонунлар ҳам жорий қилиниб, қозилар суди, (шариат суди) иккинчи даражали роль ўйнай бошлаган. Баъзи мусулмон мамлакатларида шариат судларининг тугатилиши муносабати билан XX асрнинг 30-50- йилларида қозилик тартиби йўқолган эди. Бироқ 70-йилларда айрим мусулмон мамлакатларида шариатнинг роли қайта тикланиши муносабати билан унга эътибор ортиб бормоқда⁶.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш лозимки, мусулмон жамоасида ҳам қозиларнинг яъни судьяларнинг мавқеи жуда юқори бўлиб ҳатто қозиларнинг ҳукмлари қатъий ва ўзгармас кучга эга бўлганлиги билан белгиланади.

Мақом тушунчаси (ҳуқуқда) – “сайлаб қўйиладиган шахслар, фуқаролар, давлат идоралари, ташкилот, муассаса, халқаро ташкилотларнинг норматив акти билан расмийлаштирилган ҳуқуқий ҳолати, улар ҳуқуқ ва мажбуриятларининг йиғиндиси”⁷ деб тушунилиши қабул қилинган.

³ Ўзбекистонда суд ҳокимияти: Ислохотлар даври. // Муаллифлар А.А. Полвонзода. Г.А. Абдумажидов ва б. – Тошкент, Адолат. 2002, - 72 б.

⁴ Рустамбоев М.Х., Никифорова Е.Н. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари. Даслик. – Т.: -“ZAR QALAM”, 2005, - 254 б.

⁵ Конституциявий ҳуқуқ. Энциклопедик луғат. – Тошкент: - “Ўзбекистон нашриёти”, 2006, – 389 б.

⁶ Тажихонов.У. Юридик энциклопедия. – Т.: Шарқ. 2001. 609 б.

⁷ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. // 5-жилд., Давлат илмий нашриёти, Т.: - 2003. 544 б.

¹ Рўзназаров.Ш.Н. Юридик фанларнинг ривожланиши ва замонавий муаммолари - Т.: Akadem-Xizmat, 2007,- 29 б.

² Конституциявий ҳуқуқ. Энциклопедик луғат. – Тошкент.: - Ўзбекистон нашриёти, 2006, – 390 б.

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрда янги тахрирда қабул қилинган “Судлар тўғрисида”¹ги Қонуннинг 60-моддасига кўра, “Судьялар қонунга мувофиқ одил судловни амалга оширишга ваколат берилган шахслардир. Ўзбекистон Республикасида барча судьялар бир хил мақомга эга. Судларнинг раислари, раис ўринбосарлари айни вақтда судьялардир” деб тушунча берилган. Бизга маълумки, Қонуннинг ушбу нормасидаги талаб фақат умумий юрисдикция судлари, ҳўжалик судлари судьяларига тааллуқли эканлиги билан аҳамиятлидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди судьяларининг ҳуқуқий мақоми 1995 йил 30 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Конституциявий суди тўғрисида”ги Қонуни билан алоҳида тартибда белгиланган ва улар ўзи хос хусусиятларга эга эканлиги билан фарқланади.

Жамиятнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётида судьяларнинг обрўси, нуфузи ва мавқеини кўтариш энг муҳим ва долзарб масалалардандир. Чунки, судья давлат номидан ҳамда суд ҳокимияти берган ваколатларидан фойдаланган ҳолда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига таъсир этадиган мажбурий тусдаги ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқига эга эканлиги билан белгиланади.

“Дарҳақиқат, яхши қонунлар бўлса-ю, суд тизимида ишловчилар унинг талабларига мас қарор қабул қилмаса суд тизимининг обрўсига путур етказилади. Бу давлат ва жамият обрўсига ҳам раҳна солади”².

Ҳуқуқшунос олим А.П. Рыжаковнинг фикрича, “Судьялар корпуси одил судловни амалга ошириш ваколатига эга бўлган барча судьяларни қамраб олади”³.

Юридик фанлар доктори, профессор, Рўзиназаров Шўхрат Нуралиевичнинг фикрича, “судьялар ҳуқуқий мақоми умумий таснифи, судья ҳуқуқий мақоми тушунчаси, судьяликка номзодларга қўйиладиган талаблар, судьяларни сайлаш ва тайинлаш тартиби, судьялар ҳуқуқий мақомига оид хорижий давлатлар тажрибаси тафсилоти, шунингдек улар ҳуқуқий мақомига оид қонун ҳужжатлари ва уни такомиллаштириш муаммоларини ўрганиш муҳим ўрин тутди. Шунингдек, судьялар мустақиллиги кафолатларини, яъни, улар мустақиллигини таъминлаш моҳияти ва мазмуни, судьяга нисбатан ҳурматсизлик қилганлик учун жавобгарлик, суд ишларини ҳал қилишга аралашшга йўл қўймаслик тамойили, судьялар дахлсизлиги тамойили, судьянинг ваколатини тўхтатиш ва муддатидан илгари тугатиш асослари, судьянинг интизомий жавобгарлиги, одил судлов маданияти масалаларини ўрганиш талаб этилади. Судьяларнинг моддий ва ижтимоий таъминоти, судья ва улар оила аъзоларини ижтимоий ҳиоялаш қабилар ҳам шулар жумласидандир”⁴.

Суд-ҳуқуқ ислохотларининг ўтмиши, бугуни ва келажакини яхши англай билган Президент И.А. Каримов шундай таъкидлайди, “Бизнинг олий қонун

чиқарувчи органимиз – Олий Мажлис ушбу масала билан ҳам шуғулланиши, суд органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосини қадам-бақадам такомиллаштириб бориши зарур. Бу ҳуқуқий асос суд ва судьяларнинг ҳокимиятнинг бошқа барча тармоқлардан ҳақиқий мустақиллигини, суд қарорларини қабул қилишда фақат қонунга бўйсунушини таъминлаш лозим. Бу ҳуқуқий асос демократизимни, холисликни, суднинг ҳаммабоб бўлишини, суднинг ҳимоя доираси кенгайишини таъминлаши лозим. Ва ниҳоят, бу ҳуқуқий асос суд тизимига нопок, порахўр ва тасодифий кириб қолишига йўл қўймаслиги лозим”⁵.

В заключении автор вносит свои предложения по совершенствованию организационно-правовых основ органов самоуправления граждан.

Abstract

In the introductory part of the article the author characterizes concept and essence of self-government institutions of citizens.

In the basic part questions of perfection of organizational-legal bases of self-government institutions of citizens are considered.

In the conclusion the author makes the offers on perfection of organizational-legal bases of self-government institutions of citizens.

Х.Мухамедходжаева
ТДЮИ аспиранти

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИНГ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИДАГИ АҲАМИЯТИ

Фуқаролик жамиятини шакллантириш – албатта, бу узоқ давом этадиган, узлуксиз ва мураккаб жараён бўлиб, бу мақсадга эришиш мамлакат ва жамиятни ислоҳ қилиш мақсадлари ва йўлининг тўғри танланганига, биринчи навбатда, одамларнинг онгу тафаккурида демократик ва либерал қадриятларнинг нақадар мустақкам ўрин олаётганига боғлиқ².

Фуқаролик жамияти, унинг тушунчаси ва уни шакллантириш масалалари қадимги даврларда пайдо бўлган бўлиб, илк фикрлар Қадимги Юнонистон ва Қадимги Римда шакллана бошлаган³. Масалан Аристотельнинг «Сиёсат» асарида баён этилишича, «инсоннинг эркин яшаш ҳуқуқи кишилик жамиятининг адолат ва қонун устуворлиги асосида ташкил этилиши орқали таъминланиши лозим»⁴.

XVI–XVII асрларда фуқаролик жамияти ҳақидаги фикрлар, ғоялар ўша даврнинг буюк олимлари Н.Макиавелли, Г.Гроций, Т.Гоббс, Дж.Локк, Ш.Монтескье, Ж.Ж.Руссо томонидан ривожлантирилиб, янги мазмун касб этган.

Фуқаролик жамияти тушунчаси Гегельнинг «Ҳуқуқ фалсафаси» асарида келтирилган бўлиб, унда давлат бу – умумий манфаатлар соҳаси, фуқаролик жамияти эса хусусий манфаатлар соҳаси деб кўрсатилган⁵.

Шарқда фуқаролик жамиятининг ўзига хос талқини мавжуд, Бу бевосита ахлоқ, маданият ва маънавиятнинг ҳуқуқ билан уйғунлашган, феъл-атвор, хатти-ҳаракат ва қоида-меъёрларнинг узвий уйғунлашган шакли билан боғлиқ. Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри» асарида мамлакатни бошқаришда адолатли қонун зарурлиги, фаол фуқаролик жамиятини шакллантириш моҳияти чуқур таҳлил этилган⁶.

Ҳозирда фуқаролик жамиятининг умумий тушунчаси, унинг бирон бир давлатда аниқ кўриниши мавжудлиги ҳақида илмий адабиётда аниқлик йўқ.

Миллий ва ҳорижий ҳуқуқшуно олимларда ҳам фуқаролик жамиятига нисбатан турли ҳил қарашлар шаклланган. Хусусан, Х.Одилқориевнинг ёзишича, «Фуқаролик жамияти – ҳар бир инсон манфаатини устивор билувчи, ҳуқуқий анъана ва қонунларга ҳурмат муҳити шакллантирилган, умуминсоний қадриятлар эъзозланадиган, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари сўзсиз таъминланадиган, давлат ҳоқимиятининг самарали жамоатчилик назорати механизмлари вужудга келтирилган, инсоний муносабатлар чуқур маънавий-маданий қадриятларга таянадиган эркин демократик ҳуқуқий жамият»⁷.

² Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. Т.17. –Т.: Ўзбекистон, 2009. 34-бет.

³ Теория государства и права. – М., 2002. – С.90–91.

⁴ Аристотель. Политика. М., 1995; электрон ресурс: <http://www.koob.ru/books/politics.rar>

⁵ Гегель Г.В. Философия права. – М., 1990.

⁶ Мухитдинова Ф. Ўзбекистон сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлари тарихи. – Т., 2006.

⁷ Одилқориев Ҳ. Конституция ва фуқаролик жамияти. – Т.: Шарқ, 2002. – Б.172.

¹ Қаранг: Ўқишда ҳам уқиш бор. “Шарқ”, Т., 1998 й., Б. 22

Россиялик ҳуқуқшунос В.Д.Переваловнинг таърифича, «Фуқаролик жамияти – бу конкрет инсонга ўз фаолиятини қаратадиган, ҳуқуқий анъана ва қонуларга, умуминсоний идеалларга ҳурмат муҳитини яратадиган, ижод ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини таъминлайдиган, фаровонликка эришиш ва инсон ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқларини амалга ошириш имконини берадиган, давлат фаолиятини чегаралаш ва назорат қилишнинг механизмини самарали ишлаб чиқадиган эркин демократик ҳуқуқий давлатдир»¹.

Фуқаролик жамиятини шакллантириш мураккаб жараён бўлиб, у қатор омилларнинг мавжуд бўлишини талаб этади. Шундай омиллардан бири жамият ҳаётида жамоат бирлашмалари, сиёсий партиялар ва бошқа нодавлат ташкилотларнинг, шунингдек, фуқароларнинг сиёсий фаоллигининг юқори даражада бўлиши ҳисобланади.

Фуқаролик жамияти институтларининг давлат органлари фаолияти устидан назорати давлат органлари фаолиятининг қонунийлигини, ошқоралигини, халқпарварлигини кўтаришга ва шу тариқа инсон ҳуқуқларининг мақбул таъминланишига эришишга олиб келади.

Шу тариқа Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, «депутатлар корпуси, сиёсий партиялар ва нодавлат, ноҳукумат жамоат ташкилотларининг жамиятда обрў-эътибори ортиб бориши, мавқеи мустақамланиши билан улар давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг асосий воситасига айланади»².

Шу боисдан ҳам, давлатимизда фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва уларнинг самарали фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиш юзасидан кенг чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда бугунги кунда кўппартиявийлик қарор топган бўлиб, улар жамият сиёсий ҳаётида таъсирли мавқега эга бўлишмоқда; 5 мингдан ортиқ нодавлат-нотижорат ташкилотлар фаолият юритиб турибди.

Айни пайтда фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва жамият ҳаётига таъсирини бугунги кун талаблари доирасида деб бўлмади. Фуқаролик жамияти институтлари инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг ишончли ва самарали механизмга айланиши учун қатор ҳал этилиши керак бўлган вазифалар ичида жамоатчилик назорати институтини такомиллаштириш масаласи алоҳида ўрин тутди.

Таъкидлаш керакки, давлат ҳокимияти тармоқлари ичида ижро ҳокимияти фаолияти юзасида жамоатчилик назорати алоҳида аҳамиятга эга. Чунки, ижро ҳокимияти ўз ичига асосий давлат бошқаруви органларини олади ва ижро ҳокимияти таркибига кирувчи давлат органларининг аксари қисми фаолияти бевосита фуқароларнинг кундалик ҳаёти, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш билан боғлиқ, бундан ташқари, ижро ҳокимияти кучга асосланадиган давлат органларини ўз ичига олади, бу органлар фаолияти

инсон ҳуқуқларини таъминлаш, сиёсий эркинлик масалалари билан боғлиқ.

Шу муносабат билан ижро ҳокимияти фаолияти юзасидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш жамият ҳаётини янада демократлаштириш ва қонунийликни кучайтиришга хизмат қилади.

Давлат раҳбари таъкидлаганларидек, «Қонунлар ижросини таъминлаш, мамлакатда қабул қилинган ва амалда бўлган меъёрий ҳужжатларни ҳаётга жорий қилишда давлат ҳокимият органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш муҳим аҳамият касб этади. ... Шуни унутмайликки, биз давлатнинг назорат функцияларини қанча кучайтирсак, назорат билан шуғулланувчи давлат тузилмалари ва органларини қанча кўпайтирсак, амалдорларнинг зўравонлиги ва коррупция шунча авж олаверади. Шунинг учун биз жамоатчилик назоратини, давлат фаолияти, шу жумладан, унинг куч ишлатувчи тузилмалари фаолияти устидан ҳам жамият назоратини ҳар томонлама кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Бу масалада бундан бошқа муқобили йўл йўқ»³.

Таъкидлаш керакки, жамият ҳаётининг демократик асосларини кучайтириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини кўтаришда, давлат ҳокимияти фаолияти юзасидан жамоатчилик назоратини кучайтиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва роли ўзига хосдир.

Шу муносабат билан «ҳозирги пайтда қабул қилинган қонунлар ва қонун ҳужжатлари ижроси устидан жамоат назоратини, давлат ҳамда мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан назоратни амалга оширадиган механизм сифатида оммавий ахборот воситаларининг мавқеини кучайтириш зарур»⁴.

Шу ўринда жамоатчилик назорати институтларини такомиллаштиришда бу масалада ҳаҳонда тўпланган ижобий тажрибани ўрганиш, таҳлил этиш ва ижобий ўзлаштириш зарур. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, «биз давлатимиз келажагини ўз қобилигимизга ўралиб қолган ҳолда эмас, балки умумбашарий ва демократик қадриятларни чуқур ўзлаштирган ҳолда тасаввур этамиз. Биз истиқболимизни тараққий топган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиб, давлат ва жамият бошқарувини эркинлаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, фикрлар ранг-баранглигини ўз ҳаётимизга янада кенгроқ жорий қилишда кўраимиз»⁵.

Бундан ташқари, жамоатчилик назоратини кучайтириш, унинг давлат органлари фаолияти юзасида шакл ва услубларини такомиллаштиришда жамоатчилик назорати ҳуқуқий базасини мустақамлаш катта аҳамиятга эга.

Хулоса сифатида Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назратинининг ҳуқуқий асосларини шакллантиришда ижобий ҳорижий тажрибадан кенг фойдаланган ҳолда «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонун қабул қилиниши мақсадга мувофиқ

¹ Перевалов В.Д. Гражданское общество и правовое государство // Теория государства и права. – М.: Норма, 2002. – С.95.

² Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир // Халқ сўзи. 2005 йил 29 январь.

³ Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – Б.28–29.

⁴ Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б.391.

⁵ Каримов И.А. Юксак маънавия – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б.114.

бўлиб, ушбу қонун жамоатчилик назоратини жамият ҳаётига кенг тадбиқ қилиш учу насос бўлиб хизмат қилар эди.

Резюме

В вводной части статьи автор характеризует понятие и развитие гражданского общества.

В основной части статьи автор рассматривает вопросы общественного контроля в гражданском обществе.

В заключении автор приходит к выводу, что в развитии страны и гражданского общества в ней следует принять закон об общественном контроле.

Abstract

In the introductory part of the article the author characterizes concept and development of a civil society.

In the basic part of the article the author considers public control questions in a civil society.

In the conclusion the author comes to opinion that in development of the country and a civil society in it it is necessary to pass the law on public control.

А.Ҳамидов
ТДЮИ ўқитувчиси

ДАВЛАТ МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТИНИНГ МАЗМУНИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўзбекистонда амалга ошириладиган туб демократик ислохотларнинг пировард мақсади аҳоли фаровон турмуш кечириши тўла-тўқис таъминланадиган бозор иқтисодиётига асосланган эркин фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборат. Истиқлол йилларида мамлакатда янги ижтимоий-сиёсий тузум ва бозор иқтисодиётига мос янгича ҳуқуқий доктрина қарор топди. Ушбу доктрина юртбошимиз раҳнамолигида ишлаб чиқилган тараққиётнинг ўзбек моделининг беш принципига асосланади. Истиқлол йилларида олиб борилган иқтисодий ислохотлар негизини ташкил этувчи ушбу беш принципнинг дастлабкиси – давлатнинг бош ислохотчи эканлиги ўз навбатида мамлакатимиз иқтисодий тараққиётида давлат молиявий фаолиятининг аҳамияти нақадар улканлигидан далолат беради. Дарҳақиқат, давлат молиявий фаолиятининг мамлакатда ҳуқуқий ва сиёсий барқарорликни таъминлашдаги ўрни беқиёс.

Молиявий фаолият давлат вужудга келгандан буён унинг ажралмас функцияларидан бири сифатида давлат ва жамиятни молиявий таъминлаш билан чамбарчас боғлиқ ҳолда узлуксиз ривожланиб келмоқда. Ҳозирги кунда эса, давлат молиявий фаолияти жаҳоннинг аксарият мамлакатларида у ёки бу жараёни тартибга солишнинг самарали усули сифатида фаол қўлланиб келинмоқда.

Давлатимиз раҳбари И.А.Каримов эътироф этганидек, “Чуқур ўйланган ва узоқни кўзлаган, кенг кўламда ҳаётга татбиқ этиладиган ислохот ва янгиланиш жараёнлари охириги беш-олти йил давомида иқтисодиётимизнинг ишончли ва барқарор суръатлар билан ривожланишига, ҳаётимиз даражасини оширишга мустаҳкам замин барпо этмоқда”¹.

Бозор ислохотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишни мустаҳкамлашга қаратилган чоратadbирларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда инвестиция муҳитини яхшилаш ҳамда ҳажми тобора ортиб бораётган хорижий сармояларни жалб қилишда ижобий таъсир кўсатди.

Молия - пул муносабатларининг ажралмас қисми ҳисобланади. Унинг роли ва аҳамияти пул муносабатларининг иқтисодий муносабатларда тутган ўрни билан белгиланади.

“Молия” латинча “finare” (“finire”) сўздан келиб чиққан бўлиб, бирон-бир низонинг, қоида тариқасида пул билан боғлиқ муаммонинг тартибга солиниши, тугатилишини англатган. Ушбу тушунча асосида кейинчалик “financia” атамаси вужудга келган-ки, пул ёки бирон-бир тўловни тўлаш мажбуриятини англатади. XVII асрдан бошлаб, “молия” давлат

¹ Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. 5-б.

даромади ва харажати англатувчи барча муносабатларга нисбатан қўлланила бошланди¹.

Юридик адабиётларда курсатиб ўтилишича: “молия – умумдавлат эҳтиёжларини молиялаштириш учун зарур бўлган пул маблағлари жамғармаларини ташкил этиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган иқтисодий муносабатлар тизимидир”².

Давлат молиявий фаолияти моҳияти тўғрисидаги масалага оиднинг киритиб ўтиш улкан назарий аҳамият касб этади. Таъкидлаш жоизки, “давлат молиявий фаолияти” тушунчаси бугунги кунда умумтан олинган ва молия ҳуқуқи фанида асосий категориялардан бири сифатида мустақкам ўрин олган.

Амалдаги қонунчиликда “давлат молиявий фаолияти”нинг легал таърифи келтирилмаган. Ушбу категориянинг мазмуни молия ҳуқуқи фанида очиб берилади. Мазкур муаммога бағишланган адабиётларни ўрганиб, давлат молиявий фаолиятига оид фикр-мулоҳазалар бир-биридан жиддий фарқланмайди, деган хулосага келиш мумкин. Чунончи, Н.И.Химичева давлат молиявий фаолияти – бу давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, мамлакат муҳофаа ва хавфсизлигини мустақкамлаш, шунингдек, давлат органларини молиявий ресурслар билан таъминлашга оид вазифаларини рўёбга чиқариш мақсадида ўз пул жамғармасини (молиявий ресурсларни) режали шакллантириш, тақсимлаш ва фойдаланиш бўйича функцияларини амалга ошириши³, деб ёзади.

О.Н.Горбунова таъкидлашича, давлат молиявий фаолияти – давлатнинг жамият тараққиётининг ҳар бир босқичида тинимсиз амал қилишини таъминловчи марказлашган ва марказлашмаган пул маблағлари жамғармаларини шакллантириш, қайта тақсимлаш ва фойдаланиш бўйича фаолияти⁴.

М.В.Карасёва эса, шундай ёзади: “давлат ва маҳаллий бирликларнинг молиявий фаолияти ўзида давлат ва маҳаллий бирликларнинг олдиларида турган вазифаларини бажариш учун молиявий ресурсларини ўз пул жамғармалари орқали режали ташкил этиш, тақсимлаш ва фойдаланиш бўйича фаолиятини ифодалайди”⁵.

Н.Д.Эриашвили наздида “давлат молиявий фаолияти – бу унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, мамлакат хавфсизлиги ва муҳофаа қобилиятини таъминлаш бўйича вазифаларини амалга ошириш мақсадида пул жамғармаларини (молиявий ресурсларини) режали шакллантириш, тақсимлаш ва фойдаланиш бўйича функцияларини амалга ошириши”⁶. Шунингдек, муаллиф ушбу фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари сифатида унинг тармоқлараро мазмун касб этиши ҳамда ушбу фаолият билан

вакиллик, ижроия ва суд органлари ҳам шуғулланишларини келтириб ўтади.

Э.Д.Соколова фикрича: “Давлат молиявий фаолияти – бу унинг органларининг ялпи маҳсулотни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнида ўз вазифа ва функцияларини амалга ошириш учун зарур бўлган марказлашган ва марказлашмаган пул маблағлари фондиди яратиш, тақсимлаш (қайта тақсимлаш) ва фойдаланиш орқали давлат молиявий фаолиятини амалга оширишга қаратилган фаолияти”⁷.

В.Н.Ульянова давлат молиявий фаолиятини “ҳокимият органлари томонидан оммавий функцияларни таъминлаш учун пул жамғармалари орқали молиявий ресурсларни шакллантириш ва тақсимлаш (қайта тақсимлаш) бўйича фаолиятларини узлуксиз амалга ошириш”⁸ сифатида баҳолайди.

Ушбу муаммони тадқиқ этар экан, И.В.Рукавишникова “оммавий молиявий ресурсларни тартибга солиш ва бошқариш ҳар қандай тарихий даврда ҳар бир давлат фаолиятининг асосий йўналиши бўлиб қолган”лигини алоҳида таъкидлаб ўтади. Бунда муаллиф давлат молиявий фаолиятини “давлатнинг ўз вазифаларини амалга ошириш мақсадида пул жамғармалари (молиявий ресурслар)ни режали шакллантириш, тақсимлаш ва фойдаланиш бўйича фаолияти” сифатида тавсифлаб, ҳақли равишда “давлат молиявий фаолияти давлатнинг молиявий сиёсатида мувофиқ ҳолда амалга оширилади”⁹, деб таъкидлайди.

Юқоридагилар асосида давлат молиявий фаолиятига оид қуйидаги хусусиятларни зикр этиб ўтиш мумкин:

Биринчидан, бу давлат томонидан амалга ошириладиган фаолият туридир;

Иккинчидан, ушбу фаолият мазмуни давлат вазифа ва функцияларини пул билан таъминлаш мақсадида давлат пул маблағларини тўплаш, тақсимлаш ва фойдаланиш ташкил этади;

Учинчидан, давлат пул маблағларини тўплаш, тақсимлаш ва фойдаланиш жараёнларини рўёбга чиқариш (яъни, амалда ўз молиявий фаолиятини амалга ошириш) учун молиявий инфратузилмани (яъни давлат молиявий тизимини ва ушбу фаолиятни амалга ошириш вазифаси зиммасига юкланган давлат органлари тизимини) шакллантириши даркор.

Юқорида баён этилганларни ҳисобга олиб, давлат молиявий фаолиятига қуйидагича умумий таърифни келтириш мумкин: “давлатнинг молиявий фаолияти – пул маблағларининг марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган жамғармаларини ташкил этиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш, шунингдек, жамият ижтимоий-иқтисодий вазифаларини муваффақиятли ҳал этилишини таъминлайдиган, молиявий назорат бўйича тармоқлараро хусусиятга эга бўлган давлат фаолиятининг алоҳида туридир”.

Резюме

В вводной части статьи автор характеризует понятие финансовой деятельности государства.

¹ Финансовое право / Под ред. Е.Ю.Грачевой, Г.П.Толстопятенко. М., 2003. С. 6.

²Рахимова А., Хожиев Э. Молия ҳуқуқи. Дарслик. Т.: ТДЮИ, 2002. 7-б.

³ Финансовое право: Учебник. Отв. ред. Н.И.Химичева - 3-е изд., перераб. и доп. М.: Юристъ, 2003. С.85.

⁴ Финансовое право: Учебник. Под ред. О.Н.Горбуновой. 2-е изд., перераб. и доп. М.: Юристъ, 2000. С.16.

⁵ Карасёва М.В. Финансовое право. Общая часть: Учебник. М.: Юристъ, 1999. С. 14.

⁶ Эриашвили Н.Д. Финансовое право: Учебник для вузов. М.: ЮНИТИ-ДАНА, Закон и право, 2001. С.38.

⁷ Соколова Э.Д. Теоретические аспекты правового регулирования финансовой деятельности государства и муниципальных образований. Дис. ... докт.юр.наук. М., 2008. С. 59.

⁸ Финансовое право. Учебник / Под ред. проф. Е.Ю.Грачевой. – М.: Право и закон, КолоС, 2003. С.18.

⁹ Финансовое право: учебное пособие / Отв. ред. И.В.Рукавишникова. М.: Норма, 2007. С. 17.

В основной части статьи рассматриваются вопросы своеобразности финансовой деятельности государства.

В заключении автор вносит предложения по формированию понятия финансовой деятельности государства.

Abstract

In the introductory part of the article the author characterizes concept of financial activity of the state.

In the basic part of the article questions of financial activity of the state are considered.

In the conclusion the author makes offers on formation concept of financial activity of the state.

И.Р.Рустамбеков
ТДЮИ аспиранти

ДОМЕН НОМЛАРИГА ОИД МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА МИЛЛИЙ РЎХАТДАН ЎТКАЗУВЧИНИНГ АХАМИЯТИ

Суд амалиётида жавобгар сифатида домен номларининг миллий рўйхатдан ўтказувчиси иштирок этган низоларни кўриш ҳоллари ҳам йўқ эмас.

«UZ» домени Маъмури – «UZ» доменининг асосий Реестрини бошқариш ва «UZ» доменини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилашга давлат томонидан ваколат берилган ташкилот¹.

Ўзбекистон Республикасидаги «UZ» доменининг маъмури Uzinfocom марказидир.

Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш маркази – UZINFOCOM 2002 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида мувофиқ ташкил этилган² ва Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги (ЎзААА)нинг таркибий бўлини маси ҳисобланади³.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг ўзи алоқа, ахборотлаштириш ва радиочастота спектридан фойдаланиш соҳасидаги вазифаларни ҳал қилиш ва давлат сиёсатини ўтказиш учун ваколат берилган мувофиқлаштирувчи бошқарув органи ҳисобланади⁴.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида» 2002 йил 30 майдаги ПФ-3080-сон Фармонида мувофиқ, 1997 йилда Ўзбекистон Республикасининг собиқ Алоқа вазирлиги негизида ташил этилган Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги қайта тузилди. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг таркибий тузилиши ва фаолият асослари Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида» 2002 йил 30 майдаги ПФ-3080-сон Фармони, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 6 июндаги 200-сон ва «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 7 майдаги 215-сон қарорларида белгиланган⁵.

¹ Қаранг: «UZ» доменидаги домен номларини рўйхатдан ўтказиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида низом // Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг 2008 йил «26» май 155-сон буйруғи билан тасдиқланган.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармони. 30.05.2002 й. ПФ-3080.

³ Қаранг: www.aci.uz

⁴ Қаранг: <http://www.aci.uz/ru/about/agency>

⁵ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармони. 30.05.2002 й. ПФ-3080; Ўзбекистон Республикаси

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг ишчи органи ҳисобланади. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тўғрисидаги Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги фаолиятини чора-тадбирлари тўғрисида” 2004 йил 7 майдаги 215-сон Қарорига мувофиқ тасдиқланган.

UZINFOCOM марказига иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида замонавий ахборот технологияларини, компьютер техникаси ва телекоммуникация воситаларини оммавий равишда жорий этиш ҳамда улардан фойдаланиш, фуқароларнинг ахборотга ортиб бораётган талаб-эҳтиёжларини янада тўлиқроқ қондириш, жаҳон ахборот ҳамжамиятига кириш ҳамда жаҳон ахборот ресурсларидан баҳраманд бўлишни кенгайтириш учун қулай шарт-шароитларни яратишга қўмаклашиш вазифалари юклатилган.

Марказ бошқарув органи, бюджет ташкилотлари ва хусусий бизнесга компьютерлаштириш ҳамда ахборот технологияларини жорий этиш масалалари бўйича кенг ахборот, сервис ва консалтинг хизматларини кўрсатади. Бу норматив ҳужжатлар ва стандартларни ишлаб чиқиш, маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги лойиҳалар экспертизаси, мутахассисларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ва ҳоказоларни қамраб олади.

Қўйилган вазифаларни ҳал қилиш учун UZINFOCOM маркази зарурий моддий-техника базасига ва улкан интеллектуал салоҳиятга (компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этишнинг барча йўналишларида ёш ва истиқболи порлоқ мутахассислар сиймосида) эга¹.

UZINFOCOM маркази Ўзбекистоннинг юқори даража домини ([ccTLD²](http://www.cctld.uz)) [UZ](http://www.uz) маъмури ҳисобланади. Ушбу фаолиятни у 2003 йил 27 мартда Интернет номлари ва манзилларини тайинлаш бўйича корпорация ([ICANN³](http://www.icann.org)) билан тузилган ccTLD спонсорлиги тўғрисидаги Битимга мувофиқ амалга оширади.

Улар Интернет тармоғининг миллий сегментида ахборот ресурсларини яратиш ва ривожлантириш жараёнини рағбатлантириш ва мувофиқлаштириш борасида кенг қўламли ишлар олиб борадилар.

Марказ домен номларини рўйхатдан ўтказиш ва қувватлашни марказлаштиришдан чиқариш, бу соҳада рақобат муҳитини яратиш, шунингдек кўрсатилаётган хизматлар сони ва сифатини ошириш чораларини кўрмоқда.

Ушбу тадбирлар доирасида 2005 йил кузда иккинчи даража UZ доменининг расмий рўйхатдан ўтказувчилари сони биттадан олтигача кўпайтирилди

Вазирлар Маҳкамасининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги Қарори. 06.06.2002й. N200; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги Қарори. 07.05.2004й. N215.

¹ Қаранг: <http://www.uzinfocom.uz/about>

² www.cctld.uz

³ www.icann.org

ва бу домен номини рўйхатдан ўтказиш қиймати анча пасайишига олиб келди⁴.

Рўйхатдан ўтказувчи – домен номларини рўйхатдан ўтказиш бўйича «UZ» домени Маъмури билан тузилган шартномага асосан хизматлар кўрсатадиган ва домен номи тўғрисидаги зарур ахборотни асосий Реестрга киритилишини таъминлайдиган юридик шахс⁵.

Ҳозирги вақтда юзага келаётган домен номларига доир низоларда домен номини рўйхатдан ўтказувчини ёки домен номининг миллий рўйхатдан ўтказувчисини жавобгарликка тортиш бўйича берилаётган даъво аризалари сони кўпаймоқда.

Домен номининг миллий рўйхатдан ўтказувчиси вазифаларига домен номлари реестрини юритиш қиради. Ушбу ҳодиса даъвогарнинг домени ёки фирма номидан фойдаланиш сифатида қаралиши мумкин эмас. Суд даъвогарнинг фирма номи ифодаланган домен номини рўйхатдан ўтказиш ва ундан фойдаланишни тақиқлаши мумкин. Аммо даъвогар домен номига берилган ҳуқуқларни бекор қилишни талаб қилса, миллий рўйхатдан ўтказувчи домен номини тайинламайди, балки унинг мавжудлиги техник имкониятини таъминлайди. Бундай ҳаракатлар даъвогарнинг домени ва фирма номидан фойдаланиш сифатида қаралиши мумкин эмас.

Доменни рўйхатдан ўтказиш вазифаси рўйхатдан ўтказувчи томонидан домен номи ва унинг Маъмури тўғрисидаги ахборотни ариза берувчининг сўрови асосида асосий Реестрга киритишдан иборат ва у ёки бу товар белгисини ҳўжалик муомаласига киритиш ҳисобланмайди. Уставга мувофиқ рўйхатдан ўтказувчи информатика соҳасида илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик фаолиятини амалга ошириш учун ташкил этилган нотижорат ташкилоти ҳисобланади. У жамиятда компьютер тармоқлари ривожланишига, энг янги технологияларини ривожлантириш ва жорий этишга қўмаклашиш мақсадида ташкил этилган. Бинобарин, жавобгар ва даъвогарнинг фаолият турлари, мақсадлари ва вазифалари ҳар хил, жавобгарнинг ҳўжалик юритувчи субъект сифатидаги фаолияти даъвогарнинг фаолияти билан рақобатдош деб эътироф этилиши мумкин эмас.

Шундай қилиб, миллий рўйхатдан ўтказувчини (доменлар реестрини сақловчини) жавобгарликка тортиш учун асослар йўқ. Унинг вазифаси сўровда ифодаланган ахборотни домен номларининг маълумотлар базасига киритиб қўйишдан иборат, холос. Бундан ташқари, у устав ҳужжатларига мувофиқ информатика соҳасида илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик фаолиятини амалга ошириш учун ташкил этилган нотижорат ташкилоти ҳисобланади.

Буларнинг барчаси миллий рўйхатдан ўтказувчининг фаолияти даъвогарларнинг фирма номи, товар белгиси, домен номи ёки ўзга хил индивидуаллаштириш воситаларидан фойдаланиш сифатида қаралиши мумкин эмаслигидан, унинг даъво бўйича суд жараёнида иштирок этиши эса зарурий ҳисобланмаслигидан далолат беради.

⁴ <http://www.uzinfocom.uz/about/activity>

⁵ Қаранг: «UZ» доменидаги домен номларини рўйхатдан ўтказиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида низом // Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг 2008 йил «26» май 155-сон буйруғи билан тасдиқланган.

Мас., Москва шаҳар суди “Мегашоп” ЁАЖнинг “Холмрук Лимитед” компанияси ва РосНИИРОСга даъво аризасини; “kodak” ишини; “Дзе Кока-Кола Компани”нинг “Инсайт” МЧЖ ва РосНИИРОСга даъво аризасини кўришда ва бошқа бир қатор ишларда шундай хулосага келган.

«compromat.ru» ва «kompromat.ru» доменларининг эгалари (“Верит” МЧЖ ва “Агентство федеральных расследований” МЧЖ) ўртасидаги низо бўйича ишда даъво аризасини суд миллий рўйхатдан ўтказувчини процессга жалб қилмасдан кўриб чиққан ва қаноатлантирган.

Шундай қилиб, домен номларига доир низоларни кўриш бўйича хориж тажрибасининг таҳлили миллий рўйхатдан ўтказувчини (доменлар ресстрини сақловчини) жавобгарликка тортиш учун асослар йўқ деган хулосага келиш имкониятини беради. Унинг вазифаси сўровда ифодаланган ахборотни домен номларининг маълумотлар базасига киритиб қўйишдан иборат, холос. Бундан ташқари, у устав ҳужжатларига мувофиқ информатика соҳасида илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик фаолиятини амалга ошириш учун ташкил этилган ноtijорат ташкилоти ҳисобланади.

Буларнинг барчаси миллий рўйхатдан ўтказувчининг фаолияти даъвогарларнинг фирма номи, товар белгиси, домен номи ёки ўзга хил индивидуаллаштириш воситаларидан фойдаланиш сифатида қаралиши мумкин эмаслигидан, унинг процессда иштирок этиши эса зарурий ҳисобланмаслигидан далолат беради.

Миллий регистратор ўз навбатида домен номи эгаларига хизмат кўрсатиш вазифасини ўтайди, ушбу муносабат шартномавий муносабат бўлиб ҳисобланади.

Домен номининг рўйхатдан ўтказилиши, қоида тариқасида, домен номларини тақсимловчи ташкилот (рўйхатдан ўтказувчи) билан юридик ёки жисмоний шахс (бўлғуси маъмур, домен номининг эгаси) ўртасида ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш кўринишидаги фуқаролик-ҳуқуқий шартномаси тузилишини англатади. Бундай шартнома, қоида тариқасида, муддатли, ҳақ эвазига тузиладиган, консенсуал бўлади. Рўйхатдан ўтказиш муддати одатда бир йилни ташкил этади. Домен номлари регистраторлари хозирда рўйхатдан ўтказишни бир йиллик ва уч йиллик муддатга амалга оширмақдалар.

Домен номларини рўйхатдан ўтказувчи ва домен номининг бўлғуси эгаси ўртасида тузиладиган ёзма шартнома тузилиши анча оддий кўринишда ва тарафларнинг тўлиқ ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб қўймайди, шунингдек низо келиб чиқадиган тақдирда ушбу низога тўғри хал қилиниши учун шартнома бандлари тушунарсиз бўлиб намоён бўлади. Одатда шундай шартнома бир йил муддатга тузилади, муддат тугашида эса домен номи эгаси домен номига бўлган тўловни муддат тугамасидан амалга оширсан унинг домен номига эгаллиги яна бир йилга узайтирилган бўлиб ҳисобланади. Шу ҳолатдаги камчилик яққол кўзга ташланади, бундай узайтириш домен номини рўйхатга ўтказувчи томонидан амалга оширилади, яъни дастлаб тузилган шартномага асосан, лекин дастлабки шартномада ҳеч қандай маълумотлар акс этмайди, қўшимча шартнома ҳам, янги шартнома ҳам тузилмайди. Бу ҳолл шуни англатадики, домен номи эгасининг қўлида фақатгина дастлабки шартнома қолади, ҳуқуқий жиҳатдан ушбу

шартнома ўз кучини йўқотган бўлиб ҳисобланади, ҳамда низо келиб чиқадиган бўлса ушбу шартнома ёрдамида ҳуқуқлар ҳимоя қилиниш имконияти мавжуд бўлмади қолиши мумкин.

Бизнинг фикримизча, бундай камчиликларни бартараф этилиши учун домен номини рўйхатдан ўтказиш шартномаси янгитдан ишлаб чиқилиши ва домен номи узайтирилган тақдирда қўшимча шартнома ёки янги шартнома тузилиши лозимлиги белгилаб қўйилиши лозим.

Булар билан бир қаторда домен номининг ўзи ҳам савдо сотиқ объекти бўлиб қолмоқда, яъни домен номи эгаси дастлаб доменни маълум нархга рўйхатдан ўтказиб ўзининг эгаллигига ўтказган бўлса, сўнг эса ушбу доменни кўпроқ ҳақ эвазига сотиш имкониятини вужудга келтиради. Лекин бу ҳолат ҳуқуқий тартибга солилмаган. Шундай вазият вужудга келганида домен номи эгаси домен номидан воз кечиши, сотиб олаётган шахс эса уни рўйхатдан ўтказиши лозим бўлади, ёки домен номи эгаси домен номидан фойдаланишни муддати тугагунига қадар унга бўлган ҳуқуқларни сақлаб қолаверади, лекин фойдаланишни топширади. Бизнинг фикримизча, бу муносабатлар ҳам шартномавий тарзда хал қилиниши лозим, яъни домен номи эгаси ўзига тегишли доменни сотишни амалга ошириши мумкин, тарафлар ўзаро келишилган нарх бўйича олти-сотдини амалга ошириши керак ва ушбу шартнома асосида домен номи рўйхатдан ўтказувчиси домен номини унинг эгасидан сотиб олган шахсга ўтказиши керак бўлади.

Домен номини рўйхатдан ўтказиш ҳам доимо ундан фойдаланишни аниқламайди, домен номига эгалликни қўлга киритган шахс, ундан фойдаланишни бошқа шахсга топшириши мумкин, бизнинг фикримизча шундай ҳолатларда ҳам тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари шартнома орқали белгилаб қўйилиши лозим. Бу ҳол домен номи бўйича жойлаштирилган маълумотларга нисбатан жавобгар шахсни аниқлашга тўлиқ имкон беради, акс ҳолда домен номи эгаси жавобгар сифатида намоён бўлиб қолади.

Домен номини рўхатдан ўтказилиши ва унинг эгасининг ҳуқуқларини ҳимояси билан боғлиқ яна бир низо бу домен номи қаердан рўйхатдан ўтказилганлигини ва унга қайси мамлакат ҳуқуқини қўллашни аниқлаш бўлиб ҳисобланади. Бизнинг фикримизча қонунчиликда белгилаб қўйилиши тўғри бўладиги, домен номи уз миллий домен зонасида рўйхатдан ўтказилган бўлса Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий режимига бўйсунди. Агар домен номи бошқа миллий домен зоналарида рўйхатдан ўтказилса ўша мамлакат қонунчилиги қўлланилади. Аммо халқаро домен зонасида рўйхатдан ўтказилиб, уни рўйхатдан ўтказган шахс Ўзбекистон Республикаси жисмоний ёки юридик шахси бўлса ёки ушбу домен ва ушбу домен орқали акс эттириладиган маълумотлар Ўзбекистон Республикасига қаратилган бўлса Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги қўлланилади.

Юқоридагилар билан бир қаторда домен номларининг Миллий регистраторларига алоҳида ҳуқуқлар берилиб, уларга асосан агар рўйхатдан ўтказилган домен номи ҳамда у орқали акс эттириладиган ахборот Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид бўладиган бўлса ушбу домен фаолияти ва унда акс эттириладиган ахборотлар чекланиши имконияти яратилиши керак. Бу ўз навбатида мамлакат миллий ва

унинг глобал Интернет тармоғидан фойдаланувчиларини шахсий ҳимояси сифатида намоён бўлади.

Хулоса сифатида таъкидлаш мумкинки юқорида акс эттирилган ҳолатлар «Домен номлари тўғрисида»ги ва «Интернет тармоғининг миллий сегментини ҳуқуқий тартибга солиниши тўғрисида»ги миллий қонунларни қабул қилиниши билан амалга оширилиши энг мукамал усул бўлиб хисобланади, деб ўйлаймиз.

Резюме

В вводной части статьи автор характеризует понятие регистратора доменных имен.

В основной части рассматриваются вопросы места и роли национального регистратора в отношениях связанных с доменными именами.

В заключении автор вносит свои предложения по совершенствованию и усилению роли регистратора в регулировании отношений связанных с доменными именами.

Abstract

In the introductory part of the article the author characterizes concept of the registrar of domain names.

In the basic part questions of a place and a role of the national registrar in relations connected with domain names are considered.

In the conclusion the author makes the offers on perfection and strengthening of a role of the registrar in regulation of relations connected with domain names.

РЕЦЕНЗИЯ

на монографию Юлдашевой Г. «Консульское право с системе современного международного публичного права» начальник отдела международного договора Договорно-правового управления МИД Республики Узбекистан д.ю.н. Исмаилова Б.И.

Процессы глобализации характеризующие сегодняшний мир приводят к расширению и углублению отношений граждан Республики Узбекистан, организаций и предприятий с гражданами, предприятиями и фирмами других стран в самых различных сферах общественной жизни, экономики, торговли, культуры, туризма, науки.

С развитием международных отношений и интеграцией государств в мировое сообщество большое значение придается вопросам исполнения и реализации государствами, как субъектами международного права своих обязательств, вытекающих из международных договоров.

На начало 2007г. Республика Узбекистан заключила более 900 многосторонних и двухсторонних договоров и соглашений, присоединилась к более чем 170 важнейшим международным конвенциям и договорам, в том числе к более чем 60 договорам в сфере защиты прав и свобод человека.

Международное и национальное право хотя и являются самостоятельными отраслями права, но данная самостоятельность не мешает этим системам находиться в тесном взаимодействии, осуществляемое посредством национально-правовой имплементации. Сущность данного процесса непосредственно связана с принятием со стороны государства необходимых юридических мер, которые должны обеспечить реализацию государством его международно-правовых обязательств.

Нормы консульского права по своему назначению являются средствами установления, поддержания и укрепления широких политических, экономических, культурных отношений между государствами, основанных на уважении суверенитета, невмешательстве во внутренние дела друг друга и взаимной выгоде.

Все это в свою очередь приводит к значительному увеличению числа поездок наших граждан за границу, а иностранцев - в Узбекистан. Консульские отношения представляют огромный интерес для граждан потому, что именно от них зависит их безопасность, защита и соблюдение их прав.

Консульское право, являясь частью международного права, развивалось непосредственно под влиянием мировых экономических связей. Каковы были особенности исторического развития консульского права? Каким образом консульское право отвечало и отвечает потребностям мирового торгового оборота? На эти вопросы призвана ответить данная работа.

Специфика консульского права заключается в том, что, регулируя официальную деятельность субъектов международного права, оно находит выражение и в нормах национального права. В этой связи теоретические исследования Юлдашевой Г. аннотированные в монографии «Генезис консульского права в системе современного международного публичного права» обретают особую актуальность.

Целью монографии является теоретическое осмысление юридической природы и особенностей становления и развития современного консульского права, выявление научно-теоретических и практических аспектов проблемы, выявление основных исторических и теоретических предпосылок её становления. При этом особый акцент делается на то, чтобы выйти за рамки прежних стереотипов, подойти к проблеме с научно-теоретической точки зрения.

Исходя из поставленной цели, автором в качестве приоритетных определены следующие задачи:

- осуществить анализ становления и развития консульских институтов в международном публичном праве;
- определить юридическое содержание источников консульского права, а именно Венской конвенции о консульских сношениях 1963 года, Двусторонних Консульских конвенций и других соглашений Республики Узбекистан с иностранными государствами, касающиеся консульских вопросов, нормативно-правовой базы деятельности консульской службы Республики Узбекистан;
- исследовать характер консульской службы и её основных функций;
- проанализировать теоретические концепции характера консульской службы и правового статуса консула, основные иммунитеты и привилегии консульских должностных лиц;
- исследовать задачи и функции консульских учреждений в отношении защиты прав граждан за границей исходящих из договоров и соглашений Республики Узбекистан по визовым вопросам, по правовой помощи по гражданским, уголовным и семейным отношениям;
- конкретизировать роль консульских учреждений в развитии торгово-экономических связей с иностранными государствами;

исследовать опыт демократических государств по правовой регламентации деятельности консульских учреждений.

В монографии на основе системного анализа исследованы важнейшие вопросы формирования и развития консульского права в системе международного права. В работе в качестве основных исследованы вопросы истории возникновения и развития консульских институтов, развития консульского права в международном публичном праве. Автором произведён детальный анализ сути и содержания системы источников консульского права, дана современная интерпретация источников консульского права.

Предметом специального исследования в монографии являются вопросы роли и значения Венской конвенции о консульских сношениях 1963 года как основного источника консульского права, рассмотрены теоретические вопросы базы двусторонних консульских конвенций и других соглашений Республики Узбекистан с иностранными государствами, касающиеся консульских вопросов, проанализирован характер консульской службы её функции, иммунитеты и привилегии консульских должностных лиц, сформулированы теоретические концепции характера консульской службы и правового статуса консула, конкретизирован перечень функций консульских учреждений.

Научная новизна монографии состоит в том, что оно представляет собой самостоятельное научное исследование теоретических и практических аспектов становления и развитии консульского права в системе международного публичного права. Новизна заключается в самой постановке проблемы в условиях государственной независимости Узбекистана, формировании круга рассматриваемых вопросов.

Методологическую основу исследования составили общеправовые и теоретико-правовые методы познания социально-правовых явлений. В ходе исследования широко использовались правила и приёмы системно-структурного подхода.

В процессе монографического исследования для выделения основных аспектов проблемы были использованы методы: исторического, социологического, системного и сравнительного исследования.

Ориентиры исследования были определены идеями и положениями фундаментальных произведений Президента Республики Узбекистан И.А. Каримова.

В работе исследованы и нормативно-правовые акты, регламентирующие консульские сношения на нацио-

нальном уровне, а именно: Конституция Республики Узбекистан, конституционные законы Республики Узбекистан, Законы "О международных договорах Республики Узбекистан", "Об основных принципах внешнеполитической деятельности Республики Узбекистан", Консульский Устав Республики Узбекистан, принятый 29 августа 1996 года, "О порядке назначения и отзыва глав дипломатических представительств Республики Узбекистан в иностранных государствах", "Об установлении дипломатических классов и рангов для дипломатических работников Республики Узбекистан", «Об утверждении Консульского устава Республики Узбекистан» и др.

Указы Президента Республики Узбекистан, Постановления Кабинета Министров Узбекистана "О вопросах организации и совершенствования деятельности Министерства иностранных дел Республики Узбекистан", "О деятельности дипломатических представительств, консульских учреждений иностранных государств, представительств, международных организаций и их сотрудников в Республике Узбекистан", внутриведомственные документы МИД Республики Узбекистан и целый ряд других нормативных актов Республики.

В работе использованы материалы и документы международных организаций, тексты международных договоров в сфере консульских отношений.

Применительно к теме исследованы работы известных правоведов, представителей различных правовых школ и доктрин, изучена и использована юридическая, философская, экономическая, историческая и социологическая литература, посвященная общим проблемам защиты прав человека.

Вне всякого сомнения, положения, выводы, содержащиеся в монографии Юлдашевой Г. могут быть использованы при подготовке соответствующих учебных курсов по международному праву и консульскому праву. Они могут быть полезными для практических работников внешнеполитических и внешнеэкономических ведомств.

Основные выводы монографии могут быть использованы в научной и учебной работе, при преподавании курсов «Международное публичное право», «Международное консульское право», «Международное право прав человека», «Правовые системы современности» и др. в высших и средних юридических учебных заведениях. Практические рекомендации и предложения монографии могут быть применены в законодательной деятельности.

Монография может быть рекомендована к печати.

д.ю.н. Исмаилов Б.И.